

М.М. МУХАММЕДОВ

**НОРАСМИЙ БАНДЛИК:
САБАБЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ
ВА ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

М.М. МУХАММЕДОВ

**НОРАСМИЙ БАНДЛИК: САБАБЛАРИ,
ОҚИБАТЛАРИ ВА ҚИСҚАРТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

ТОШКЕНТ- “ИQTISODIYOT” 2015

УЎК: 331.5:334

КБК: 65.9(2)

М 920

Муҳаммедов М.М. Норасмий бандлик: сабаблари, оқибатлари ва қисқартириш йўллари. Монография. - Т.: "IQTISODIYOT", 2015. -155 б.

Ушбу монографияда дунё мамлакатлари бўйича долзарб муаммога айланиб бораётган норасмий бандлик, эркин бозор муносабатлари шароитида унинг келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири хусусидаги илмий-назарий қарашлар, уларнинг тахлили батафсил акс эттирилган. Бандликнинг, хусусан норасмий бандликнинг аҳоли эҳтиёжлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳар томонлама очиб берилган. Аграр секторга нисбатан норасмий бандликнинг ўзига хос хусусиятлари ва келажакда уни қисқартириш истиқболлари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Монография меҳнат иқтисодиёти соҳаси мутахассислари, бандлик хизмати ходимлари, илмий изланувчилар ва бошқа илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.

Ушбу монография Ф1-ФА-О-73578-ФА-Ф1-ГО29 "Қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг концептуал йўналишлари" фундаментал тадқиқотлар давлат гранти асосида бажарилган.

Масъул муҳаррир: и.ф.д., проф. Ф. Қудратов
Такризчилар: и.ф.д., проф. М. Пардаев,
и.ф.н., доц. Д. Асланова

УЎК: 331.5:334


КБК: 65.9(2)

ISBN 978-9943-986-49-7

© "IQTISODIYOT" нашриёти, 2015.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	4
I боб.	НОРАСМИЙ БАНДЛИК ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ-НИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1.	Меҳнат ва бандлик — инсон эҳтиёжларини кондирешнинг асосий воситаси сифатида.....	8
1.2.	Аҳоли бандлиги — меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг етакчи омили.....	37
1.3.	Норасмий бандлик ва унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар.....	55
1.4.	Норасмий бандликнинг хусусиятлари ва турлари.....	73
1.5.	Норасмий бандликка таъсир этувчи омиллар.....	81
II боб.	АГРАР МЕҲНАТ БОЗОРИДА НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	91
III боб.	НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	117
3.1.	Норасмий бандликни қисқартириш — ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг муҳим йўналиши.....	117
3.2.	Норасмий бандликни қисқартиришда давлат макро-иқтисодий сиёсатининг ролини ошириш.....	126
3.3.	Таълим хизматлари сифатини ошириш асосида норасмий бандликни қисқартириш истикболлари.....	131
3.4.	Қишлоқ хўжалигида норасмий бандликни қисқартириш йўллари.....	139
	ХУЛОСА.....	143
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	147



КИРИШ

Ўзбекистон қисқа тарихий давр мобайнида бозор иқтисодиётига ўтишнинг пухта ўйланган миллий моделини қўллаш ва самарали макроиқтисодий сиёсат юритиш асосида юқори ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга ҳамда жаҳон ҳўжалиги тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга эришди. Мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга изчиллик билан жорий қилинган маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга ўтишнинг беш тамойили ўтиш даври қийинчилик ва муаммоларини энг қисқа муддатда ва энг кам йўқотишлар эвазига бартараф этиш ҳамда мамлакатда барқарор юксалишга юз тутган ижтимоий йўналтирилган замонавий миллий иқтисодиёт асосларини бунёд этиш имконини яратди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқариш муносабатларининг барча соҳаларини ва биринчилар қаторида, табиийки, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳнат муносабатларини қамраб олди. Натижада мулк, айирбошлаш, молия, тақсимлаш, истеъмол муносабатлари соҳасида ҳам трансформацион жараёнлар кечди, уларнинг мазмун ва моҳиятида туб ўзгаришлар содир бўлди. Янги иқтисодий вазиятда меҳнат бозори, ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб, аҳоли даромадлари, унинг манбалари, таркиби ва бошқа соҳаларда том маънода туб ўзгаришлар амалга ошди.

Мамлакатда эркин бозор муносабатларининг қарор топиши, айниқса меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлик соҳасида кенг қамровли ва тизимли ўзгаришларни амалга оширишни таказо этди. Бу ўзгаришлар бандликнинг миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсири, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришдаги аҳамияти, бандликиннг шакллари ва турлари кабиларда намоён бўлди.

Бандлик ўта мураккаб таркибга эга бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда мамлакат эришган даража ва унинг ўсиш суръатлари, демографик вазият, давлатнинг бандлик сиёсати ва бошқа бир қатор муҳим омилларнинг кучли таъсири остида шаклланади ва ўзгаради. Ушбу кўрсаткич, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодий ўсиш суръатлари, ялпи ички маҳсулот ҳажми каби макроиқтисодий

кўрсаткичларга кучли ва кўп ёклама таъсир кўрсатади. Бандликда бозор иқтисодиёти барча субъектлари иқтисодий манфаатлари кесишади ва у содир бўлганда ҳар бир субъект: давлат ҳам, тадбиркор ҳам, ёлланма ишчи ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилишга астойдил ва қаттиқ курашади, ушбу мураккаб жараёнда юзага келган зиддиятли вазиятни ўз фойдасига ҳал этишга интилади.

Тобора глобаллашиб бораётган жаҳон ҳўжалигида ана шу барча бозор иштирокчилари манфаатлари кесишадиган ва меҳнат муносабатлари таркибида муҳим ўрин эгаллаб турган бандлик соҳасида зиддиятли ва ўта мураккаб жараёнлар кечмоқда. Кейинги йилларда ушбу жараёнларнинг салбий оқибатлари сифатида норасмий бандлик кўламлари кенгайди. У бозор иқтисодиётининг институционал асосларига, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли даромадлари, корхона иш фаолиятининг пировард натижалари, давлат бюджети қиримлари ва бошқа бир қатор муҳим кўрсаткичларга, қолаверса, ижтимоий адолат тамойилларига ва жамиятнинг маънавий дунёсига сезиларли таъсир кўрсатадиган феномен даражасига кўтарилди. Натижада у бугунги куннинг энг долзарб ва шу туфайли илмий адабиётларда кенг муҳокама этиладиган, кўп сонли тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этадиган илмий муаммолардан бирига айланди.

Ҳозирги кунда норасмий бандлик дунёнинг барча мамлакатларида, ривожланган ва ривожланаётган, бозор иқтисодиётига ўтаётган ва аллақачонлар ўтиб бўлган, унга қарши қатъий давлат сиёсати олиб бораётган ва унга нисбатан ўта либерал муносабатда бўлган, ҳулласи калом, уларнинг ҳаммасида мавжуд. Шу сабабли норасмий бандлик ҳодисасини фақат айрим ёки бир гуруҳ мамлакатлардаги аҳвол, вазият ёки у(лар)нинг ижтимоий тараққиётидаги ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бошқа бир сабаблар, фавқулодда юзага келган муаммо ва қийинчиликлар билан изоҳлаб бўлмайди. Демак, ушбу воқеликнинг чуқур илдиз ёйиши ва кейинги йилларда бутун дунё мамлакатлари бўйича қучайиб бориш тенденцияларининг ҳаққиқий сабабларини иқтисодий кенгликнинг бошқа соҳаларида қидириш лозим бўлади.

Зеро, бизнинг мамлакатимизда норасмий бандлик кўламларининг кенгайиши, норасмий бандлар сонининг тез суръатлар билан

кўпайиши, унинг жами иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидаги улушининг салмоқли даражаларгача кўтарилиши қисман режали, маъмурий-буйруқбозлик тизимдан эркин бозор муносабатларига ўтиш даври қийинчиликлари билан бевосита боғлиқ. Биз бу ерда туб институционал ислохотлар, мулк ва тақсимот муносабатларида содир бўлган чуқур ўзгаришлар оқибатида аҳоли ўртасида моддий табақаланишнинг кучайиши, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шароитлар ва муҳит яратилишидаги айрим сусткашлик ва қийинчиликлар, ўтмишдан мерос бўлиб қолган огир ижтимоий аҳвол кабиларни назарда тутмоқдамиз. Буларнинг барчаси энди ташкил бўлган, лекин давлат томонидан ҳали етарли даражада қўллаб-қувватланмаган кичик бизнес субъектлари ва бозор иқтисодиёти шароитида ёлланиб ишлаш тажрибасига эга бўлмаган ишчи-ходимларнинг ўтиш даври қийинчиликларига қарши стихияли жавоб тариқасида хуфёна иқтисодиёт ва норасмий бандликка мойиллигининг кучайишига сабаб бўлди, деган илмий гипотезани илгари суриш ўринлидир.

Жаҳон амалиёти тажрибаси шундан далолат берадики, норасмий бандлик кўламлари, норасмий банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлган жами аҳоли сонидаги улуши кўп омилларнинг таъсири остида шаклланади. Бироқ норасмий бандликнинг кўлами ва ривожланганлик даражаси, биринчи навбатда, давлат томонидан олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг, ушбу мақсадларда қўлланилаётган маъмурий ва иқтисодий воситаларнинг самарадорлигига боғлиқ. Токи давлат миқёсида норасмий бандлик муаммолари ва уларнинг амалий ечимлари хусусида кенг кўламда ишлар борилмас экан, токи бозор иқтисодиётининг иллатларидан, камчиликларидан бири сифатида унга қарши қатъий чора-тадбирлар қўлланилмас экан, ушбу долзарб муаммони ечишда эътиборга молик ютуқларга эришиш мушкул.

Норасмий бандлик кейинги йилларда ҳақли равишда мутахассисларнинг, кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган бўлсада, унинг илмий муаммолари ҳанузгача етарли даражада ишланмаган, ушбу долзарб муаммога бағишланган илмий тадқиқотлар норасмий бандлик билан узвий боғлиқ бўлган назарий-услубий ва амалий муаммоларнинг самарали ечимларини излаб топиш имконларини яратиб бермаган. Дунё миқёсида норасмий

бандликка бағишланган илмий тадқиқотлар сони тобора кўпайиб бораётганлигига қарамасдан, унинг назарий ва методологик таҳлили ўз якунига етмаган.

Айниқса қишлоқ хўжалигида норасмий бандлик даражаси бошқа тармоқларга нисбатан анча мураккаб бўлиб, у аграр меҳнат бозорига ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, ёлланма ишчилар ва фермер хўжаликлари даромадларига, давлат бюджетига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг тасаввуримизга мувофиқ, норасмий бандликнинг ўсиш тенденциялари мамлакатда бозор муносабатлирининг тобора мустаҳкамланиб, маданийлашиб бориш жараёнлари билан тамоман мос келмайди ва келажақда бу зиддият янада кучайиб боради. Демак, муаммонинг долзарблиги янада кучаяди, бу борадаги тадқиқот ишларини ривожлантириш зарурати эса ортади.

Норасмий бандлик тўғрисида ҳулосалар чиқарганда ҳозирги кунда қишлоқ иқтисодиётида банд бўлганлар билан шаҳарларда жойлашган корхона ва ташкилотларда банд бўлганларнинг иш ҳаққи ўртасида муайян тафовутлар мавжудлигига бориб тақалишини ҳам зинҳор эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Турмуш даражаси ва яшаш шароитлари шаҳар аҳолисиникидан маълум даражада паст бўлган қишлоқ аҳолиси учун, у иш берувчи ёки ёлланма ишчи бўлишидан қатъий назар, норасмий бандлик ўзгача аҳамият, ўзгача ижтимоий-иқтисодий мазмун касб этади. Ушбу хусусият қишлоқлардаги аҳолининг норасмий бандлигини, унинг қишлоқ иқтисодиёти ҳамда ижтимоий ҳаётига таъсирини баҳолашда албатта инобатга олинмоғи лозим.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳозирги босқичнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ва ҳақли равишда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортаётган норасмий бандлик, унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва қисқартириш масалаларига оид ўз фикр-мулоҳазаларимизни, таклиф ва тавсияларимизни Сиз азиз китобхонлар ҳукмига чиқаришни лозим деб топдик. Тадқиқотлар жараёнида миллий иқтисодиётнинг ва аҳоли бандлигининг етакчи тармоқларидан бири бўлган ва ҳозирги кунда норасмий бандлик объектив ва субъектив сабабларга кўра жиддий тус олаётган қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ї БОБ. НОРАСМИЙ БАНДЛИК ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Меҳнат ва бандлик – инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий воситаси сифатида

Меҳнат, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш эл дастурхонини турли хил моддий неъматлар ва хизматлар билан бойитиш ва, айна бир пайтда, ўз меҳнатига муносиб нисбатда ўзгалар яратган ноз-неъматлардан бахраманд бўлиш, улардан керакли самара олиш ҳар бир индивид ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Инсон меҳнатининг, иқтисодий фаолиятининг заминиди унинг эҳтиёжлари ётди. Инсон иқтисодий фаолияти, ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги биринчи навбатда эҳтиёжлар билан боғлиқ. Шу сабабли меҳнат ва бандлик илдиздарини эҳтиёжлар билан боғлаб ўрганиш лозим.

“Эҳтиёж” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти фалсафа, социология, психология, иқтисодиёт каби бир қатор муҳим фанлар предметлари доирасида ўрганиладиган ҳамда таҳлил этиладиган ва шу билан бирга кенг тарқалган асосий категориялардан бири ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг бир неча фанлар мутахассисларининг диққатини ўзига жалб этишининг чуқур сабаблари, қолаверса, ўзига хос назарий ҳамда амалий аҳамияти бор.

Иқтисодчилар инсоннинг тирикчилиги, турмуш фаровонлиги, ўз ҳаётидан қониқиши, иқтисодий фаолият билан шуғулланиши, ишлаб чиқариш жараёнини, унинг пировард натижалари, шунингдек айирбошлаш, тақсимлаш муносабатларини, умуман инсон иқтисодий фаолиятини, биринчи навбатда, эҳтиёжлар ва уларни қондириш зарурати билан боғлайдилар. Социологлар эҳтиёжларнинг инсон ҳўжалик фаолиятини мотивлаштиришдаги ролига алоҳида эътибор қаратиб, уларни турли неъматларни қўлга киритиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш зарурати ва имконияти сифатида талқин қиладилар. Фан тарихида “эҳтиёж” тушунчасининг моҳиятини очиб беришга, унинг назарий жиҳатдан асосланган ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган таснифини келтиришга қаратилган кўплаб

¹ Раззев В. В. Экономическая социология. -М.: Изд. дом.ГУ ВШЭ, 2005, 91-6.

илмий тадқиқотлар амалга оширилган, бу хусусда турли давр мутахассисларининг турли-туман мулоҳазалари мавжуд.

Эҳтиёжлар жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти нуқтаи назаридан жуда муҳим, лекин айни бир пайтда, ўта мураккаб, кенг қамровли ва шу сабабли иқтисодчилар ҳанузгача мазмун-моҳиятини ва аксарият кўпчилик тан оладиган таърифини ва таснифини ишлаб чиқишга эришолмаган, унинг инсон иқтисодий фаолиятидаги ва жамият иқтисодий тараққиётидаги ўрнини ва аҳамиятини тўла очиб бера олмаган тушунчалардан биридир. Маржинализм таълимотининг намоёндалари (К. Менгер, Э. Бём-Баверк, У. Джеванс, Л. Вальрас, Ф. Визер, Э. Парето ва бошқалар) эҳтиёжлар ва уларни кондирилиш даражасининг нақадар муҳимлигини эътироф этиб, қиймат назариясини яратишда айнан унга асосланган: талаб (эҳтиёж) кондирилган сари ҳар бир кейинги, яъни кўшимча харид этиладиган товарларнинг нафлилик қобиляти пасайиб боради. Уларнинг фикрига кўра, товарнинг қийматини шакллантиришда эҳтиёжларнинг кондирилиш даражаси асосий рол ўйнайди – эҳтиёжлар кондирилган сари уларнинг нафлилиги ҳам пасайиб боради.

“Иқтисодиёт назарияси” дарслигида эҳтиёжларга қуйидагича таъриф берилган: “Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар – бу кишиларнинг ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур бўлган турли-туман ноз-неъматлар, яни барча маҳсулот ва хизматлар мажмуидир”². Бошқа бир дарсларда эҳтиёжларга қуйидагича таъриф берилган...

Эҳтиёжларнинг таснифланиши борасида ҳам турли хил ёндашувлар мавжуд. Неоклассик мактабнинг таниқли намоёндаларидан бири А.Маршалл эҳтиёжларни бир неча турларга бўлган: мутлақ ва нисбий, юқори ва қуйи, кечиктириб бўладигин ва кечиктириш мумкин бўлмаган, тўғри ва эгри, ҳозирги ва келажак эҳтиёжлари³. Ўқув адабиётларида эҳтиёжларни одатда катта гуруҳларга масалан моддий ва номоддий (хизматларга бўлган), бирламчи ва иккиламчи, шунингдек, индивидуал (якка), гуруҳий,

² А. Ўлмасов, А. Воҳобов. – Т.. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). “IQTISOD-MOLIYA”, 2014, 19-б.

³ Маршалл А. Принципы политической экономии. М.: 1993, т I. 153-б.

худудий, умумжамият эҳтиёжи каби турларга бўлинганини кузатишимиз мумкин⁴.

Ўзбек тилининг изохли лугатида “эҳтиёж” ибораси арабча-мухтожлик, зарурият, талаб, ҳожат маъносини англатиши қайд этилган⁵. Лугатда келтирилган изохда “нарсa” сўзи нимани англатиши номаълум бўлсада, лекин “эҳтиёж” ибораси бир хил талқинга эга бўлмаган, талабдан тортиб то мухтожликкача кенг маънони қамраб олувчи мураккаб мазмунга эга тушунча эканлиги кўриниб турибди. Бизнинг назаримизда бу сўзларнинг барчаси эҳтиёж тушунчасининг мазмунига жуда яқин бўлса ҳам, лекин уларнинг бирортаси ушбу тушунчанинг туб моҳиятини очиш имконини бермайди. Шу сабабли уларнинг биронтасини ҳам “эҳтиёж” тушунчасининг синоними сифатида ишлатиб бўлмайди.

Бизнингча, “эҳтиёж” тушунчаси мустақил мазмунга эга бўлиб, у муайян субъектни турли хил хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундайдиган, уни фаоллаштирадиган, унга туртки берадиган рағбат ёки сабаб сифатида қараш лозим. Ушбу нуқтаи назардан талаб, зарурат, ҳожат ва бошқалар “эҳтиёж” сўзининг синоними эмас, балки унинг намоён бўлиш шакллари бўлиб хизмат қилади. Масалан, инсон ўзининг еб-ичишга, кийинишга, рўзгор тебратишга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар ва хизматлар бозорига талаб билан чиқади ва уларни харид қилади, шу йўл билан ўз эҳтиёжларини қондиришга эришади. Бунда инсон эҳтиёжларининг пул билан таъминланган қисми бозордаги талаб шаклида намоён бўлади. Инсон яшаб, ҳаёт кечириши учун нафақат еб-ичиши, кийиниши лозим, балки тирик мавжудот сифатида унинг ҳордик чиқариш, ухлаб дам олиш ва бошқа биологик эҳтиёжлари мавжуд бўлиб, уларни қондириш ўткир заруратга айланади.

Эҳтиёжлар кишиларнинг жинси, ёши, касби, жамиятдаги мавқеи, даромади, ижтимоий аҳволи, соғлиги ва ҳоказоларга қараб фарқланади. Масалан, эркак билан аёлнинг, ёш бола билан кекса кишининг, тадбиркор билан ёлланма ишчининг, бой билан камбағалнинг, меҳнатда банд бўлган киши билан ишсизнинг, деҳқон билан дурадгорнинг, соғлом киши билан беморнинг, меҳмон билан

⁴ А. Ўлиасов, А. Воҳобов. – Т.: Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри).. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014, 19-б.

⁵ Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изохли лугати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: 69 бет


мезбоннинг, ўқувчи билан ўқитувчининг ва ҳоказоларнинг эҳтиёжларида кўп жиҳатлардан, айтайлик, мазмун, сифат, миқдор бўйича, кескин фарқ ва тафовутлар бўлиши табиий. Бундан ташқари, алоҳида индивиднинг шахсий фазилатлари, дунёқараши, мақсад ва интилишлари, ўзига ва ўз атрофидагиларга муносабати ва бошқа жиҳатлари ҳам унинг эҳтиёжларини шакллантиришда жуда катта рол ўйнайди.

“Эҳтиёж” тушунчаси ўта мураккаблиги ва жамият таракқиётида муҳим, агар жоиз бўлса, биринчи даражали, рол ўйнаганлиги сабабли уни таснифлашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд. Эҳтиёжларни таснифлашга оид уринишлар ва чоп этилган ишлар жуда кўп бўлишига қарамасдан, уларнинг ичида ўзининг мантикий яқунини топишга даъвогар бўла оладиган, барча параметрлари билан тадқиқотчини қониқтирадиган ёндашувни учратиш қийин.

Ваҳоланки, эҳтиёжларнинг кенг қамровли ва илмий-назарий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган бўлиқ, ушбу тушунчанинг серқирра ҳамда мураккаб мазмунига лойиқ таснифнинг ишлаб чиқиши унинг туб моҳиятини англаб етиш ва унга тўғри таъриф ишлаб чиқиш муаммосини анча осонлаштиради.

Эҳтиёжларни турларга бўлиш дастлаб қадимги грек файласуфи Аристотель (э.а. 384-322 йй.) даврларига бориб тақалади, Ўша даврларда эҳтиёжлар 2 та катта гуруҳга: жисмоний ҳамда рухий эҳтиёжларга бўлинган. Кейинчалик эҳтиёжларни турларга бўлиш масаласида турли даврларда кўп мамлакатларнинг кўплаб тадқиқотчилари ва олимлари турли хил ёндашувларни баён этишган. Эҳтиёжлар назариясини шакллантиришда ва уларни таснифлаш муаммосини ҳал этишда Бентам, Бенфилд, Г. Госсен, У.Джевонс, Д. Маккелланд, А. Маршалл, Д. Герцберг, Дж. Хикс каби иқтисодчи ва психологларнинг хизматлари жуда катта.

Эҳтиёжларнинг кенг тарқалган ва кўпчилик тан олган таснифи америкалик психолог А. Маслоу томонидан ишлаб чиқилган. Унинг (Маслоу эҳроми (пирамидаси) деб ном олган ёндашувида эҳтиёжлар 5 турга бўлинган (1.1.1-чизма). Эҳромнинг асосини биринчи даражали эҳтиёжлар ташкил этади – бу физиологик эҳтиёжлар (озик-овқат, уй-жой, кийим-кечак). Ундан кейин муҳимлиги жиҳатидан иккинчи поғонани ҳавфсизликка бўлган эҳтиёжлар (ҳар хил ҳавф-ҳатарлардан, қасалликлардан, жиноятчиликдан ва бошқалардан ҳимояланганлик).



Чизма 1.1.1. Маслоу эҳром⁶

Эҳромнинг учинчи поғанасидан ижтимоий эҳтиёжлар, яъни оила қуриш, бошқалар билан ўртоқлашиш, ўзаро мулоқотда бўлиш, жамоада яшаш кабилар жой олган. Обрўй эътибор, ҳурмат қозониш, ўз хулқини баҳолашга бўлган эҳтиёжлар, чизмадан кўриниб турганидек, эҳромнинг тўртинчи поғанасидан ўрин олган. А. Маслоунинг фикрига мувофиқ, муҳимлик жиҳатидан эҳтиёжлар таркибида энг охириги ўринда инсоннинг ўз қобиляти ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида уни жамият тан олишига эришиш туради.

Ҳақиқатан ҳам инсон эҳтиёжларини унинг муҳимлиги нуқтаи назаридан турларга бўлиш ва уларни мантикий асосда муайян кетма-кетликда жойлаштириш аҳоли эҳтиёжларини қондириш сиёсатини тўғри, оқилона шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу жиҳатдан А.Маслоу яратган эҳтиёжлар таснифи назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам бебаҳо ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, аксарият кўпчилик тадқиқотчилар тан олган эҳтиёжларни таснифлашда психологик назарияга урғу берган А. Маслоунинг ёндашувига нисбатан қатъий эътирозлар ва танкидий қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, Маслоу эҳромида барча эҳтиёжлар тўлиқ ўз аксини топмаганлиги, жумладан эркинликка бўлган, эътиқодга бўлган, руҳий покланишга бўлган эҳтиёжлар эътибордан четда қолиб кетганлиги каби танкидий фикрлар мантикий асосдан ҳоли эмас. Адабиётларда келтирилган эътирозларга қўшимча сифатида айрим

⁶ Балихосев В.З. Общая экономическая теория Учебник для вузов М.: Омск-Л, Новосибирск. Сибирское соглашение, 2005. с 44.

фикр-мулоҳазаларни билдирмокчимиз. Биринчидан, А.Маслоунинг эҳтиёжларнинг эҳром пастки қаватларидан унинг юқори қаватларига қараб поғонама-поғана динамикаси ўта нисбий бўлиб, жуда кўп ташки омилларнинг ҳамда шарт-шароитларнинг таъсири остида ўз моҳиятини ўзгартиради. Иккинчидан, алоҳида индивидлар эҳтиёжларининг шаклланишида шахснинг табиати, инсоний фазилатлари, дунёқараши, мақсад ва интилишлари, қадриятлари ва бошқа кўп жиҳатлари жуда катта рол ўйнайди ва шу сабабли уларнинг муҳимлик даражасини ягона шаблон асосида изоҳлашнинг ҳеч имкони йўқ. Бу хусусда алоҳида тўхталамиз. Маслоу эҳромининг моҳиятига мувофиқ, инсон олдин ўзининг физиологик эҳтиёжларини, кейин хавфсизлик ва энг охирида ўз қобилятларини рўёбга чиқариш ва жамият олдида ўз қадрини оширишга ҳаракат қилиши керак. Аслида эса, инсон эҳтиёжларини қондиришда бундай кетма-кетликка риоя қилиб бўлмайди. Инсон физиологик эҳтиёжлари, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзгор ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжларининг ўзи бир неча даражага бўлинади. Уларнинг ҳаммасини ҳам инсон яшаши ва камол топишининг биринчи даражали муҳим шарти сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Лекин Маслоу эҳромининг моҳиятига кўра, инсон олдин ўзининг физиологик эҳтиёжларини қондиргандан кейин, навбатдаги, яъни иккинчи поғонадаги эҳтиёжлар номоён бўлади ва хоказо. Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, умуман эҳтиёжлар, жумладан, уларнинг алоҳида турлари узлуксиз ўсиб бориш иқтисодий қонуни талабларига тўла бўйсунди. Ушбу қонунга мувофиқ, физиологик эҳтиёжларнинг ўзи узлуксиз тарзда ўсиб бораверади ва уларни қондиришнинг, демак, кейинги иккинчи поғона эҳтиёжларини қондиришга ўтишнинг ўзи мавҳумликка айланади. Бизнингча, ушбу ёндашувда инсон қандай қилиб ва қачон ўзининг учинчи, тўртинчи, бешинчи даражали эҳтиёжларини қондиришга ўтиши кераклиги тўғрисидаги савол жавобсиз қолган.

Ушбу муаммога юмшоқлик киритиш мақсадида А.Маслоу ўзининг эҳтиёжлар назариясига “эҳтиёжларни нисбий қондириш” тушунчасини киритади. Ушбу тушунчанинг моҳияти шундан иборатки, нисбатан юқори даражадаги эҳтиёжлар нисбатан пастроқдаги эҳтиёжлар ҳали тўла қондирилишига қадар пайдо бўлади. Агар ҳали биринчи даражали эҳтиёжлар тўла

кондирилмасдан иккинчи даражали, иккинчи даражали эҳтиёжлар тўла кондирилмасдан учинчи даражали эҳтиёжлар ва ҳоказо пайдо бўладиган бўлса, унда эҳтиёжларнинг муҳимлигига қараб кондирилиш кетма-кетлиги ғоясининг аҳволи нима кечади?

Эҳтиёжларнинг таснифланиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни давом эттириб, бу борада ўзимизнинг айрим тасаввур ва тушунчаларимизни баён этишни лозиб деб топдик.

Эҳтиёжларни таснифлашга оид мавжуд қарашларнинг ижобий томонларини эътироф этган ҳолда, уларни объектив ва субъектив эҳтиёжларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Объектив эҳтиёжлар туркумига инсон онгига, унинг истак-иродаси ҳамда хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келадиган барча эҳтиёжларни киритиш мумкин. Бундай эҳтиёжларни қондирмаслик охир-оқибатда инсон ҳаётига катта хавф солади, муқаррар равишда унинг ҳалок бўлишига, нобуд бўлиб, ҳаётдан кўз юмишига олиб келади. Масалан, инсоннинг сув ичишга, овқатланишга, ухлаб дам олишга бўлган биологик эҳтиёжларини қондиришни фақат муайян муддатга кечиктириш имконияти мавжуд. Бу муддат ўтгандан кейин, тирик мавжудот сифатида у нобуд бўлади. Бизнинг назаримизда, ҳар қандай инсоннинг у қайси миллат, элат, ижтимоий гуруҳ, табақа, жинс ва ҳоказоларга мансуб бўлишидан, қайси ёшда эканлигидан қатъий назар, ўзининг объектив эҳтиёжларини қондириши шарт. Бунга ҳеч қандай қонун-қоида ҳам, ўрнатилган тартиб ва урф-одатлар ҳам тўсқинлик қилмаслиги лозим. Аксинча, давлат, жамоа, ўша кишининг атрофидагилар, биринчи навбатда, қавму-қариндошлари ва яқинлари унга мадад қўлини чўзиши, кўмаклашиши керак. Объектив эҳтиёжларни қондириш инсон онги ва тафаккурининг иштирокисиз ҳам амалга ошиши мумкин. Бунда инсон организми берадиган табиий рефлексларнинг ўзи кифоя.

Субъектив эҳтиёжларга эса объектив эҳтиёжлардан қолган барча эҳтиёжларни киритиш мумкин. Бундай эҳтиёжлар инсон онги ва тафаккури воситасида пайдо бўлади. Масалан, инсон тафаккур ёрдамида ҳозиргидан сифатлироқ ва кўпроқ ноз-нематларни истеъмол қилиши, ҳозиргидан қулайроқ шароитларда яшаши мумкинлигини, турли-туман тасодифлардан ўзини ҳимоя қилиши лозимлигини идрок этади ва бунинг натижасида унда янада яхшироқ овқатланишга,

чиройлироқ кийинишга, шинам, юқори қулайликларга эга уйлар қуришга, молу-дунё тўплашга ва хоказоларга эҳтиёж туғилади. Айнан ана шу эҳтиёж инсонни ушбу ноз-нематларни қўлга киритишга ундайди, уни ҳаракатга келтиради, эҳтиёжини қондириш чоратadbирларини излаб топишга рағбатлантиради.

Объектив асосга эга бўлган эҳтиёжлар инсоннинг яшаши ва ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ноз-неъматларнинг қуйи, энг минимал чегараларини ифодаласа, субъектив эҳтиёжларнинг барчаси уларнинг юқори даражаларини белгилайди.

Бизнинг назаримизда, субъектив эҳтиёжларнинг ўзини икки даражага бўлиш лозим: биринчи ва иккинчи даражали эҳтиёжлар. Субъектив эҳтиёжларнинг биринчи даражаси инсоннинг оқилона яшаб, ҳаёт кечиришини таъминлайдиган эҳтиёжларни ўз ичига олади. Табиат саҳийлик билан инъом этган онг, ақлу-заковат туфайли инсон ўз ҳаёти ва яшаш тарзини фақат объектив эҳтиёжлар ва уларни қондириш билан чегаралаб қўймасдан, қулай шароитларда маданиятли ва фаровон турмуш кечиришга даъвогарлик қилишга ҳақли. Инсон субъектив эҳтиёжлари биринчи даражасининг қуйи чегараси унинг объектив эҳтиёжлари билан белгиланса, унинг юқори чегараси озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг физиологик меъёрлари ҳамда ноозиқ овқат товарларини истеъмол қилишнинг оқилона меъёрлари билан белгиланади.

Бироқ, инсон онгли мавжудот сифатида, ўзининг фақат физиологик эҳтиёжларини қондириш билан чегараланиб қолмасдан, балки А Маслоу эҳромининг кейинги поғоналарида кўрсатилган бошқа барча эҳтиёжларни ҳам қондиришга интилади. Бу эҳтиёжларнинг барчасини инсоннинг иккинчи даражадаги субъектив эҳтиёжлари сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, инсоннинг иккинчи даражали, субъектив эҳтиёжлари таркибига унинг айрим ноз-неъматларни эртанги кун, келажак учун ғамлаб боришга қаратилган уриниш ва хатти-ҳаракатларини киритиш мумкин. Инсон ўз табиатига кўра эҳтиёткор, у фақат бугунги кун ташвишлари билангина чекланиб қолмай, балки эртанги кун, келажак тўғрисида ҳам қайғуради. Бу эҳтиёжлар инсоннинг яшаш, ҳаёт кечириш заруратидан келиб чиқади ва кўп ҳолларда уни қутилмаган, тасодикий, нохуш ҳолатлардан ҳимоялайди. Масалан, инсон бетоб бўлиб қолганида, кексайган чоғида ўзини тегишли ноз-неъматлар

билан таъминлашга зарурат сезади ва уни қондириш чораларини излайди.

Лекин, амалиёт шундан далолат берадики, инсон эҳтиёжлари фақат объектив ҳамда биринчи ва иккинчи даражали субъектив эҳтиёжлар билан чегараланиб қолмайди. Ушбу эҳтиёжларнинг устида турган ва қондирилиш кетма-кетлиги жиҳатидан энг охирги ўринни эгаллайдиган ақл юзасидан тушунтириш қийин бўлган ғайритабиий эҳтиёжлар ҳам мавжуд. Ғайритабиий эҳтиёжлар фақат айрим индивидларга хос бўлиб, бировларда улар бепоён мол-мулк ва давлат тўплашга, бошқаларда чексиз шон-шухрат қозониш ва ҳукмронлик қилиш, яна бировларда эса ижод ва кашфиётга интилиш, кимлардадир диний эътиқодларга кучли берилишда намоён бўлади. Айрим шахсларда ғайритабиий эҳтиёжлар яшашнинг асосий мазмунига, унинг бош мақсадига айланади. Бундай шахслар ўз ҳаётининг бош мақсади даражасига кўтарилган эҳтиёжларни қондириш йўлида бошқа барча эҳтиёжларидан воз кечишга тайёр бўладилар, аниқроғи уларни қурбон қилишдан ҳам қайтмайдилар.

Ғайритабиий эҳтиёжлар ижодий қобилияти кучли ривожланган, ўта истеъдодли, катта ақл-идрок соҳибларига, яъни даҳоларга хос фазилатдир. Бундай шахсларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш ва мақсадларига эришиш йўлидаги хатти-ҳаракатлари ва интилишлари жамият ҳаётида туб бурилишлар, кескин ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Таниқли француз файласуфи А.Бергсон (1859-1941) фикрига кўра, “Даҳо ижоди жараёнида инсон ва табиат ўртасидаги барча тўсиқлар йўқолади”⁷. Демак, даҳо оддий ақл ечолмаган муаммоларни ечиш, ҳодиса ва воқеликларни туб моҳиятини очиб бериш, табиатда ва инсон ҳаётида туб бурилишлар яшашга қодир. Франциялик файласуф Д. Дидро (1713-1787) буни шундай изоҳлайди: “Санъатда, фанда ва амалий фаолиятда даҳо, айтиш мумкинки, нарсаларнинг асл табиатини ўзгартиради: унинг ўзига хослиги нимагаки қўл урса, ўша нарсаларнинг ҳаммасига кўчиб ўтади...”⁸.

Инсоният тараққиётида шишанинг (эрамиздан аввалги 2200 йилда), темирни эритиш технологиясининг (эрамиздан аввалги 1550 йилда), мис ишлаб чиқаришнинг (эрамиздан аввалги 3 минг йил


⁷ Бергсон А. Творческая эволюция. М. 1918, -12-6.

⁸ Д. Дидро. Эстетика и литературная критика – М., 1996, -213-6.

илгари), пўлат ишлаб чиқаришнинг (эрамиздан аввалги 300 йил илгари), цемент ишлаб чиқаришнинг (XVIII аср) кашф этилиши, олов, гилдирак, ёзув, қоғоз, телефон, антибиотик ва бошқа жаҳоншумил аҳамиятга эга бўлган нарсаларнинг ихтиро қилиниши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, М. Улуғбек, А. Навоий, Фаробий, Ал-Хоразмийларнинг илму-фан, санъат соҳасидаги яратувчилк фаолияти инсоният ҳаётини таракқий эттиришда бекиёс рол ўйнаганлигини, жаҳон илму-фанига муносиб ҳисса қўшганлигини бутун дунё тан олади.

Лекин, айрим шахсларнинг ғайритабиий эҳтиёжлари ва уларни қондириш мақсадида ўта фаоллик билан амалга оширган хатти-ҳаракатлари, уларнинг рўёбга чиқиши ҳамма вақт ҳам жамиятга омад ва бахт келтира вермайди. Баъзи ҳолларда ушбу тоифадаги шахслар мақсадларининг ушалиши, улардаги ғайритабиий эҳтиёжларининг қондирилиши жамиятга жуда қимматга тушиши, катта бахтсизликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бундай шахсларга А. Македонский, Б. Наполеон, А. Гитлер, А.Д. Сахаров қабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. А. Гитлернинг дунёга ҳукмронлик қилишга даъвогар бўлиши, унинг бу борадаги мақсад, хатти-ҳаракатлари оқибатида турли мамлакатлар ҳисобидан жами 50 млн. киши жанг майдонларида қурбон бўлди, қанча шаҳарлар ҳаробага айланди, боғ ва экинзорлар яқсон қилинди. Академик А.Д. Сахаров ва унинг бошқа издошлари томонидан яратилган ядро қуроли бугунги кунда бутун дунё халқлари ҳаётига жиддий хавф солиб турган қирғин воситасига айланди.

Ҳали барча сир-асрорлари фан томонидан очиб берилмаган, фанга номаълум бўлган ғайритабиий қобилият ва даҳоликнинг илму-фаннинг айрим буюк намоёндалари томонидан инсоннинг носоғлом рухий ҳолати сифатида талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Қадимги грек файласуфи, Сукротнинг шогирди, Платон (эрамиздан аввалги 428-348 йиллар) неъматлар ғоясини яратар экан, алахсирашни маъбудлар инсонга тухфа қилган илоҳий неъмат, деб тарифлайди. Ғайритабиий қобилиятни таърифлашда шунга ўхшаш ёндашувларни Демокрит, Аристотель, Паскал каби донишмандларнинг асарларида ҳам учратамиз.



Антропология йўналишининг асосчиси, дунёга таниқли италиялик психиатр И. Ломброзо (1835-1909 йй.) “Даҳолик ва жиннилик” номли асар ёзиб, нафақат даҳолар, балки барча ўта қобилиятли, истеъдодли шахсларда руҳий хасталик, ҳафақонлик моҳият тарзида мавжудлигини, улар табиатининг ўзига хос хусусияти эканлигини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берди⁹. Оддий ақл даҳоларда мужассамланган ғайритабиий, алоҳида эҳтиёжларни ва уларни қондиришга қаратилган интилиш ва хатти-ҳаракатларни тушунтириб беришга ожизлик қилади. Лекин бир нарса аёнки, ностандарт фирклайдиган кучли истедод соҳиблари, жумладан, даҳолар, жуда кўп нарсага қодир бўлган, ғоясини, тутган йўлини минглаб, миллионлаб кишилар қўллаб-қувватлайдиган, орқасидан эргашадиган ўзига хос бир олам, сирли мўъжиза. Немис файласуфи Ф. Ницше (1844-1900 йй.) “Заротустра шундай деган эди” ҳамда “Ҳокимиятга томон ирода” асарларида кучли шахснинг ғайриинсоний фазилатларини “Келажак одами” орқали тавсифлайди ва у қиёслаган, юқори андоза тариқасида таърифлаган аъло одам қонунларни бузиб, янги қонунлар яратадиган одамдан ҳам баланд туради. А. Ницше ўз асарларида моҳирлик билан тасвирлаган кучли шахс, яъни “Келажак одами” табиат ва жамият ривожланишининг янги қонун ва қонуниятларини очади, янги кашфиёт ва ихтиролар қилади, ижтимоий ишлаб чиқаришни юксалишнинг янги поғоналарига кўтаради. Шунинг учун бўлса керак, қадим замонлардаги донишмандлар даҳоларни, кучли қобилият соҳибларини табиатни тасвирлайдиган одамлар эмас, балки ўзи мўъжиза бўлган мавжудот, каромат эгаси сифатида тасвирлаганлар.

Инсоннинг ғайритабиий эҳтиёжлари ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг яна бир ўзига хос жиҳатини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Даҳолар, кучли истеъдод соҳиблари ўзларининг ғайритабиий қобилиятларини, маҳсад ва истакларини рўёбга чиқарганда фақат ўзларининг шахсий манфатларини кўзлаб ҳаракат қилмасдан, аксарият ҳолларда кўпроқ ўзгаларнинг манфаатларини, уларнинг эҳтиёжларини қондиришни мўлжалга оладилар. Кучли истеъдод соҳиблари, кашфиётчилар, улуғ давлат раҳнаmolари, йўлбошчилар, буюк саркардалар, биринчи навбатда инсон ва уларга ҳам бошқа

⁹ Фред З. Письмо к невесте. – СПб.: Азбука-классика, 2007, 208-б.

барча инсонлар сингари, объектив ва субъектив эҳтиёжлар хос ва улар ушбу эҳтиёжлардан тамоман воз кечолмайдилар. Шу билан бирга, бу тоифадаги шахслар ўзларининг шахсий эҳтиёжларини ва манфаатларини ҳимоя қилишга анча бефарқ бўладилар. Фан, санъат, амалиёт ва бошқарув фаолияти билан шуғулланган кўплаб буюк дохйиларнинг ҳаёт йўли ва биографияси шундан далолат берадики, уларнинг аксарият қисми мол-дунё тўплашга хирс қўймаган шахслардир. Ваҳоланки, буюк шахслар учун молу-дунё тўплаш, беҳисоб давлатга эгалик қилиш иложи ва имкониятлари оддий одамларга нисбатан бир неча карра юқори. Бунга бутун ҳаёти давомида молу-дунё тўплаш ниятидан йироқда бўлган ва бутун умри манфаатпарастликка йўл қўймасдан, қаноат билан яшаб, ҳаёт кечирган кўплаб буюк шахсларни фикримизнинг далилланган исботи сифатида мисол келтириш мумкин: Спиноза, Моцарт, Эйнштейн, Резерфорд, Нақшбандий, Ал-Фаробий, А. Навоий, М. Улуғбек ва бошқалар.

Санъатга, фанга, амалиёт ёки бошқа фаолиятга бўлган ғайритабиий эҳтиёжларни яшашнинг бош мақсадига айлантирган буюк шахслар тўқ, фаровон ҳаёт кечириш лаззатларидан воз кечиб, ҳаттоки ўз жонини хавф остига қолдириб, ўз мақсадларига эришиш йўлидан қайтмаган. Инсоният тарихи бундай мисолларга тўлиб-тошиб ётибди. Буюк кашфиёт ва ихтиролар соҳиби, қадимги юнон олими Архимед (эрамиздан олдинги 287-212 йиллар) ўз ҳаётини хавф остига қолдириб, қуршовда қолган Сирокознинг (Сицилия) мухандислик ҳимоясини ташкил этишда фаол қатнашди. Дунёга машхур композитор Д.Д. Шостакович (1906-1975 йй.) иккинчи жаҳон уруши йилларида ёв қамалида қолган шаҳарларда ўз ҳаётини хавф остига қолдириб, ўзининг буюк санъат асарларини яратган. Франциялик математик Э. Галуа (1811-1832 йй.) қамокда бўлган чоғларида ҳам юқори даражали бир номаълумли алгебра назариясини яратишга асос солган. Буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек Ҷўҳонийларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, ўз ҳаётини, давлату-арконини ҳавф остига қолдириб, коинот сирларини ўрганишда, илмий асарлар ёзишда, буюк кашфиётлар қилишда давом этган. Илму-фанга бўлган эҳтиёжларни яшашнинг бош мақсади қилиб қўйган, ўзининг моддий, маънавий, ҳукмронлик қилиш, омманинг олқишига сазовор бўлиш борасидаги барча эҳтиёжларини

қондиришга жуда катта, айтиш мумкинки, бепоён имкониятларга эга бўлган буюк истеъдод соҳибининг тақдири охир-оқибатда нима билан тугаганлигини тарихий манбалардан яхши биламиз. Фикримизнинг исботи тариқасида бундай мисолларни келтиришда давом этиш мумкин.


Танланган кишиларгагина хос бўлган ғайритабиий эҳтиёжлар, уларнинг хусусиятлари ва жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти билан бир қаторда, эҳтиёжлар назариясида яна бир турдаги эҳтиёжлар қатлами тўғрисида фикрлар билдириш лозим бўлади.

Гап юқорида баён этилган, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан инсоннинг объектив, биринчи ва иккинчи даражали субъектив ҳамда ғайритабиий эҳтиёжлари таркибига кирмайдиган алоҳида қатлами ҳақида борапти.

Объектив асосга эга бўлган эҳтиёжларни қондириш, ундан кейин биринчи ва иккинчи даражали субъектив эҳтиёжларни қондириш инсон учун тўқ, фаровон, маданиятли, бахтли ҳаёт кечиришни таъминлайди. Лекин инсон шу эҳтиёжларни қондириш билан чекланиб қолмайди. Масалан, инсон овқатланишнинг илмий жиҳатдан асосланган физиологик меъёрларига мувофиқ бир кунда 100 гр гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиши керак. Бироқ, у имконият пайдо бўлганда ушбу озиқ-овқат маҳсулотини белгиланган меъёрдан бир неча марта кўп истеъмол қилиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолат бошқа озиқ-овқат турлари бўйича ҳам такрорланиши мумкин. Ваҳоланки, кишилик жамиятининг тажрибаси, азал-азалдан амалга оширилиб келинаётган тадқиқотлар ўзларининг физиологик эҳтиёжларини чегаралаган, ўзининг нафсини тийган одамлар бошқалардан анча соғлом ва бунинг натижасида узоқроқ умр кўришларидан далолат беради. Қадимги замон табиблари ҳам, замонавий медицина ҳам керагидан ортиқ овқатланишнинг инсон саломатлигига зиёни ҳақида инкор этиш мушкул бўлган далилларни келтирганлар, ҳаётий тажрибалар ҳам айнан шундан далолат беради. Шунга қарамасдан, инсон ўзининг физиологик эҳтиёжларини қондиришда ўзининг хулқ-атворини назоратга олмайди ва бунинг оқибатида ўз бошига кўп муаммо ва маломатлар орттиради: биринчидан, маҳсулотни харид қилишнинг молиявий манбаларини излайди, иккинчидан, ушбу маҳсулотни хариди ва истеъмоли учун

вакт сарфлайди, учинчидан, ўзининг соғлиғига зиён етказди ва хоказо.

Инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришда овқатланишнинг физиологик меъёрларига қаноатланмасдан, ундан ортиқ, зиёдрок истеъмолчи қилиши турли сабаблар оқибатида содир бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда истеъмолчи озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг физиологик меъёрлари, шунингдек, уларни меъёридан ортиқ истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари тўғрисида яхши билим ва тасаввурга эга бўлмаганлиги сабаб бўлиши мумкин. Бу ерда А. Маршаллнинг асарида келтирилган эҳтиёжнинг босқичма-босқич ўсиб бориши тўғрисидаги ғоя ҳам муҳим ўрин тутди: "...рўйхатда қуйида турган ҳар бир эҳтиёж турининг қондрилиши янада юқорироқ эҳтиёжни қондиришга истак туғдиради"¹⁰. Ушбу ғоя нафақат озиқ-овқат маҳсулотларини, балки ноозиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишда ҳам бўлаётган исрофгарчилик, керагидан ортиқчалик, нооқилоналикларни изоҳлаш учун хизмат қилади.



Чизма 1.1.2. Индивид шахсий истеъмолини оқилоналаштириш модели

Инсоннинг физиологик ва бошқа эҳтиёжларини қондиришда оқилоналик тамойилларига риоя қилмаслик нафақат индивиднинг ўзига, балки жамиятга ҳам катта зиён келтиради. Эҳтиёжларни

¹⁰ Маршалл А. Принципы экономической наук. М, Прогресс, 1993.

қондиришда ҳаддан ташқари эрк беришнинг алоҳида индивид ва жамият учун салбий оқибатларини чизма шаклида қуйдагича изоҳлаш мумкин (1.1.2-чизма).

Чизмадан кўриниб турибдики, индивид А нуқтасида ўзининг объектив асосга эга бўлган эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлади. Бордию у ўзининг объектив эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маблағларни ишлаб топишга ёши, соғлиги, вақтинча ишсизлиги ва бошқа асосли сабабларга кўра имконияти бўлмаса, унинг объектив эҳтиёжларини қондиришни ижтимоий ҳимоя воситалари ёрдамида давлат ўз зиммасига олади ёки ўша шахснинг яқин қариндошлари, атрофидаги кишилар, маҳалла ҳомийлари ва бошқалар моддий ёрдам кўрсатиш, кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш йўли билан бу тоифадаги шахсларнинг эҳтиёжларини ташқи манбалар ҳисобидан қондирилишида иштирок этишлари мумкин. Меҳнатга лаёқатсиз индивиднинг ҳаётий эҳтиёжларининг қондирилиши минимал даражада, яъни А нуқтасида бўлганда, жамиятда ноз-нематлар тақсимоотида ижтимоий адолат тамойилларини ўрнатиш ғоясига мувофиқ жамият (давлат ва индивидга мадад, кўмак, ёрдам бераётган кишилар)нинг унга нисбатан харажатлари максимал, яъни В нуқтада бўлади. Меҳнатга лаёқати бор индивид эса ўзининг меҳнат фаолияти, ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги хатти-ҳаракатлари билан даромад топади ва бу даромаднинг миқдори кўп ички ҳамда ташқи омилларнинг кучли таъсири остида шаклланади.

Индивид даромадларининг шахсий моддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган қисми (индивид даромадларининг фақат бир қисмини ўзининг моддий эҳтиёжларини, қолганини эса ижтимоий, интеллектуал, жамғариш ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтиради) А нуқтадан С нуқтагача оралиқда бўлиши мумкин ва шунга мос равишда унинг истеъмол миқдори ҳам ўзгаради. Индивид истеъмолининг аста-секин кўпайиб бориши унинг турмуш фаровонлиги, соғлиги, меҳнат қилиш қобилияти, кайфияти, ҳар тамонлама ривожланган шахс бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ижобий жараён, яъни индивиднинг истеъмолдан наф кўриш жараёни истеъмол ҳажми М нуқтага етганга қадар давом этади. Шунга мос равишда ВМ оралиқда индивид истеъмол ҳажмининг тобора кўпайиб бориши, яъни нафақат унинг объектив

асосга эга бўлган эҳтиёжларини, балки биринчи ва иккинчи даражали субъектив эҳтиёжларининг қондирилиб бориши натижасида, жамиятнинг шу индивид истеъмолидан кўрадиган зарари ҳам тобора камайиб боради ва М нуктада у нолга тенг бўлади. Ушбу нуктада индивид ўзининг “араваси”ни ўзи тортади, жамиятга ҳеч бир ортиқча ташвиш ва харажатлар келтирмайди. М нуктаси шахс манфаатларининг жамият манфаатларига тўла мос келиш нуктаси бўлиб, у ҳар иккала томон манфаатларини мувозанатга келтиради. Айнан М нуктасида юқорида қайт этганимиздек, индивид истеъмол ҳажмининг озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг физиологик ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг оқилона меъёрларига мос келади.

Лекин кўп кишилар ўзларининг моддий эҳтиёжларини оқилона меъёрлар билан чегаралаш, қаноат қилиш маданиятига эга эмаслар. Индивиднинг истеъмол ҳажми М нуктадан С нуктага қадар, яъни МС ораликда кўпайиб борган сайин, унинг ўз моддий эҳтиёжларини қондиришдан оладиган ижобий самараси ҳам тобора пасайиб боради ва охир-оқибат С нуктада, унинг истеъмоли миқдор жихатидан бир неча марта кўпайиб кетганлигига қарамасдан, ўз истеъмолидан оладиган фойдаси миқдор жихатидан бошланғич А нукта даражасигача тушиб кетади.

Индивиднинг назоратсиз истеъмолдан кўрадиган ижобий натижа пасайиб борган сайин, МА ораликда жамиятининг индивид истеъмолидан кўрадиган зарари ҳам пропорционал тарзда кўпайиб боради ва Д нуктада яна ўзининг максимал даражасига етади. Юзаки қараганда истеъмол миқдорининг М нуктасидан юқорига томон максималлашиб бориши фақат индивидга зарар келтиргандай (унинг истеъмол сарфлари кўпаяди, соғлигига путур етади ва ҳоказо), жамият нуктаи назаридан эса у зарарсиздай туюлади. Индивид истеъмолининг жамият нуктаи назаридан зарарли эканлигига эътироз сифатида истеъмол миқдорига мос тарзда истеъмолчи тўлайдиган даромад солиқлари, акциз солиқларининг кўпайиши, товарларнинг сотилиши, демак, ишлаб чиқарувчилар учун такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга шароит пайдо бўлиши, улар томонидан давлат бюджетига келадиган тушум ва тўловларнинг ортиб боришини кўрсатиш мумкин. Яъни истемол ҳажмининг кўпайиши жамият тараққиётининг муҳим шартларидан биридир.

Бироқ, масалага чуқурроқ ёндашилса, юқорида қайд этилган даромадлар жамиятнинг индивид истеъмолининг белгиланган меъёрлардан кўп бўлишидан кўрадиган зарарларининг фақат бир қисмини . қоплайди, холос. Аслида жамиятнинг индивид истеъмолининг М нуқтадан юқори бўлишидан жамият кўрадиган зарарлар жуда кўп. Булар хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Биринчидан, жамият, давлат фақат айрим танланган гуруҳ, синф манфаатларини эмас, балки аҳоли кенг қатламлари манфаатларининг ифодачиси сифатида бировлар ўзининг объектив асосга эга бўлган, қондирилмасликнинг иложи бўлмаган энг зарурий эҳтиёжларини ҳам қондиришга қурби етмаётган, ожизлик қилаётган айни бир пайтда бошқа бировларнинг оқилона меъёрлардан зиёд озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида турли хил дардларга мубтало бўлиши, ҳар хил, аксарият ҳолларда кераксиз бўлган ҳашаматлар, тақинчоқлар, безаклар, ортиқча уй-рўзғор буюмлари, оқилоналик меъзонларига сиғмайдиган кийим-кечак ва бошқа нарсаларга хирс қўйиб, муккасидан кетиши оқибатида маънавий дунёси қашшоқлашиб боришига бефарқ муносабатда, оддий кузатувчи ролида бўлиши мумкин эмас. Бу хусусда А. Маршаллнинг кўп йиллар илгари билдирган фикрлари эътиборга молик: “Хашамларга қарши йўналтирилган барча қонунлар натижа бермади, лекин агар жамиятнинг юксак маънавий дунёси кишиларни индивидуал бойликнинг барча кўринишлари жозибасидан холос бўлишга эришса, катта ютуқ бўлган бўлар эди”¹¹. Демак, жамият моддий эҳтиёжларни қондиришда ақлу-заковат доирасидан чиқиб кетаётган, унга ҳаддан зиёд эрк бераётган шахсларга нисбатан чоратадбирлар қўллаш, ушбу нохуш жараёнга таъсир кўрсатиш масалалари билан жиддий шуғулланиши лозим. Ўз фикрларини ривожлантириб, А. Маршалл индивиднинг истеъмолига таъсир кўрсатишни иқтисод фанининг муҳим амалий вазифаларидан бири эканлигини қуйидагича таъкидлайди: “...агар ҳар бир киши нарсаларни камроқ ва оддийроқ сотиб олса, дунё ҳам анча мукамалроқ бўлган бўлар эди. ...ҳар бир индивидиум ўз даромадларини қандай сарфлаётганлигининг умумий фаровонликга

¹¹ Маршалл А. Принципы экономической науки. —М.: прогресс, 1993, Т.1, 206-6.

кўрсатган таъсири орқали қараш – бу иқтисодиёт фанининг турмуш тарзига амалий жорий этишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир”¹².

Бозор иқтисодиёти шароитида барча жамият аъзолари истеъмолини қатъиян М нуктаси даражасида бўлишини таъминлашнинг иложи ҳам, бунга ҳеч қандай зарурат ҳам йўқ. Ҳаттоки истеъмолда тенглик ўрнатиш орқали жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришни бош мақсад қилиб қўйган режали иқтисодиёт даврида ҳам тараққиётнинг бу чалкаш муаммоси ҳал этилмади. Агар бордию унинг бирон-бир амалий ечими бўлган тақдирда ҳам, у ҳозиргача фанга номаълумлигича қолмоқда. Лекин, жамиятнинг индивидуал истеъмолининг мувозанат нуктасига имкон қадар яқинлаштириш, аҳоли ўртасидаги моддий, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражасидаги тафовутларни пасайтириш ва шу йўл билан жамиятнинг ундан кўраётган йўқотишларни минималлаштириш, яъни А ва С нукталари орасидаги масофани қисқартириш давлат микроиқтисодий сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланиши лозим. Ушбу нукталар ўртасидаги масофанинг қисқаришидан жамият ҳам, давлат ҳам, барча истеъмолчилар ҳам бирдек манфаатдордирлар.

Иккинчидан, жамият ва унинг номидан иш кўрадиган давлат аҳоли турли гуруҳлари ўртасидаги моддий неъматларни истеъмол қилиш, демак, моддий эҳтиёжларни қондиришдаги тафовутларнинг кучайишидан ижтимоий соҳада катта зарар кўради. Озиқ-овқат маҳсулотларини меъёридан зиёд истеъмол қилаётганлар беҳуда еб-ичиш оқибатида, уни меъёридан жуда кам истеъмол қилувчилар эса организмда турли витамин ва микроэлементларнинг етишмовчилиги натижасида ҳар хил оғир касалликларга дучор бўладилар. Давлат эса ўз фуқароларининг соғлом бўлишидан устун даражада манфаатдор ва шу сабабли аҳоли соғлиги тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади, аниқроғи ғамхўрлик қилиши керак. Бундан ташқари, лоақал ўзларининг моддий неъматларга бўлган минимал эҳтиёжларини қондиришга ҳам қийналаётган одамларда ижтимоий норозилик, давлатнинг ижтимоий сиёсатидан қониқмаслик кайфиятлари кучаяди.

¹² Маршалл А. Принципы экономической науки. –М.: прогресс, 1993, Т.1, 207-6.

Моддий табақаланишнинг ҳаддан зиёд чуқурлашиб кетиши эса бу кайфиятларнинг янада кучайишига сабаб бўлиши муқаррар.

Учинчидан, моддий неъматлар истеъмолида табақаланишнинг кучайишидан давлат, жамият катта иқтисодий зарар кўради. Чунки аҳолининг ижтимоий аҳволи, кайфияти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига, самарадорлигига жуда катта ва бевосита таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, айрим шахслар моддий истеъмолнинг юқори даражаларига ғайриқонуний даромадларни қўлга киритиш эвазига эришадилар. Бу мамлакатда ноқонуний йўл билан, жумладан, хуфёна иқтисодиёт, норасмий бандлик каби ноҳуш воқеликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

1-чизмада изоҳланган S_1 (АМС ярим шар) майдони қанча кичик бўлса, жамиятнинг истеъмоли оқилона меъёрлардан паст бўлган жамият аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш ташвишлари, уларга мадад ва ёрдам кўрсатиш бўйича харажатлари шунча кам бўлади. S_2 (ВМД ярим шар) майдони қанча кичик бўлса, истеъмоли керагидан кўп, ортиқча бўлган жамият аъзоларининг жамиятга келтирган зиёни шунчалик кам бўлади ва, аксинча, мамлакатда иқтисодиёт юксалиб, моддий мўл-кўлчилик таъминланиб борган сайин, S_1 майдон сатҳи ҳам қисқариб бораверади. Чунки иқтисодиёти тез ривожланаётган ёки юксак ривожланган мамлакатда бандлик даражаси юқори бўлади, иқтисодиётда банд бўлганларга муносиб иш ҳаққи тўланади, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли сони эса жуда кам бўлади. Лекин бундай мамлакатда ортиқча истеъмолга мойил аҳоли сони аста-секин кўпайиб боради ва шунга мос равишда S_2 майдони ҳам кенгаяди.

Жамият аҳоли айрим қатламлари моддий эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси меъёрдан паст бўлганда ҳам, аксинча, у меъёрдан зиёд бўлганда ҳам зарар кўрганлиги сабабали, унинг аҳоли моддий табақаланишидан кўриши мумкин бўлган умумий зарарининг миқдори $S=S_1+S_2$ га тенг бўлади. Жамият умумий зарарида S_1 нинг улуши қанча кам бўлиб, мос равишда S_2 нинг улуши қанча кўп бўлса, мамлакатда аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Эҳтиёжларнинг моҳиятини очиб бериш, уларни таснифлаш билан бир қаторда қондириш манбалари ва воситаларини аниқлаш ҳам

методологик жихатдан муҳим аҳамиятга эга. Бизнингча, инсон эҳтиёжларини қондиришнинг учта манбаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Биринчиси – табиат тайёр ҳолда инъом этган ва инсон уни ҳеч қандай ишлов бермасдан истеъмол қилиши мумкин бўлган ноз-неъматлар. Иқтисодиёт назарияси дарсликларида бундай неъматлар ноиқтисодий,¹³ бошқа баъзи бирларида эса эркин неъматлар туркумига киритилган. Ноиқтисодий неъматлар инсонга “сув текин” бўлсада, табиат учун улар жуда “қиммат”га тушади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, кесиб олинган ўрмондаги дарахтларнинг қайта тикланиши учун, дарахтларнинг турига қараб, 20-40 йил вақт керак бўлади, ер қатлами остидаги торфлар жуда катта тарихий давр мобайнида – 4 минг йиллар давомида вужудга келган ва ҳоказо.

XVIII асрда Фарб иқтисодчилари томонидан яратилган “Иқтисодий одам” (“homo economicus”) моделига мувофиқ, индивидни ҳаракатга келтирадиган, ундайдиган бош мотив унинг пул даромадлари ҳисобланади. Ушбу назарий ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, худбинлик қайфиятлари устун ривожланган “иқтисодий одам” ўзининг пул даромадлари нафлилигини максималлаштиришга ҳаракат қилади. “Иқтисодий одам” моделида индивидиумнинг хулқ-атвори оқилоналиги, унинг кам харажатлар билан юқори натижага эришишга қаратилган интилишлари имкониятларнинг, яъни пул даромадларининг чекланганлиги асосида таъминланади. Лекин табиат инсонга “текин”га инъом этган ноз-неъматларга нисбатан меҳнат билан топиладиган пул даромадлари кишиларнинг хулқ-атвори ва интилишларини оқилоналаштирувчи, чекловчи восита вазифасини бажаришга ожизлик қилади. Бу эса табиат жамиятга саҳийлик билан инъом этган ноз-неъматларнинг инсон томонидан нооқилона, баъзи ҳолларда ваҳшийларча фойдаланишига сабаб бўлади.

Иккинчиси – инсон ўз меҳнати воситасида табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартириш йўли билан яратиладиган ноз-неъматлар. Иқтисодиёт назариясида инсон ижтимоий ишлаб чиқариши жараёнида яратадиган барча нарсалар иқтисодий неъматлар деб

¹³ Балижов В.З. Общая экономическая теория. Учебник. Москва – Новосибирск. Омега – Я – Сибирское соглашение, 2005. 43-6

номланган. Худбин, шахсий манфаатлари устун ривожланган “иқтисодий одам” табиатда тайёр ҳолда бўлмаган, лекин ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган ноз-неъматларга нисбатан оқилона муносабатда, харажатларни минималлаштириб, натижаларни максималлаштиришга астойдил интилади. Чунки инсон катта ақлу-заковат сохиби сифатида заррача беҳуда ҳаракатдан ўзини сақлайди (вақтни тежаш қонуни). Фан билан қуролланган, фан бевосита ишлаб чиқариш воситасига айланган ҳозирги замонда инсоннинг ноз-неъматлар ишлаб чиқариш имкониятлари инсоннинг фақат ўзида мужассамланган ишчи кучи балки эмас, балки ундан неча марта, кўп ҳолларда неча юз марта унумлироқ бўлган техника билан белгиланади. Бу имкониятлардан кенг фойдаланиб, инсон моддий неъматларни мисли кўрилмаган миқдорда ва таркибда ишлаб чиқармоқда. Бунинг оқибатида инсон ўз қўли билан яратаётган моддий ноз-неъматлар миқдори аллақачонлар ҳар қандай оқилоналикнинг доираларидан анча ташқарига чиқиб кетди.

Учинчидан, инсоннинг ўз меҳнати сингмаган, ўзгалар меҳнати эвазига яратилган ноз-неъматларнинг ўзлаштирилиши. Худбин, шахсий манфаатлари устун ривожланган “иқтисодий одам” ўз эҳтиёжларини қондиришга нафақат табиатга, ҳайвонларга нисбатан, балки ўзисимон бошқа зотларга, ўзининг сафдошларига, бошқа инсонларга нисбатан ҳам хиёнат қилиши, адолатсизликга йўл қўйиши мумкин. Ўзгаларга тегишли бўлган ноз-неъматларни ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзлаштириш, уларни қўлга киритишнинг бир неча шакллари мавжуд: ўғирлик, таъмагирлик, порахўрлик, алдаш, куч билан тортиб олиш, бировларни текин ишлатиш ва ҳоказо.

Алоҳида индивидларнинг ўзгаларга тегишли бўлган ноз-неъматларни, молу-дунё, бойликни ўзлаштириш йўлида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори қабила, элат, миллат, мамлакат, давлат, давлатлар гуруҳи миқёсида ижтимоий тус олади ва, инсоният тараққиёти шундан далолат берадики, пировард натижада жуда дахшатли оқибатларга олиб келади. Азал-азалдан айрим қабила ва элатларнинг, ҳозирги замонда эса катта-кичик давлатларнинг ўзаро низо ва жанжалларининг, келишмовчилик ва қирғинбарот урушларнинг чуқур илдизи бир жамиятнинг бошқа бир жамиятга тегишли бойликни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатлари билан изоҳланади.

Алоҳида индивиднинг ўзгаларга тегишли ноз-неъматлар, имкониятларни ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатида фойдалинишга интилиши ва хулқ-атворини тартибга солиш нисбатан осон. Алоҳида шахс, қабила сардори, корхона раҳбари, ҳаттоки мамлакат Президентининг хулқ-атворини, ҳатти-ҳаракатларини қонунлар, шунингдек, ижтимоий тартиб қоидалар ва бошқалар ёрдамида тартибга солишнинг самарали институционал механизмлари яратилган. Лекин мамлакат, давлат миқёсида ўзаро низо ва урушларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймасликнинг амалий натижа берадиган, юқори самарали механизмлари яратилмаган. Ваҳоланки, жамиятда шундай механизмларнинг амалда қўлланилишига жуда катта эҳтиёж бор.

Илдизида иқтисодий манфаат ва эҳтиёж-имконият ётган мамлакатлараро уруш, жанжал ва низоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишнинг имкониятларидан бири сифатида кишилик жамияти томонидан БМТ ихтиро қилинди. Ушбу нуфузли ташкилот мамлакатлараро муносабатларни тартибга солишда муайян даражада ижобий рол ўйнаётган бўлсада, лекин мамлакатлар ўртасида юзага келаётган барча низо ва жанжал-қелишмовчиликларни ҳал этишга ожизлик қилади. БМТ биринчи жаҳон урушини ҳам, иккинчи жаҳон урушини ҳам олдини олиш, ҳозирги кунда Сирия ва Украина муаммоларини на сиёсий йўл билан ва на куч ишлатиш йўли билан ҳал этиш имкониятларини тополмади. Чунки алоҳида давлат ва мамлакатларнинг иқтисодий манфаатлари кесишган паллада БМТнинг қарама-қарши турган тарафларга сиёсий таъсир кўрсатишга қаратилган тавсия ва тадбирлари катта амалий натижа бермай қолади. БМТ фаолияти амалиётидан буни исботловчи далил сифатида, яъни ушбу ташкилот томонидан қабул қилинган қарор (резолуция) ва берилган тавсиялар (рекомендация)нинг бажарилмай қолганлиги хусусида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунки БМТ қарор ва тавсияларини сўзсиз бажарилишини тўла таъминлашнинг самарали механизмлари ҳозирча мавжуд эмас.

Низо ва урушларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали воситалари яратилмаганлигини эътироф этар экан, XX асрнинг таниқли социологи Питирим Сорокин эътиборга молик фикрларни илгари сурган.

Унинг ёзишича, жамият тарихида бирон-бир ғоя, мафкура, дин, ташкилот урушларнинг, низоларнинг, жиноятларнинг ва ҳоказоларнинг олдини ололмади. Шу сабабли муаммонинг ечимини одамлар ўртасидаги муносабатларнинг янги тизимини шакллантиришдан излаш керак¹⁴. Бизнингча, кишилиқ жамияти ҳозиргача ҳал эта олмаган бу мураккаб муаммонинг ечимини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг янги тизимини шакллантиришдан эмас, балки кишилараро муносабатларнинг асосини ташкил этувчи ҳар бир индивиднинг шахсий эҳтиёжларини қондириш маданиятини юксалтиришдан излаш керак.

Учинчи манбанинг инсон эҳтиёжларини қондиришдаги ролини тобора пасайтириш, уни минимал даражага келтириш жамиятнинг уруш-низоларсиз, зиддиятларсиз, тинч, равон ривожланишининг, иқтисодий манфаат заминида содир бўлаётган ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг кескин камайиши, барча мамлакатлар халқлари доимо орзу қиладиган ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашнинг муҳим шарт ва етакчи омили ҳисобланади. Инсон фақат эҳтиёжларга кўп ҳам эрк бермасликка, ўз эҳтиёжларини қондиришда уларнинг мазмун-моҳияти, айниқса қондирилиш манбаларига эътиборли бўлишга, кези келганда унга фойдадан кўра кўпроқ зарар олиб келадиган, аксарият ҳолларда унинг бошига осойиштасизлик ва кулфат соладиган нооқилона эҳтиёжларни чеклашга, уларни қондиришнинг хатарли йўлларида воз кечишга одатланиши керак.

Барча иқтисодий тизимларда, жумладан эркин бозор иқтисодиёти шароитида, кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ноз-неъматларни яратишнинг асосий воситаси инсоннинг меҳнати бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Кишилиқ жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида инсонлар эҳтиёжини қондиришнинг ягона манбаи табиат инъом этган ноиқтисодий ноз-неъматлар бўлган бўлса ва эҳтиёжни қондириш муаммосини ҳал этишда меҳнатнинг роли роппа-роса нолга тенг бўлган бўлса, ҳозирги кунда меҳнат жараёнида яратиладиган иқтисодий ноз-неъматлар инсон эҳтиёжларини қондиришда асосий ўринни эгаллайди. Ер юзида ҳаёт энди бошланган даврлардан бошлаб инсон аста-секин меҳнат

¹⁴ Сорокин П. Долгий путь. Сыктывкар. 1991, 231-б.

қилишни, меҳнат воситасида табиатга таъсир кўрсатишни, уни ўзгартириб, ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган турли-туман ноз-неъматларни яратишни ўрганди. Кишилиқ жамияти тараққиёти давомида кўп авлодларнинг меҳнати туфайли оламда жуда катта моддий ва маънавий бойлик тўпланди, юксак даражада ишлаб чиқариш кучлари шаклланди. Инсон ўзининг тинимсиз меҳнати ва иқтисодий фаолияти натижасида табиатнинг ожиз, ночор, мослашувчан, итоаткор, шунчаки бир кузатувчисидан унга кучли таъсир кўрсата олишга қодир бўлган омилга айланди. Ҳозирги даврга келиб, меҳнат билан шуғулланиш, меҳнатда бандлик, иқтисодий фаолият, ноз-неъматлар ишлаб чиқариш инсон яшаши ва ҳаёт кечиришининг муҳим шарти ва порлоқ келажагини таъминлашнинг асосий омилига айланди.

Меҳнатда бандлик инсон онгли фаолиятининг асосий тури сифатида унинг бутун умри давомида салмоқли ўринни, яшаган ёши ҳамда касби-кориға қараб ўртача 15-25 фоизни эгаллайди. Демак, инсон ўз умри давомида 10-15 йил ўзининг асосий иш ўрнида ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти билан банд бўлади. Иш вақти меъёрлаштирилмаган тоифадаги айрим шахслар учун (масалан, раҳбар ходимлар, илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчилар, олимлар, ижод фаолияти билан машғул бўлган санъаткорлар ва бошқалар), узоқ вақт давомида иккиламчи, баъзан учламчи бандликда бўлганлар, меҳнат қилиш иштиёқи жуда баланд бўлган, меҳнат фаолиятини жуда эрта, ҳали балогат ёшига етмай, бошлаган, нафақа ёшига етгандан кейин ҳам ўз меҳнат фаолиятини тўхтатмаган кишилар ўз умрининг 20 йилини ва ундан ҳам узоқроқ муддат давомида меҳнат фаолияти билан машғул бўлади. Агар биз индивид ўз умрининг жуда катта қисмини ўзининг табиий эҳтиёжларини қондириш (ухлаш, даволаниш, овқатланиш кабилар) мақсадиларида фойдаланишга мажбурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнатда бандлик инсон ҳаётида нақадар муҳимлигини тўла тасаввур қилишимиз анча осонлашади. Муайян даражада ижтимоий қарор топган, маданийлашган жамиятда меҳнатда бандлик ҳаёт кечиришнинг ва эҳтиёжларни қондиришнинг асосий манбаи ва етакчи воситаси ҳисобланади. Бундай жамиятда меҳнатга лаёқати бор кишилар бандлик орқали муносиб даромад топиш ҳамда ўзлари ва оила аъзоларининг фаровон ҳаёт кечиришини

таъминлаш имконига эга бўладилар. Бандликнинг аҳамитини БМТ шундай эътироф этади: “Бандлик ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай давлатнинг асосий муаммоларидан биридир”¹⁵. Шу сабабли аҳоли бандлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини баҳолашнинг ва уни башоратлашнинг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичи сифатида қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли бандлиги меҳнат бозорининг энг муҳим категорияларидан бири сифатида турли соҳа ва тармоқларда, турли шаклларда, турли соҳаларда намоён бўлади. Муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири сифатида у бир томондан, мамлакат миллий иқтисодиётининг юксалишига, ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан эса, бандлик ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, у аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини шакллантиришда, меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ҳимоялашда жуда катта рол ўйнайди. У тадбиркорлар учун товар ва хизматлар яратишнинг асосий шартларидан бири, аҳолининг аксарият қисми учун эса ҳаёт кечириш ва оила тебратишнинг ягона манбаи ҳисобланади. Бандлик ялпи миллий маҳсулот ҳажми, таркиби, мамлакатда ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг сифати, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичларга катта таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, бандлик мамлакат эришган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, демографик омиллар, мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни каби мураккаб омилларнинг бевосита таъсири остида шаклланади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла иштирок этишига эришиш етакчи иқтисодий мактаб ва оқимларнинг таълимотларида марказий ўринлардан бирини эгаллаганлиги ҳам бежиз эмас. Классик иқтисодий мактаб номоёндаларининг қарашларига биноан, мамлакатнинг бойлиги иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ва банд бўлганларнинг меҳнат унумдорлиги билан белгиланади¹⁶. Демак, мамлакатнинг бойлиги, унинг истиқболлари, биринчи навбатда,

¹⁵ uzsharof@rambler.ru

¹⁶ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962.

иктисодиётда банд бўлганлар сони билан белгиланади. Дунёнинг буюк иктисодчиларидан бири ҳисобланган Дж. М. Кейнс ҳам ўзининг илмий қарашларида бандлик масалаларига катта эътибор қаратиб, бандликнинг классик моделини қаттиқ танқид остига олди ва тўла бандлик тушунчасига жиддий ўзгартириш киритди¹⁷. У иктисодиёт фани тарихида биринчи бўлиб, тўла бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолини юз фоиз иш билан таъминлаши эмаслигини, яъни мамлакатда аҳолининг муайян қисми ишсиз бўлган тақдирда ҳам тўла бандликка эришиш мумкинлигини асослаб берди.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатда давлат томонидан амалга оширилаётган мароиктисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мустқиллик йилларида изчиллик ва эҳтиёткорлик билан олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг марказий ва давлат жиддий эътибор қаратаётган бўғинларидан бирига айланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётини шакллантиришни бош мақсад қилиб белгиланган Ўзбекистон учун аҳоли бандлигини таъминлаш, уни иктисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий омилига айлантириш ҳал этувчи аҳамиятга эга. Чунки иктисодчилар ҳақли равишда таъкидлаганидек, ҳар қандай ижтимоий йўналтирилган тараққиёт йўлидан бораётган мамлакат учун ишчи кучи бандлиги муаммосини ҳал этиш жуда муҳим ҳисобланади¹⁸.

Аҳоли бандлиги ва меҳнат муносабатлари мамлакатда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган махсус қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишлар, қатор расмий ҳужжатлар билан тартибланади ва тегишли тарзда қафолатланади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари келтирилган бўлиб, улардан иккитасини алоҳида ажратиб кўрсатмоқчимиз¹⁹. Биринчиси –

¹⁷ Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: Наука. 1978.

¹⁸ К.Х. Абдурахмонов, Ж.Р. Холмўминов, Н.К. Зокиров. Персонални бошқариш. – Т.: “O'QITUVCHI”, НМИУ. 2007, 67-б.

¹⁹ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1998. 3-б.

кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижобий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш. Ушбу принцип орқали давлат кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда самарали иштирокини нафақат ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашни, балки бандликдан манфаатдор субъект сифатида уни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, унга кўмаклашиш вазифасини ўз зиммасига олади.

Жадвал 1.1.1.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тамоқлари бўйича банд аҳолининг сонининг ўсиш суръатлари*

Тармоқлар	Йиллар (минг киши)					2014 йил 2010 йилга нисбатан, %
	2010	2011	2012	2013	2014	
Саноат	1539,6	1563,7	1589,9	1615,3	1642,3	106,7
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3127,5	3239,4	3260,8	3398,8	3531,3	112,9
Қурилиш	1065,1	1093,4	1130,3	1169,3	1208,6	113,5
Транспорт ва алоқа	603,8	619,9	638,7	660,9	684,4	113,3
Савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот	1243,2	1283,4	1330,0	1379,1	1431,2	115,1
Уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	400,5	417,5	432,7	448,3	464,9	116,0
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	894,1	908,5	924,1	924,6	925,1	103,5
Таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1609,9	1636,9	1642,9	1643,8	1644,9	102,2
Молия, кредит ва сугурта	66,3	67,7	65,6	64,7	64,2	96,8
Бошқа тармоқлар	1078,4	1088,7	1208,8	1218,5	1221,1	113,2
Иқтисодиётда жами бандлар	11628,4	11919,1	12223,8	12523,3	12818,4	110,2

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Иккинчиси – меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда, барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ва мансаб мавқеидан, динга

муносабати, эътиқодидан, жамоат бирлашмаларига мансублигидан, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик жиҳатларига ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан қатъий назар, тенг имкониятларни таъминлаш. Ушбу тамойил орқали давлат мамлакатдаги фуқароларнинг ўзаро тенглик асосида ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлишини кафолатлаш ва шу йўл билан ижтимоий адолат ўрнатишни мақсад қилиб қўяди. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ҳам бандликнинг алоҳида ўрни борлиги қайд этилган: “Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнатлари ва соғлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифатининг яхшиланишига, шу асосда, барча аҳоли қатламлари моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади”²⁰. Бу ерда айнан аҳоли бандлиги, ходимларнинг унумли меҳнати, сифатли иши барча аҳоли қатламлари турмуш даражасини юксалтиришнинг асоси эканлиги ва бундан жамият, давлат манфаатдор эканлиги алоҳида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов аҳоли бандлигини таъминлашнинг аҳамияти, муҳимлиги тўғрисида шундай қимматли фикрларни баён этган: “... бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз керак”²¹. Бу ерда иккита долзарб вазифани бир йўла бажариш назарда тутилган: биринчиси – аҳолини иш билан таъминлаш, иккинчиси эса бандлик асосида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш.

Мамлакатда меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг ижтимоий ишлаб чиқаришда тақсимлаш борасида изчиллик билан олиб борилган сиёсатнинг амалий натижаси сифатида иқтисодиётда кўплаб янги иш

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. Т., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова, 2-модда.

²¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилларидир “Туркистон”, 2010 йил.

ўринлари яратилди ва шунга мос равишда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ҳам муттасил ўсиб бормоқда (1.1.1-жадвал).

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари кейинги беш йил, яъни 2010-2014 йиллар мобайнида Ўзбекистон миллий иқтисодиётида ва унинг барча тармоқларида (молия, кредит ва суғурта бундан истисно) банд аҳоли сони мунтазам ўсиб борганлигидан далолат беради. Айниқса қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (112,9 %), транспорт ва алоқа (113,3 %), қурилиш (113,5 %) савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов ва таъминот (115,1 %), уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари (116,0 %) банд аҳоли сони республика миллий иқтисодиётида банд аҳоли сонининг ўсиш суръатларидан (110,2 %) анча юқори бўлган.

Биз амалга оширган назарий ва эмперик тадқиқотлар натижасида ҳозирги кунда бутун дунё мамлакатлари бўйича кенг жамоатчиликни ҳақли равишда ташвишга солаётган норасмий бандликнинг долзарб ва ечилиши зарур бўлган муаммоларининг ечимлари авваламбор жамият тараққиётининг бош омили ва мустаҳкам пойдевори бўлган эҳтиёжлар, уларни қондириш усуллари ва манбалари билан бевосита ва юқори даражада узвий боғлиқ деган хулосага келдик. Аҳоли тўла бандлигига даъвогарлик қилган собиқ совет иқтисодий тизими даврида ҳам иқтисодиётда банд аҳоли ўртасида норасмий бандликнинг ўзига хос шакллари кенг тарқалган эди. Аҳолининг анчагина қисми асосий иш ўрнидан бўш вақтларида, шунингдек, меҳнат ресурслари таркибига кирмаган ва меҳнатга лаёқатсиз кишилар савдода, қурилишда, қишлоқ хўжалигида тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаган даромад манбаларига эга эдилар. Ишга кечикиб бориш, иш ўрнида самарали меҳнат қилмаслик, ишда йўқ одамларни рўйхатга киритиш ва бошқалар норасмий даромад топишнинг кенг тарқалган ва шу сабабли жамият тараққиётига катта зарар келтирган ўзига хос ҳамда ниқобланган кўринишлари эди.

Маълумки, тадбиркорлик ва бунинг натижасида аҳоли даромадларининг кескин фарқланиши, аҳолининг моддий табақаланиши бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Собиқ режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш муносабатларида

содир бўлган туб ўзгаришлар норасмий бандликнинг кўламларига, шакллариغا ҳамда амал қилиш механизмларига сезиларли даражада кучли таъсир кўрсатди. Айниқса, моддий табақаланиш ҳамда аҳоли ўз зарурий эҳтиёжларини қондиришдаги имкониятларнинг, даромад манбалари ва таркибининг кескин ўзгариб кетиши норасмий бандлик кўламлари кенгайишининг асосий ва чорасини излаб топиш қийин бўлган сабаблардан бирига айланди. Бу хусусда китобнинг кейинги бобларида батафсил тўхталамиз.

1.2. Аҳоли бандлиги – меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг етакчи омили

Меҳнат ресурслари, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг етакчи омили сифатида, миллий иқтисодиётни юксалтиришда ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутди. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги миллий иқтисодиётнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигига, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига, ялпи ички маҳсулот ҳажми ва ўсиш суръатларига, аҳоли даромадлари ва истеъмолига бевосита ва жуда кучли таъсир кўрсатади. Меҳнат ресурсларининг сони, яъни миқдор кўрсаткичлари — бир томондан, унинг таркиби, яъни сифат кўрсаткичлари — иккинчи томондан ҳамда ушбу ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, учинчи томондан ҳар бир мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни ва мавқеини белгилашда асосий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, инсон капитали ва ишчи кучи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш омиллари таркибида етакчи омил даражасига кўтарилган ҳозирги босқичда, меҳнат ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги роли бекиёс.

Ўзбекистон меҳнат ресурсларига бой ва ана шу бойликдан ўринли ва унумли фойдаланиш мамлакатни яқин ва узоқ келажакда миллий иқтисодиёти устун ривожланган, аҳолисининг турмуш фаровонлиги эса ривожланган мамлакатлар даражасидан кам бўлмаган мамлакатлардан бирига айлантириш концепциясини амалга оширишнинг асосий йўлларида бири ҳисобланади. Ҳозирги вазиятда Ўзбекистон миллий иқтисодиётида реал мавжуд бўлган, унда мужассамланган бебаҳо бойлик, яъни улкан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун меҳнатга лаёқатли

аҳолини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш истаги бор ҳар бир киши учун ўз меҳнат қобилиятини рўёбга чиқариш ва шу йўл билан мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда ўзининг ҳиссасини қўшишга шарт-шароит яратиб бериш лозим. Бу хусусда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов жуда қимматли фикрларни баён этган: “Ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлабгина қолмасдан, энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида мукаммал меҳнат бозорини юксалтириш, ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни тўла ҳисобга олиш гоят муҳим аҳамият касб этади”. Мамлакат Президенти илгари сурган ғоянинг туб моҳияти шундаки, ишлаш истаги бор кишиларни шунчаки, номига иш билан таъминлашнинг ўзи кифоя эмас, балки уларни юқори даромад олиш ва шу асосда фаровон турмуш кечириш имконини берадиган унумли иш ўринлари билан таъминлаш лозим.

Лекин Ўзбекистонда мужассамланган улкан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётда аҳоли тўла бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ва унга талаб ўртасида мувозанатни вужудга келтириш, ҳар бир меҳнатга лаёқатли фуқарога муносиб, ижтимоий йўналтирилган иш ўринларини яратиб беришда жиддий муаммо ва ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Булар жумласига қуйдагиларни кiritиш мумкин.

Биринчиси: меҳнат бозори ва бандлик соҳасида ўтмишдан, режали иқтисодиётдан теккан огир мерос. Собиқ шўролар ҳукумати даврида Ўзбекистон миллий иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етиштириб беришга мослашган қолоқ аграр мамлакат эди. Шунга мос равишда, маҳсулотларни қўл меҳнати асосида етиштиришга ихтисослашган, техник жиҳатдан яхши қуролланмаган ва иқтисодий самарадорлик (демак, ижтимоий йўналтирилганлик) нуқтан назаридан ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган жуда қўп унумсиз иш ўринлари яратилган эди. Ўша даврларда меҳнат ресурсларининг асосий қисми, яъни 38,4 фоизи (3763,7 минг киши) қишлоқ хўжалигида, фақат 24,6 фоизи

(2422,1 минг киши) саноатда банд бўлган²². Шу билан бир қаторда, собиқ советлар ҳукумати ҳукмронлигининг охириги йилларида Ўзбекистонда "... шундай аҳвол юзага келдики, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хомашёни қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилмоқда, тайёр маҳсулот, биринчи навбатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар устунлик қилмоқда"²³. Демак, аҳолининг анчагина қисми мамлакат Президенти таъкидлаган саноатнинг қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлашга мослашган тармоқларида меҳнат қилганлигини ҳам эътиборга оладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган аҳолининг иқтисодиётда банд бўлган жами аҳоли сонидаги улуши эллик фоизга яқинлашиб боради. Ўша даврларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида яратилган иш ўринларининг сифатига баҳо берадиган бўлсак, улар ўзининг арзонлиги, кўпроқ қўл меҳнатига асосланганлиги, унумсизлиги ва шу сабабли арзигулик даромад топишга яроқсизлиги билан ажралиб туришини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Иккинчиси: кенг қамровли иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва мамлакатда олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатни унинг туб манфаатларига мувофиқлаштириш натижасида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ва таркибида содир бўлган кескин ўзгаришлар. Радикал иқтисодий ўзгаришлар асосида мамлакатда босқичма-босқич шакллантирилган ва бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт, илгари мамлакатда ҳукмронлик қилган режали иқтисодиётдан фаркли ўлароқ, барча қимматбаҳо ва нодир ресурслардан, жумладан инсон ресурслардан унумли фойдаланишни, иқтисодий юксалишни интенсив омиллар ҳисобидан таъминлаш учун реал шарт-шароит яратиб берди. Янги иқтисодий вазиятда меҳнатнинг кадри ортиб, ундан унумли, ортиқча исрофгарчиликларсиз фойдаланиш зарурати кучайиб борди. Натижада режали иқтисодиёт шароитида шунчаки аҳолини иш билан таъминлаш, "хўжа курсин"га банд қилиш учун, аксарият ҳолларда асоссиз, сунъий яратилган арзон ва сифатсиз иш ўринлари ўз мазмун-

²² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам, -Т.: "Ўзбекистон", 2011, 37-6.

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллигига эришиш оstonасида. -Т.: "Ўзбекистон", 2011, 48-6.

моҳиятини, аҳамиятини йўқота бошлади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асоссиз, сунъий тарзда яратилган иш ўринларини интенсив қисқартириш ва тармоқда нисбатан ортиқча банд бўлганларни ишдан четлаштириш натижасида тармоқда ишсизлик муаммоси юзага келди ва тобора кучайиб борди. Аграр соҳадаги иқтисодий ислохотлар тармоққа жалб этилган ортиқча меҳнат ресурсларини сиқиб чиқаришни тақозо этди ва бу қишлоқ жойларида бандлик муаммосини янада кескинлаштирди²⁴. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти юксалиб борган сайин, унинг таркибида, айниқса аграр соҳада юқори унумли, замонавий иш ўринларининг сони ва улуши ҳам тобора ортиб бормоқда. Келажакда мамлакатда меҳнат унумдорлиги аста-секин ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилади, иқтисодиётда паст унумли иш ўринларида банд бўлган ишчи-ходимлар сонининг нисбий қисқариш жараёнлари эса яна узоқ йиллар давом этади. Ушбу жараёнлар келажакда мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларини янада кескинлаштиради.

Учинчиси: мамлакатда йил давомида ишлаб чиқариладиган ЯИМ мутлақ миқдорининг нисбатан камлиги. Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ЯИМнинг ўртача ҳажми бўйича ривожланаётган мамлакатлар тоифасига киради. Ҳозирги босқичда йил давомида яратилган миллий даромаднинг аҳоли истеъмолидан ортиб қолган ва жамғариладиган қисми инвестицион ресурсларнинг асосий манбаи ва моддий асоси сифатида янги ва замонавий иш ўринларини унга бўлган талаб даражасида яратиш имконини бермайди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш учун, унинг йиллик ўсиш суръатларини ҳозирги эришилган 8 фоиздан пасайтирмаган ҳолда, яна узоқ йиллар давом эттириш лозим бўлади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари янги ва замонавий иш ўринлари сонини кўпайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчиси: мамлакатда яратилган миллий даромаднинг бозор субъектлари ўртасида тақсимотидаги муаммолар. Назаримизда, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган янги қийматда ишчи-

²⁴ Хусанов Р., Мамарайов Қ. Историко-социально-экономические особенности использования трудовых ресурсов в сельском хозяйстве. Т.: «Yangi asr avlodi», 2002, 208-214 бб.

хизматчиларнинг улушини кўтариш механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги кунда иш ҳаққи миқдори меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги номуносибликнинг кучли таъсири остида шаклланади. Ишчи-ходимларнинг, яъни бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг, янгидан вужудга келтирилган қийматдаги улушини кўтариш, бир томондан товарлар ва хизматларга талабни рағбатлантирса ва бу билан ишлаб чиқаришни юксалтиришга шарт-шароит яратиб берса, иккинчи томондан, ишчи кучи сифатини такомиллаштириш учун замин яратади. Шу сабабли, яратилган миллий даромадни тақсимлашни оқилоналаштириш, жумладан, ишчи-хизматчиларнинг ундаги улушини кўпайтириш йўллари асослаб бериш иқтисодиёт фанининг энг асосий вазифаларидан бир сифатида қаралиши лозим.



Чизма 1.2.1. Ўзбекистон Республикаси аҳолиснинг ёш бўйича таркиби, фонзларда

Бешинчиси: мамлакатда узоқ йиллар давомида шаклланган мураккаб демографик вазият ва аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси 1,5 мартага кўпайди ва ҳозирги кунга келиб, унинг сони 31022,5 минг кишига етди. 2014 йилда мамлакатда туғилганлар сони 718,0 минг кишини, туғилиш коэффиценти эса 23,3 ни ташкил этди²⁵. Ўзбекистонда

²⁵ Ўзбекистон рақамлари. Статистик тўплам. Т.: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2015, 55-б.

демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, доимий аҳоли таркибида меҳнат бозорига биринчи бор ишга талабгор бўлиб чиқадиган ёшларнинг улуши дунёнинг кўпгина мамлакатларига нисбатан анча юқори.

Аҳоли табиий ўсиши юқори суръатларининг бевосита таъсири остида мамлакат доимий аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг улуши ҳам узлуксиз тарзда кўпайиб бормокда (1.2.1-чизма).

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлат томонидан олиб борилган демографик сиёсат натижасида аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръатлари ва ёш таркибида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатда жисмонан соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган сиёсатнинг амалий натижаси сифатида аҳолининг йиллик ўртача ўсиши анча оқилона даражага етди (мустақилликдан олдинги 2 фоиздан зиёд кўрсаткич ўрнига 1,3-1,4 фоиз даражани ташкил этди). Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2014 йилда ... ёшга етказиш имконини берди. Шу билан бирга Ўзбекистон ўз аҳолиси таркибида ёшларнинг улуши юқори бўлган ёшлар мамлакати сифатида танилган. Аҳоли таркибида ёшлар улушининг юқорилиги мамлакатда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг умумий аҳоли сонига нисбатан анча тез суръатлар билан ўсиб боришига ва унинг аҳоли умумий сонигаги улушининг ошишига олиб келди. 1990 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг аҳоли умумий сонигаги улуши 49,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда у 52,0 фоизни, 2010 йилда 60,5 фоизни, 2014 йилда эса фоизни ташкил этди.

Доимий аҳоли сони ўсишининг юқори суръатлари ва унинг таркибида меҳнат ресурслари улушининг кўпайиш тенденцияси Республиканинг деярли барча вилоятларида ҳам кузатилмокда (1.2.1-жадвал). Кейинги 10 йил давомида (2005-2014 йил) Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 17,5 фоизга кўпайди. Ушбу кўрсаткич Андижон вилоятида 20,0 фоизни, Самарқанд вилоятида 20,5 фоизни, Наманган вилоятида 21,1 фоизни, Қашқадарё вилоятида 22,0 фоизни, Сурхандарё вилоятида 22,2 фоизни ташкил этди, яъни республика бўйича ўртача ўсиш суръатларидан анча юқори бўлди. Айни бир


Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича донмий аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг ўсиш динамикаси

Вилоятнинг номи	2005 йил				2010 йил				2014 йил				2014 йил 2005 йилга нисбатан		
	донмий аҳоли	шундан меҳнат ресурслари			донмий аҳоли	шундан меҳнат ресурслари			донмий аҳоли	шундан меҳнат ресурслари			донмий аҳоли	шундан меҳнат ресурслари	
		сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши		сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши		сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши		сони, %	улуши, + кун - кам
Қорақалпоғистон Республикаси	1570,9	854,5	54,4	1656,5	945,5	57,1	57,1	1749,8	1011,9	57,8	57,8	111,4	111,4	118,4	+3,4
Андронон	2359,3	1319,0	55,9	2610,7	1561,2	59,8	59,8	2831,4	1667,9	58,9	58,9	120,0	120,0	126,5	+3,0
Бухоро	1516,7	860,6	56,7	1648,2	987,6	59,9	59,9	1770,9	1045,0	59,0	59,0	116,8	116,8	121,4	+2,3
Жиззах	1047,3	550,6	52,6	1141,7	652,1	57,1	57,1	1238,5	723,0	58,4	58,4	118,3	118,3	131,3	+5,8
Қашқадарё	2399,5	1256,6	52,4	2669,5	1493,4	55,9	55,9	2927,1	1692,5	57,8	57,8	122,0	122,0	134,7	+5,4
Навоий	811,5	462,0	56,9	862,3	531,6	61,6	61,6	907,2	543,1	59,9	59,9	111,8	111,8	117,6	+3,0
Наманган	2088,4	1136,6	54,4	2319,0	1350,6	58,2	58,2	2529,2	1492,5	59,0	59,0	121,1	121,1	131,3	+4,6
Самарқанд	2887,4	1531,6	53,0	3194,9	1815,7	56,8	56,8	3480,2	2003,8	57,6	57,6	120,5	120,5	130,8	+4,6
Сурхандарё	1910,0	990,8	51,9	2125,0	1174,1	55,3	55,3	2333,3	1353,0	58,0	58,0	122,2	122,2	136,5	+6,1
Сирдарё	674,6	370,5	54,8	720,8	420,7	58,4	58,4	770,4	456,9	59,3	59,3	114,2	114,2	123,3	+4,5
Тошкент	2460,1	1403,3	57,0	2615,2	1549,7	59,3	59,3	2742,1	1601,9	58,4	58,4	111,5	111,5	114,2	+1,4
Фарғона	2859,9	1551,8	54,3	3151,9	1824,2	57,9	57,9	3415,7	1969,5	57,7	57,7	119,4	119,4	126,9	+3,4
Хоразм	1443,3	791,6	54,8	1581,3	900,4	56,9	56,9	1699,8	952,2	56,0	56,0	117,8	117,8	120,3	+1,2
Тошкент шаҳри	2138,1	1373,7	64,2	2265,4	1519,2	67,1	67,1	2362,1	1534,8	65,0	65,0	110,5	110,5	111,7	+0,8
Ўзбекистон Республикаси	26167,0	14453,2	55,2	28562,4	16726,0	58,6	58,6	30757,7	18048,0	58,7	58,7	117,5	117,5	124,9	+3,5

пайтда бошқа вилоятларда доимий аҳоли сонининг ўсиш суръатлари республика ўртача кўрсаткичларига нисбаттан анча паст: Тошкент вилоятида- 11,5 фоиз, Қорақалпоқистон Республикасида- 11,4 фоиз, Навоий вилоятида- 11,8 фоиз.

Республиканинг барча вилоятларида 2005-2014 йиллар мобайнида меҳнат ресурсларининг сони доимий аҳоли сонига нисбаттан анча тез суръатлар билан кўпайган. Масалан, Қашқадарё вилоятида доимий аҳоли сони 22,0 фоизга ошган бўлса, меҳнат ресурслари 34,7 фоизга (фарқи 12,4 пункт), Жиззах вилоятида мос равишда 18,3 ва 31,3 фоиз (фарқи 13,0 пункт), Сурхандарё вилоятида эса – 22,2 ва 36,5 фоиз (фарқи 14,3 пункт)ни ташкил этди.

2005 йилда вилоятлар кесимида меҳнат ресурсларининг умумий аҳоли сонигаги улуши республика ўртача кўрсаткичларидан ва ўзаро бир-биридан анча кескин фарқ қилган. Ушбу кўрсаткич Сурхандарё вилоятида 51,9 фоизни ташкил этган бўлса, тошкент вилоятида 57,0 фоизни ташкил этган, яъни улар ўртасидаги фарқ 5,1 фоизни ташкил этган.



Чизма 1.2.2. Банд аҳоли, минг киши

Вилоятларда мустақиллик йилларида демографик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган сиёсат натижасида 2014 йилга келиб, ушбу тафовутлар анчага камайди. 2014 йилда меҳнат ресурсларининг доимий аҳоли сонигаги улуши энг паст бўлган вилоят, яъни Хоразмда 36,0 фоизни, энг юқори бўлган вилоят Навоийда эса 59,9 фоизни, улар ўртасидаги фарқ эса 3,9 фоизни ташкил этди.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ва ишлашни хоҳловчиларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ва қатъият билан амалга оширилаётган давлат сиёсатининг амалий ҳосиласи сифатида миллий иқтисодиётда банд бўлганлар сони ҳам тез суръатларда ўсиб бормоқда (1.2.2-чизма).

Агар 1990 йилда мамлакат иқтисодиётида 7941 минг киши банд бўлган бўлса, 2014 йилга келиб уларнинг сони 12819 минг кишини ташкил этди, яъни шу давр мобайнида иқтисодиётда банд бўлганлар сони 4877 минг кишига ёки 1,6 баробардан зиёдроқ кўпайди. Турли воситалар ёрдамида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар томонидан янги иш ўринларини яратишини рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этиш сиёсати ва бошқа чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлаш борасида мавжуд бўлган муаммоларнинг мураккаблигига қарамай, доимий аҳоли таркибида иқтисодиётда банд аҳоли улушини муайян даражада ошириш имконини берди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатда доимий аҳоли сонининг юқори ўсиш суръатларига қарамасдан, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд аҳоли сонини ундан ҳам юқорироқ суръатлар билан ўсишига эришилди. 1990-2014 йилларда Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 49,5 фоизга кўпайган бўлса, иқтисодиётда банд бўлганлар сони 61,4 фоизга кўпайди. Натижада иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг жами аҳоли сонигаги улуши 38,5 фоиздан (1990 йил) 41,7 фоизгача (2014 йил), яъни 3,2 пунктга кўтарилди.

Ушбу тенденцияни кейинги 10 йил мобайнида республиканинг кўп вилоятлари бўйича ҳам кузатиш мумкин (1.2.2-жадвал).

Таҳлил натижалари шундан далолат бердики, кейинги 10 йил давомида қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли сонининг ўсишига нисбатан қишлоқ иқтисодиётида банд бўлганлар сони анча тез суръатлар билан ўсди ва натижада уларнинг доимий аҳоли сонигаги улушини 2005 йилдаги 34,8 фоиздан 2014 йилга келиб 37,7 фоизгача, яъни 2,9 пунктга кўтаришга эришилди. Лекин ҳозирги кунда ҳам қишлоқ жойларида иқтисодиётда банд бўлганларнинг доимий аҳоли сонигаги улуши шаҳар кўрсаткичларига нисбатан анча пастлигича қолмоқда. Бундан ташқари, ушбу кўрсаткич вилоятлар кесимида бир-биридан анча кескин фарқланади (1.2.3-жадвал).

1.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш

динамикаси

Вилоятнинг номи	2005 йил				2010 йил				2014 йил				2014 йил 2005 йилга нисбатан	
	доимий аҳоли		шундан иқтисодиётда бандлар		доимий аҳоли		шундан иқтисодиётда бандлар		доимий аҳоли		шундан иқтисодиётда бандлар		доимий аҳоли % сони, %	шундан иқтисодиётда бандлар % сони, %
	сони, минг киши	сони, минг киши	сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши	сони, минг киши	сони, минг киши	улуши, %	сони, минг киши	сони, минг киши	сони, минг киши	улуши, %		
Қорақалпоғистон Республикаси	1570,9	533,9	99,0	99,0	1656,5	580,8	92,6	92,6	1749,8	621,0	94,6	94,6	111,4	116,3
Андижон	2359,3	954,8	99,9	99,9	2610,7	1112,0	94,2	94,2	2831,4	1245,0	94,4	94,4	120,0	130,4
Бухоро	1516,7	668,6	99,9	99,9	1648,2	768,1	94,8	94,8	1770,9	823,2	94,8	94,8	116,8	123,1
Жиззах	1047,3	332,5	99,7	99,7	1141,7	381,6	94,3	94,3	1238,5	428,4	94,6	94,6	118,3	128,8
Қашқадарё	2399,5	821,7	99,7	99,7	2669,5	971,6	94,2	94,2	2927,1	1108,5	94,5	94,5	122,0	134,9
Навоий	811,5	376,6	99,4	99,4	862,3	407,9	95,1	95,1	907,2	420,6	94,8	94,8	111,8	111,7
Памилган	2088,4	693,7	99,6	99,6	2319,0	815,3	94,1	94,1	2529,2	937,3	94,7	94,7	121,1	135,1
Самарқанд	2887,4	1050,1	99,8	99,8	3194,9	1229,9	94,0	94,0	3480,2	1402,5	94,4	94,4	120,5	133,6
Сурхондарё	1910,0	651,7	99,9	99,9	2125,0	784,4	94,2	94,2	2333,3	901,5	94,5	94,5	122,2	138,3
Сурхондарё	674,6	280,1	99,8	99,8	720,8	319,9	95,5	95,5	770,4	349,6	95,4	95,4	114,2	124,8
Тошкент	2460,1	1015,4	99,9	99,9	2615,2	1155,4	95,9	95,9	2742,1	1272,4	96,1	96,1	111,5	125,3
Фарғона	2859,9	1170,6	99,9	99,9	3151,9	1340,4	94,3	94,3	3415,7	1462,8	94,6	94,6	119,4	125,0
Хоразм	1443,3	522,3	99,1	99,1	1581,3	606,7	94,5	94,5	1699,8	678,6	94,5	94,5	117,8	123,9
Тошкент шаҳри	2138,1	1124,3	99,8	99,8	2265,4	1153,8	96,7	96,7	2362,1	1166,5	96,4	96,4	110,5	103,9
Ўзбекистон Республикаси	26167,0	10196,3	99,7	99,7	28562,4	11628,4	94,6	94,6	30757,7	12818,4	94,9	94,9	117,5	125,7
														-4,8

1.2.3-жадвал
Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонининг доимий
аҳоли сонигаги улуши

Вилоятлар	2005 йил						2014 йил					
	шаҳар жойларида			кўшма жойларида			шаҳар жойларида			кўшма жойларида		
	доимий аҳоли		шунидан иқтисодиётда бандлар	доимий аҳоли		шунидан иқтисодиётда бандлар	доимий аҳоли		шунидан иқтисодиётда бандлар	доимий аҳоли		шунидан иқтисодиётда бандлар
	сон, минг киши	улуши, %		сон, минг киши	улуши, %		сон, минг киши	улуши, %		сон, минг киши	улуши, %	
Қорақалпоғистон Республикаси	764,4	280,1	36,6	806,5	253,8	31,5	867,5	357,2	41,2	882,3	263,8	29,9
Андижон	696,7	313,4	45,0	1662,6	641,4	38,6	1488,1	727,4	48,9	1343,3	517,6	38,5
Бухоро	449,1	219,0	48,8	1067,6	449,6	42,1	675,7	306,0	46,5	1095,2	517,2	47,2
Житих	313,7	140,2	44,7	733,6	192,3	26,2	585,5	232,9	39,8	653,0	195,5	29,9
Қашқадарё	593,3	246,3	41,5	1806,2	575,4	31,9	1262,6	563,4	44,6	1664,5	545,1	32,7
Навоий	321,5	160,1	49,8	490,0	216,5	44,2	448,4	214,2	47,8	458,8	206,4	45,0
Наманган	778,1	303,0	38,9	1310,3	390,7	29,8	1606,0	665,6	41,4	923,2	271,7	29,4
Самарқанд	739,3	339,6	45,9	2148,1	710,5	33,1	1330,9	595,5	44,7	2149,3	807,0	37,5
Сурхондарё	368,0	176,2	47,9	1542,0	475,5	30,8	838,3	344,1	41,0	1495,0	557,4	37,3
Сўғдлар	210,9	97,4	46,2	463,7	182,7	39,4	334,4	141,9	42,4	436,0	207,7	47,6
Тошкент	967,8	496,5	51,3	1492,3	518,9	34,8	1344,4	657,0	48,9	1397,7	615,4	44,0
Фарғона	805,9	355,2	44,1	2054,0	815,4	39,7	1951,4	921,0	47,2	1464,3	541,8	37,0
Хоразм	321,7	136,3	42,4	1121,6	386,0	34,4	556,3	234,3	42,1	1143,5	444,3	38,9
Тошкент шаҳри	2138,1	1124,3	52,6	-	-	-	2362,1	1166,5	49,4	-	-	-
Ўзбекистон Республикаси бўйича, жами	9468,5	4387,6	46,3	16698,5	5808,7	34,8	15651,6	7127,5	45,5	15106,1	5690,9	37,7

Жадвал маълумотлари кўрсатганидек, 2014 йилда Ўзбекистонда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони доимий аҳолининг 45,5 фоизини ташкил этган бўлса, қишлоқ аҳолисining фақат 37,7 фоизи иқтисодиётда банд бўлган, яъни улар ўртасидаги фарқ 7,8 пунктни ташкил этган. Айрим вилоятларда иқтисодиётда банд бўлган қишлоқ аҳолисining доимий аҳоли сонидagi улуши жуда паст бўлиб, Республика ўртача кўрсаткичларидан кескин фарқ қилди. Жумладан, Наманган вилоятида қишлоқ аҳолисining фақат 29,4 фоизи (Республика кўрсаткичларидан 8,3 пунктга паст), Қорақалпоқистон Республикаси ва Жиззах вилоятларида 29,9 фоиз (Республика ўртача кўрсаткичларидан 78 пунктга паст), Қашқадарё вилоятида 32,7 фоизи (Республика ўртача кўрсаткичларидан 5,0 пунктга паст) иқтисодиётда банд бўлган.

Ваҳоланки қишлоқ жойларида мустаҳкамланган меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланган ва қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиб бера олаётган вилоятларни илғор ... шундан далолат бериш, қишлоқ жойларида иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий аҳоли сонидagi улуши нафакат Республика ўртача кўрсаткичларига нисбатан, балки шаҳар кўрсаткичларига нисбатан анча юқори бўлиши мумкин. Масалан Бухоро вилоятида 2014 йилда қишлоқ жойларида истекомат қилаётган аҳолининг қарийб ярми -47,2 фоизи ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган.

Бу Республика ўртача кўрсаткичларидан 9,5 пунктга (47,2%-37,7 %) шаҳар кўрсаткичларига нисбатан таққослаганда 0,7 пункт (47,2 %-46,5%), қишлоқ жойлари кўрсаткичи буйича энг паст вилоят, яъни Намангана (29,4%) вилоятига нисбатан эса 17,8 пунктга (47,2%-29,4%) юқори бўлган. Бундан ҳам ёрқин манзараларни Сирдарё вилоятида кузатиш мумкин.

2005-2014 йиллар мобайнида Республиканинг аксарият кўнгиллик вилоятларида қишлоқ жойларидаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда янги иш ўринларини кўпайтириш эвазига меҳнатга лаёқатли аҳолини қишлоқ иқтисодиётининг турли тармоқларига фаол жалб этишга эришилган. Натижада қишлоқ жойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий аҳоли сонидagi улуши 2014 йилда 2005 йилга нисбатан сезларли даражада бўлган: Хоразмдан 34,4 фоиздан 38,9фоизгача (4,5 пунктга), Самарқанд вилоятида 33,1 фоиздан 37,5 фоизгача (4,4 пунктга), Бухоро вилоятида 42,1фоиздан 47,2 фоизгача (5,1 пунктга),

Сурхондарё вилоятида эса 30,8 фоиздан 37,3 фоизгача(6,5 пунктга). Айни бир пайтда айрим вилоятларда ушбу кўрсаткич салбий томонга ўзгарган. Масалан шу давр мобайнида қишлоқ жойларига яшаётган аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлаганлари қишлоқ аҳолисининг умумий сонидаги улуши Қорақолпокистон Республикасида 31,5 фоиздан 29,9 фоизгача ёки 1,6 пунктга, Фарғона вилоятида эса 39,7 фоиздан 37,0 фоизгача, яни 2,7 пунктга пасайган. Демак, ушбу вилоятларда айнан қишлоқ жойларида иш ўринлари кўпайтриш, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ҳамда агросаноатни жадал ривожлантириш чораларини излаб топиш лозим.

Тез суръатлар билан глобаллашиб бораётган жаҳон ҳўжалигида кейинги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари тобора кескин тус олаётган айни бир пайтда Ўзбекистонда кўплаб иш ўринларини яратиш эвазига иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг доимий аҳоли таркибидаги улушини кўтаришга эришилганлиги мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтириш соҳасида эришилаётган ютуқларни янада ойдинлаштиради. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) “2014 йилда бандликнинг глобал тенденциялари” маърузасидаги маълумотларга кўра, дунё мамлакатлари бўйича бандлик даражасининг ўсиш суръатлари пастлигича қолмоқда, ишсизлик эса кўпайишда давом этмоқда. 2013 йилда дунё бўйича ишсизлар сони 5 млн. кишига кўпайган ва 202 млн. кишини, ишсизлик даражаси эса 6,0 фоизни ташкил этган. 2018 йилга бориб, қўшимча яна 200 млн. иш ўринлари яратилиши кутилмоқда, лекин бу иш ўринлари меҳнат бозорига кириб келадиган янги ишчиларни иш билан таъминлашга етарли эмас.

Маърузада ЕИ га кирмайдиган Марказий ҳамда жанубий-шарқий Европа мамлакатларида, шунингдек, МДҲ мамлакатларида ишсизликнинг пасайиш тенденцияси тескари 2009 йилдан бошлаб томонга ўзгарганлиги қайд этилган. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида 2013 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари жуда паст бўлганлиги натижасида тез ўсиб бораётган аҳолига етарли миқдорда иш ўринлари яратиб беришни таъминлай олмаган. Ушбу мамлакатларда ишсизлик даражаси дунё бўйича энг юқорилигича қолмоқда. Ушбу жараёнларнинг салбий таъсири остида 2018 йилда

иш ахтараётганлар сони дунё мамлакатлари бўйича яна 13 млн. кишига кўпайиши тахмин қилинмоқда²⁶.

Дунё мамлакатлари миқёсида аҳоли бандлиги ва ишсизлик соҳасида юз бераётган муаммолар кескин тус олаётган айни бир пайтда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантириш асосида кўплаб янги иш ўринларини яратилиётганлиги ва аҳоли бандлиги даражасининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини мамлакат ижтимоий-иқтисодий юксалишининг муҳим хусусиятларидан бири сифатида баҳолаш лозим. Лекин, шу билан бир қаторда, кейинги 10 йил давомида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлашда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг доимий аҳоли таркибидаги улушини оширишда содир бўлган ижобий силжишлар билан бирга айрим негатив жараёнларни ҳам кузатиш мумкин (1.2.4-жадвал).

Жадвал маълумотлари Республикада 2010 йилдан бошлаб иқтисодиётда банд бўлган аҳоли таркибида расман банд бўлганлар улушининг аста-секин пасайиб, шунга мос тарзда, норасмий бандлар улуши ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. 2010 йилда норасмий бандлар 35,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб у 39,2 фоизни ташкил этди, яъни 3,7 пунктга кўтарилди. Ушбу жараён айрим вилоятларда (Андижон, Наманган, Самарқанд, Сурхандарё, Хоразм) анча олдин, яъни 2005 йилда бошланиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Шу давр мобайнида иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида расмий ва норасмий бандлар нисбати баъзи вилоятларда жуда сезиларли даражада ўзгарди. Масалан, Андижон вилоятида у 37,9 фоиздан 46,8 фоизгача – 8,9 пунктга, Наманган вилоятида 37,2 фоиздан 46,3 фоизгача – 6,9 пунктга, Хоразм вилоятида 33,2 фоиздан 40,2 фоизгача – 7,0 пунктга, Сурхандарё вилоятида эса 26,6 фоиздан 36,9 фоизгача – 10,3 пунктга ошган. Бу республика ўртача кўрсаткичларидан хийла юқори бўлиб, ушбу ҳудудий меҳнат бозорларида ва томонлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини расмийлаштиришда анча жиддий муаммолар ва камчиликлар борлигидан, уларни бартараф этишнинг изчил чоралари кўрилиши лозимлигидан далолат беради.

²⁶ МОТ: Доклад «Глобальные тенденции занятости в 2014 году» www.millioner.kz

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари иқтисодиётда банд бўлганларнинг кесимида улуш
расмий ва норасмий сектор улуш (фонз)*

Вилоятлар	2005						2010						2012						2013						2014					
	иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар		
	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	67,0	33,0	100,0	67,7	32,3	100,0	65,9	34,1	100,0	64,0	36,0	100,0	62,4	37,6	100,0	60,8	39,2	100,0	62,4	37,6	100,0	60,8	39,2	100,0	62,4	37,6	100,0	60,8	39,2
Андижон	100,0	62,1	37,9	100,0	56,9	43,1	100,0	55,9	44,1	100,0	54,9	45,1	100,0	53,2	46,8	100,0	51,5	48,5	100,0	53,2	46,8	100,0	51,5	48,5	100,0	53,2	46,8	100,0	51,5	48,5
Бухоро	100,0	66,9	33,1	100,0	67,3	32,7	100,0	64,3	35,7	100,0	63,1	36,9	100,0	61,0	39,0	100,0	59,5	40,5	100,0	63,1	36,9	100,0	61,0	39,0	100,0	63,1	36,9	100,0	61,0	39,0
Жиззах	100,0	67,8	32,2	100,0	76,3	23,7	100,0	75,1	24,9	100,0	73,7	26,3	100,0	71,4	28,6	100,0	69,5	30,5	100,0	73,7	26,3	100,0	71,4	28,6	100,0	73,7	26,3	100,0	71,4	28,6
Қашқадарё	100,0	62,1	37,9	100,0	62,2	37,8	100,0	61,0	39,0	100,0	59,5	40,5	100,0	57,5	42,5	100,0	55,3	44,7	100,0	59,5	40,5	100,0	57,5	42,5	100,0	59,5	40,5	100,0	57,5	42,5
Навоий	100,0	76,0	24,0	100,0	77,5	22,5	100,0	75,6	24,4	100,0	75,2	24,8	100,0	74,3	25,7	100,0	72,4	27,6	100,0	75,2	24,8	100,0	74,3	25,7	100,0	75,2	24,8	100,0	74,3	25,7
Наманган	100,0	62,8	37,2	100,0	58,4	41,6	100,0	57,2	42,8	100,0	55,3	44,7	100,0	53,7	46,3	100,0	51,5	48,5	100,0	55,3	44,7	100,0	53,7	46,3	100,0	55,3	44,7	100,0	53,7	46,3
Самарқанд	100,0	60,2	39,8	100,0	56,1	43,9	100,0	55,9	44,1	100,0	55,0	45,0	100,0	53,3	46,7	100,0	51,5	48,5	100,0	55,0	45,0	100,0	53,3	46,7	100,0	55,0	45,0	100,0	53,3	46,7
Сурхондарё	100,0	73,4	26,6	100,0	71,0	29,0	100,0	67,7	32,3	100,0	66,6	33,4	100,0	63,1	36,9	100,0	61,0	39,0	100,0	66,6	33,4	100,0	63,1	36,9	100,0	66,6	33,4	100,0	63,1	36,9
Сирдарё	100,0	63,9	36,1	100,0	73,6	26,4	100,0	74,6	25,4	100,0	75,5	24,5	100,0	73,3	26,7	100,0	71,4	28,6	100,0	75,5	24,5	100,0	73,3	26,7	100,0	75,5	24,5	100,0	73,3	26,7
Тошкент	100,0	63,5	36,5	100,0	64,5	35,5	100,0	62,7	37,3	100,0	62,2	37,8	100,0	60,4	39,6	100,0	58,8	41,2	100,0	62,2	37,8	100,0	60,4	39,6	100,0	62,2	37,8	100,0	60,4	39,6
Фарғона	100,0	57,2	42,8	100,0	63,8	36,2	100,0	61,7	38,3	100,0	61,0	39,0	100,0	59,8	40,2	100,0	58,0	42,0	100,0	61,0	39,0	100,0	59,8	40,2	100,0	61,0	39,0	100,0	59,8	40,2
Хоразм	100,0	66,8	33,2	100,0	65,6	34,4	100,0	64,4	35,6	100,0	62,8	37,2	100,0	60,8	39,2	100,0	58,8	41,2	100,0	62,8	37,2	100,0	60,8	39,2	100,0	62,8	37,2	100,0	60,8	39,2
Тошкент вилояти	100,0	59,3	40,7	100,0	68,0	32,0	100,0	71,7	28,3	100,0	72,4	27,6	100,0	70,6	29,4	100,0	68,8	31,2	100,0	72,4	27,6	100,0	70,6	29,4	100,0	72,4	27,6	100,0	70,6	29,4
Ўзбекистон Республикаси бўйича, жамин	100,0	63,5	36,5	100,0	64,5	35,5	100,0	63,4	36,6	100,0	62,5	37,5	100,0	60,8	39,2	100,0	59,0	41,0	100,0	62,5	37,5	100,0	60,8	39,2	100,0	62,5	37,5	100,0	60,8	39,2

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ўрта ҳисоблаштиришга муҳтож маълумот билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 106-сонли Қарорига асосан ҳисобланган.

Норасмий бандликда бўлганлар сони ҳамда уларнинг иқтисодиётда банд бўлган аҳоли таркибидаги улушининг ўсиш тенденцияси билан бир қаторда, ушбу кўрсаткичнинг вилоятлар кесимида кескин фарқланишини ҳам кузатиш мумкин. 2014 йил маълумотларига кўра, Жиззах вилоятида норасмий бандлар жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 28,6 фоизини, Сирдарё вилоятида 20,7 фоизини, Тошкент шаҳрида 26,4 фоизини, Навоий вилоятида эса 25,7 фоизини ташкил этди.

Айни бир пайтда, ушбу кўрсаткич бошқа бир вилоятларда бундан 1,5-2,0 маротаба юқори: Наманганда- 46,3 фоиз, Самарқандда- 46,7 фоиз, Андижонда- 46,8 фоиз ва ҳоказо. Норасмий бандликнинг жами иқтисодиётда бандлар сонигаги улушида вилоятлараро бундай кескин тофовутларнинг мавжудлиги норасмий бандликнинг кўламларини қисқартириш ва уни қонуний, расмий бандликка айлантириш, иш берувчи ва ёлланма ишчилар ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларига барча вилоятларда ҳам бирдай жиддий эътибор қаратилмаётганлиги, бу борада ҳали тўла ишга туширилмаган катта имкониятлар мавудлигидан далолат беради.

Норасмий бандликнинг тармоқлар кесимидаги қиёсий таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, у ёки бу тармоқнинг хусусиятига қараб, норасмий бандлик даражаси ҳам ҳар хил бўлади. Бошқача сўзлар билан ифодалганда, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари норасмий бандликдан фойдаланиш учун қулай муҳит яратади ва, табиийки, бундай тармоқларда норасмий бандлик даражаси ҳам бошқа тармоқларга нисбатан юқори бўлади.

Ўзбекистонда ҳам норасмий бандлик даражаси тармоқлар бўйича кескин фарқ қилади (1.2.5-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда норасмий бандлик соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий ҳимоя (50,1 фоиз), савдо, умумий овқатланиш ва таъминот (54,2 фоиз), уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари (66,2 фоиз) каби тармоқларда кенг тарқалган ва уларда норасмий бандлик даражаси миллий иқтисодиёт ўртача кўрсаткичларидан (39,2 фоиз) хийла юқори. Айниқса, транспорт ва алоқа – (70,4 фоиз), қурилиш – (83,1 фоиз) соҳаларда норасмий бандлик даражаси жуда юқори.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини тармоқлари бўйича банд бўлганларнинг расмий ва норасмий сектор кесимида улуши (фонг)*

Тармоқлар	2005						2010						2012						2013						2014					
	иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар			иқтисодиётда банд бўлганлар		
	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий	жамин	расмий	норасмий
Саноат	100,0	43,7	56,3	100,0	48,4	51,6	100,0	100,0	0,0	100,0	57,3	42,7	100,0	100,0	0,0	100,0	58,6	41,4	100,0	96,5	3,5	100,0	58,2	41,8	100,0	91,1	8,9	100,0	58,2	41,8
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	100,0	98,0	2,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0
Қурилиш	100,0	18,8	81,2	100,0	16,3	83,7	100,0	100,0	0,0	100,0	15,9	84,1	100,0	100,0	0,0	100,0	15,8	84,2	100,0	100,0	0,0	100,0	16,9	83,1	100,0	100,0	0,0	100,0	16,9	83,1
Транспорт ва алоқа	100,0	40,8	59,2	100,0	35,6	64,4	100,0	100,0	0,0	100,0	33,3	66,7	100,0	100,0	0,0	100,0	32,7	67,3	100,0	100,0	0,0	100,0	29,6	70,4	100,0	100,0	0,0	100,0	29,6	70,4
Савдо, умумий овқатланиш ва таълим	100,0	18,8	81,2	100,0	36,9	63,1	100,0	100,0	0,0	100,0	45,6	54,4	100,0	100,0	0,0	100,0	45,1	54,9	100,0	100,0	0,0	100,0	45,8	54,2	100,0	100,0	0,0	100,0	45,8	54,2
УЖКХ ва маиший хизматнинг бошқариш турлари	100,0	31,1	68,9	100,0	62,7	37,3	100,0	100,0	0,0	100,0	33,5	66,5	100,0	100,0	0,0	100,0	34,3	65,7	100,0	100,0	0,0	100,0	33,8	66,2	100,0	100,0	0,0	100,0	33,8	66,2
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий ҳимоя	100,0	57,7	42,3	100,0	51,2	48,8	100,0	100,0	0,0	100,0	50,0	50,0	100,0	100,0	0,0	100,0	49,7	50,3	100,0	100,0	0,0	100,0	49,9	50,1	100,0	100,0	0,0	100,0	49,9	50,1
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	100,0	74,0	26,0	100,0	67,9	32,1	100,0	100,0	0,0	100,0	63,6	36,4	100,0	100,0	0,0	100,0	62,2	37,8	100,0	100,0	0,0	100,0	61,3	38,7	100,0	100,0	0,0	100,0	61,3	38,7
Монетар, кредит ва сугурта	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0	100,0	100,0	0,0
Бошқа тармоқлар	100,0	73,6	26,4	100,0	84,2	15,8	100,0	100,0	0,0	100,0	71,2	28,8	100,0	100,0	0,0	100,0	71,9	28,1	100,0	100,0	0,0	100,0	71,1	28,9	100,0	100,0	0,0	100,0	71,1	28,9
Жами бандалар	100,0	63,5	36,5	100,0	64,5	35,5	100,0	100,0	0,0	100,0	63,4	36,6	100,0	100,0	0,0	100,0	62,5	37,5	100,0	100,0	0,0	100,0	60,8	39,2	100,0	100,0	0,0	100,0	60,8	39,2

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги "Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 106-сонли Қарорига асосан ҳисобланган.

Норасмий бандлик умуман қўлланилмайдиган соҳа — бу молия, кредит ва суғурта соҳаси ҳисобланади.

Бунинг сабаби ушбу тармоқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари норасмий бандликдан фойдаланиш учун қулай шароит яратиб бера олмаслиги бўлса ажаб эмас. Расмий маълумотлар қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ҳам норасмий бандлик даражаси жуда пастлигидан далолат беради: 2014 йилда у атиги 8,9 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, тадқиқот жараёнида биз амалга оширган сўров натижалари ва бошқа ҳисоб-китоблар қишлоқ хўжалигида норасмий банд бўлганлар расмий статистик маълумотлардан анча кескин фарқ қилади.

Кейинги 10 йил мобайнида, яъни 2005-2014 йилларда, норасмий бандлик даражаси миллий иқтисодётининг турли тармоқларида турли суръатлар билан ўзгарганлиги ҳам эътиборни ўзига жалб қилади. Бунда айрим тармоқларда норасмий бандлик даражасининг ўзгармай, аниқроғи деярли ўзгармай, бошқаларида пастга ёки юқорига қараб кескин ўзгарганлиги билан характерлидир. Масалан, уй-жой, коммунал хўжалик ва маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари, шунингдек, қурилишда норасмий бандлик даражаси деярли ўзгармаган. Бошқа бир тармоқларда, масалан, саноатда норасмий банд бўлганларнинг тармоқда банд бўлган барча ишчи-ҳодимлар таркибидаги улуши 2005 йилда 56,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб у 41,8 фоизгача, яъни 14,5 пунктга, савдо, умумий овқатланиш ва таъминотда шу давр мобайнида 81,2 фоиздан 54,2 фоизгача, яъни 27,0 пунктга пасайган. Айни бир пайтда, ушбу кўрсаткич 2005-2014 йиллар мобайнида қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 2,0 фоиздан 8,9 фоизгача (6,9 пункт), транспорт ва алоқада 59,2 фоиздан 70,4 фоизгача (11,2 пунктга), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий соҳада 42,3 фоиздан 50,1 фоизгача (7,8 пунктга), таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида эса 26,0 фоиздан 37,8 фоизгача (11,8 пунктга) кўтарилган.

Юқорида қайд этганимиздек, норасмий бандлик даражасининг тармоқлар бўйича фарқланиши табиий ва у, асосан, у ёки бу тармоқнинг иш фаолиятида мавжуд бўлган ўзига хос хусусиятлар билан узвий боғлиқ. Лекин ҳозирги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиётида норасмий бандликнинг тармоқлар бўйича даражаси ва кейинги йилларда унинг ўзгаришида кузатилаётган кескин тофовутлар ушбу мавзуга доир кенг қамровли илмий изланишлар

олиб боришни, меҳнат бозори ва аҳоли бандлигида кечаётган жараён ва ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатларини, моҳияти ва ижобий томонга ўзгартириш имкониятлари ва йўлларини илмий-назарий жихатдан асослаб беришни такозо этади.

1.3. Норасмий бандлик ва унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги илмий-назарий қарашлар

Хорижлик ҳамда мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан чоп этилган илмий адабиётларни, шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан эълон қилинган ахборот манбаларини, расмий статистик маълумотларни ижодий ўрганиш ҳамда уларни илмий умумлаштириш бугунги кунда норасмий бандлик муаммолари меҳнат муносабатларининг энг жиддий ва ўткир муаммоларидан бирига айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Мазкур муаммони тадқиқ этаётган мутахассисларнинг фикрларига кўра, бутун дунё мамлакатлари бўйича норасмий бандликнинг иқтисодийда банд бўлган аҳоли сони таркибидаги улушининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат, табиий равишда, давлат раҳбарлари, сиёсатдонлар, илм аҳли, амалиётчиларнинг, ОАВнинг, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчиликнинг эътиборини ҳақли равишда ўзига жалб этмоқда. Бу хусусда чоп этилган илмий манба ҳамда маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш норасмий бандликнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги аҳамияти, уни пасайтириш йўллари ва имкониятлари ҳамда истикболлари борасида турли-туман, кўп ҳолларда мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирига тамомила зид бўлган методологик ёндашувлар ва назарий қарашлар борлигидан далолат беради.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, миллий иқтисодийда, хусусан кишлоқларда жойлашган ва ҳозирги кунда мамлакат ялпи меҳнат ресурслари таркибида салмоқли ўринни эгаллаб турган ишчи кучидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида унумли фойдаланишнинг концептуал йўналишларидан бири сифатида норасмий бандликни қисқартириш, уни конун меъёрлари билан тартибга солинадиган расмий бандликка айлантириш, расмий бандлик даражасини кўтариш бўйича илмий жиҳатдан асосланган ва амалий натижа берадиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Бизнинг назаримизда бозор иқтисодиёти шароитида

мазмун ва барча ўлчамлари жиҳатидан тобора ўзгариб бораётган ва бугунги кунда кўп тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган норасмий бандликнинг ижобий ва салбий томонларига баҳо беришда энг аввало унинг келиб чиқиш ва кенгайиб бориш сабабларини чуқур ўрганиш лозим.

Ушбу мақсадни кўзлаб амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, чоп этилган адабиётларда норасмий бандликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда аҳоли турмуш даражасини шакллантирувчи муҳим кўрсаткичларга таъсирини баҳолашда асосан иккита, бир-бирига зид нуқтаи назар мавжуд. Биринчи нуқтаи назарга мувофиқ, норасмий бандлик салбий воқелик сифатида талкин этилади. Иқтисодчи ва социолог олимларнинг аксарият кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган ушбу ёндашувда норасмий бандликнинг негатив жиҳатлари сифатида давлат бюджетига бандлик ва иш ҳаққидан тушадиган солиқ ва бошқа тўловларнинг камайиши, норасмий банд бўлганларнинг миллий конунчилик ҳамда ХМТ (Халқаро Меҳнат Ташкилоти) ҳужжатларида акс эттирилган ижтимоий ҳимояланиш кафолатларидан маҳрум бўлиши кабилар кўрсатилган.

Нисбатан озчилик тадқиқотчилар қўллаб-қувватлаётган иккинчи нуқтаи назарга мувофиқ норасмий бандлик мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти жараёнларига ижобий таъсир кўрсатаётган омил сифатида баҳоланган. Ушбу концепция муаллифлари норасмий бандликнинг ижобий, позитив таъсири сифатида: унинг ишсизликнинг даражасига ижобий таъсир кўрсатиши, корхона меҳнат ва интеллектуал салоҳиятини сақлашдаги роли, корхона ҳамда персонал иш ҳаққини оширишдаги аҳамияти каби жиҳатларни асос қилиб оладилар. “Норасмий бандлик – деб таъкидлайди. А.Н. Тарасова – ишсизликни қисқартириш ва меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатишга кўмаклашади, ишлаб даромад топишга имконият яратиб беради, мавқеи паст иш ўринларини тўлдириш, ишчи кучидан унумли фойдаланишнинг кенг имкониятларини очиб беради, меҳнат бозорида рақобатнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади”²⁷. Шунга ўхшаш фикларни бошқа манбаларда ҳам учратиш мумкин. Тадқиқотчи А.А. Терехова норасмий бандликнинг меҳнат

²⁷ Тарасова А.Н. Неформальная занятость на рынке труда. Автореф. на соиск. ученой степени канд. социологических наук. – Тюмень, 2004, 16-б.

бозоридаги 3та ижобий жихатини кўрсатган. Биринчидан, норасмий бандлик ишсизликнинг қисқаришига ва меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатишга ёрдам беради. Иккинчидан, у аҳолига яхши даромад топишда, яъни расмий ишга жойлашганларга нисбатан анча кўпроқ ўртача даромад ишлаш учун имконият туғдиради. Учинчидан, меҳнат бозорида рақобатни кучайтиришга ёрдамлашади²⁸. Унинг фикрига биноан, норасмий бандлик бозор субъектларининг мураккаб ўтиш жараёнида иқтисодий ва институционал муҳит ўзгаришларига мослашиш, унинг қутилмаган кучли зарбаларини енгиллаштириш воситаси вазифасини бажарди. Айнан ана шу сабабларга кўра, аста-секин у одатий тус ола бошлади, ҳамма унга кўникиб, аксарият кўпчиликда унга нисбатан бефарқлик пайдо бўлди. Қисқача қилиб айтганда, у меҳнат муносабатларининг барча томонлар қабул қилган институционал нормасига айланиб борди. Норасмий бандлик бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликлари ва унинг оқибатида жамиятда юзага келиши мумкин бўлган кескин иқтисодий вазиятдан чиқиш, мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартиришнинг ўзига хос воситаларидан бирига айланди. Норасмий бандликни ўтиш даврида меҳнат бозорини ўз-ўзини тартибга солишнинг ўзига хос тезкор механизми сифатида қараш мумкин. Ўтиш даври қийинчиликлари шароитида, иш ўринлари қисқариб, ишсизлар сони кўпайиб бораётган шароитда аҳолининг бир қисми давлат органлари олдига ишга жойлашиш муаммоси билан расмий мурожаат қилмасдан, уни ўзлари мустақил ҳал этиши айни муддао ҳисобланади: ишсизлик даражаси пасаяди, давлатнинг харажатлари эса камаяди (рўйхатга олинган ишсизларга тўланадиган қўлланмалар ва хоказолар).

Турли манбаларда баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш шуни кўрсатдики, норасмий бандликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ижобий таъсири сифатида қуйидаги жиҳатларини асос қилиб оладилар:

➤ тежалган тўловлар ҳисобидан томонлар даромадларининг кўпайиши, турмуш даражасининг нисбий яхшиланиши;

➤ ишга жойлашиши ва ишдан бўшаш, ўзини иш билан мустақил таъминлаётганлар учун эса ўз фаолиятини ҳукукий асосда

²⁸ Терехова А.А. Неформальная занятость на Российском рынке труда. Авт. дисс. на соискание ученой степени канд. экон. наук. Кострома, 2007, 5-6.

расмийлаштириш билан боғлиқ вақтни тежаш, қоғозбозлик ва бошқа расмийятчилик ишлари билан боғлиқ сарф-харажатларни тежаш;

➤ ресурсларни жалб этишда, фаолият самарадорлигини оширишда оилавий ҳамда қариндошчилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик имкониятларидан фойдаланиш;

➤ амалдаги қонунчилик доирасида расмий фаолият олиб боришга бардош бераолмаётган ва ўзининг энг зарурий физиологик эҳтиёжларини қондириш учун норасмий бандликдан ўзга чораси қолмаган ёлланма ишчи ва тадбиркорларни (жумладан ўзини иш билан мустақил таъминлаётган тадбиркорлар, уларнинг оила аъзолари), иш ахтариб юрган ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш воситаси;

➤ ишчи кучининг тармоқлараро ва тармоқ ичидаги рақобатида ва кадрларнинг тассимланишида юқори мослашувчанлик (эластиклик)ка эришилиши;

➤ меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талаб ўртасида мувозанатга эришнинг омилларидан бири эканлиги;

➤ меҳнат бозорида, товарлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтиришга ёрдам бериши;

➤ иш берувчи ҳамда ёлланма ишчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари меҳнат шартномаси ҳамда буйруқ билан ёзма равишда расмийлаштирилмаганлиги ва уларнинг фақат оғзаки келушувга асосланганлиги томонларни ўз сўзи устидан чиқиш, ваъдасида туриш маданиятини ривожлантириши;

➤ мамлакатда ишсизлик даражасининг пасайиши.

Норасмий бандликнинг юқорида келтирилган ижобий томонларини инкор этиш мушкул. Аксинча, уларга қўшимча равишда норасмий банд бўлганларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда иштирок этиши, давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий харажатларининг тежалиши, ишсизлар учун янги иш ўринлари яратиб бериш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мажбурият ва масъулиятининг камайиши ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин. Ҳар қандай иқтисодий воқеа ва ҳодисанинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бўлганидек, норасмий бандликнинг ҳам салбий томонлари билан бир қаторда, унинг ижобий томонлари ҳам бор, албатта. Лекин норасмий бандликни ижобий феномен сифатида қабул қилиб, ундан жамият равнақи йўлида кенг фойдаланиш учун, ушбу бандлик

шаклининг барча ижобий ҳамда салбий томонларини тарозининг ички палласига қўйиш ва унинг айнан ижобий томонлари салбий жиҳатларидан устун эканлигини, у мамлакатга зарардан кўра кўпроқ фойда келтириши мумкинлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб бериш керак бўлади. Норасмий бандликнинг салбий ва ижобий жиҳатларига кейинчалик батафсил тўхталамиз, унга нисбатан ўз муносабатларимизни асослаб беришга уриниб кўрамиз. Лекин олдиндан ҳурматли китобхонларнинг диққатини бир нарсага жалб этмоқчимиз: норасмий бандликнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ва ўрнини баҳолашда авваломбор унинг мамлакатда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш бош мезон бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ҳар иккала нуктаи назар тарафдорларининг илмий қарашларини муфассал таҳлил қилишдан ва уларга оид ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдирашдан олдин, норасмий бандликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, унинг қайси бир макроиқтисодий кўрсаткичларга ва қандай йўналишда, микродаражада эса унинг корхона хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига, иш берувчи ҳамда ёлланма ишчиларнинг даромадларига, уларнинг ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатиш механизмларини очиб бериш жуда муҳимлигини эътиборга олиш лозим бўлади. Ушбу масалаларнинг муҳимлиги шу билан изоҳланадики, агар биз биринчи ёндашув тарафдорларининг фикрига қўшилиб, норасмий бандликни салбий воқелик деб қарайдиган бўлсак, келажакда норасмий банд бўлганлар улушини иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидagi улушини кескин камайтириш, аста-секин бутунлай бартараф этиш чораларини излаб топишимиз лозим бўлади. Бошқача ифодалаганда, норасмий бандликка қарши изчил кураш олиб боришимиз долзарб вазифага айланади. Норасмий бандликка қарши кураш давлатнинг иқтисодиётни тартиблашининг иқтисодий ҳамда маъмурий воситалари таркибида мустаҳкам ўрин эгаллаши лозим бўлади. Норасмий бандликка дахлдор бўлган, унга йўл қўйган барча шахслар, иш берувчилар; ёлланма ишчиларга нисбатан қатъий маъмурий ва иқтисодий жазо чоралари кўрилишга тўғри келади.

Аксинча, норасмий бандликни ижобий феномен сифатида тан оладиган бўлсак, яъни ушбу муаммо бўйича иккинчи нуктаи назар намоёндаларини қўллаб-қуватлайдиган бўлсак, ушбу бандликни

келажакда янада кенгайтириш, уни бандликнинг бошқа шаклларига нисбатан устун ривожлантириш, норасмий бандликдан фойдаланаётган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқишимиз ва амалиётга тадбиқ этишимиз лозим бўлади. Давлатнинг иқтисодий ва ҳамажон меҳнат муносабатларини тартиблаш сиёсати ҳам норасмий бандлик қўламларини кенгайтиришга, уни ҳар томонлама самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши лозим бўлади.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистонда норасмий бандлик иқтисодий ислохотлар жараёнида ўтиш даври қийинчиликлари билан маълум даражада боғлиқ равишда юзага келди. Ҳозирги кунда эса у мамлакат тарққиётида, жумладан меҳнат иқтисодиёти соҳасидаги муаммоларни ечишда фойдадан кўра кўпроқ зиён келтирмоқда, деб хулоса чиқарадиган бўлсак, хато бўлмайди. Лекин, бу ерда шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозимки, норасмий бандлик ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечирган Ўзбекистон миллий иқтисодиётигагина хос иқтисодий воқелик эмас. Норасмий бандлик, БМТнинг эътироф этганидек, бутун дунё мамлакатлари бўйлаб қўлами тобора кенгайиб бораётган ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатаётган иқтисодий ҳодиса ҳисобланади. Бандликнинг ушбу шакли нафақат қолоқ, балки ривожланаётган, ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам тобора кенг илдиз ёйиб бормоқда. Демак, норасмий бандлик илдизларини фақат ўтиш даври қийинчиликлари ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, айрим тадбиркорлар ҳамда ёлланма ишчиларнинг иқтисодий ночорлиги билан боғлаш унчалик тўғри бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида соҳадаги меҳнат муносабатларида кенг тарқалган бундай ҳолатдан иш берувчи тадбиркор ҳам, ёлланма ишчи ҳам маълум даражада манфаатдор, чунки давлат бюджетига ва бандлик фондига тўланадиган турли тўловлар бўйича харажатлар тежаллади. Ўтказилган тадқиқотлар бундай тўловлар хўжалик субъектлари умумий даромадининг анча қисмини ташкил этаётганлигидан далолат беради.

Лекин аграр секторнинг меҳнат бозорида шаклланган бундай муносабатлар тадбиркор (иш берувчи) ва корхонада ёлланиб ишлаётган ишчилар учун расмий тўлов ва харажатларни тўламаслик эвазига маълум даражада иқтисодий самара бераётган бўлсада, жамият нуқтаи назаридан, бундай ҳолат катта йўқотишларга ва,

пировард натижада, умумий самарасизликка олиб келади. Бозор муносабатлари қарор топган, ижтимоий-иқтисодий юксалишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, барқарор ва ишончли иқтисодий ўсишга юз тутган мамлакатда миллий иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат соҳасидаги муносабатлар ҳар қандай тартибсизлик ва нуқсонлардан ҳоли, юқори маданийлашган ва ибратли, барча бозор субъектлари манфаатлари (фақат иш берувчи ва ёлланма ишчиларнинггина эмас) нуқтаи назаридан самарали бўлмоғи лозим. Фикримизга кўра, агар масалага янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, меҳнат муносабатлари ва меҳнат бозорини тартибга солишдаги мавжуд камчилик ва нуқсонлар, жумладан норасмий бандлик, нафақат жамият ва давлат, балки ҳозирги кунда шундан маълум моддий манфаат кўраётган иш берувчи ва ёлланма ишчилар учун ҳам анчагина йўқотишларни ва салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Норасмий бандликнинг бозор иқтисодиётининг барча субъектлари, яъни жамият (давлат), хўжалик субъектлари ва ёлланма ишчилар учун салбий оқибатларини алоҳида-алоҳида асослашга уриниб кўрдик. Бизнингча, улар қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Давлат ҳамда жамият нуқтаи назаридан:

- давлат бюджетига тушадиган турли хил солиқлар (даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва бошқалар) ва тўловлар камаяди;

- бандлик фондига ҳамда нафақа жамғарма фондига тушадиган тўловлар миқдори камаяди;

- аҳоли бандлиги ва ишсизлик билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни (миллий иқтисодиётда ва унинг алоҳида тармоқларида банд бўлганлар сони тўғрисида аниқ статистик ҳисоб олиб боришда, бандлик даражасини аниқлашда, ишсизлар сони ҳақида аниқ маълумотлар тўплашда, ишсизлик даражасини ҳисоблашда, ишчи ходимларнинг иш ҳаққи шаклидаги даромадларини аниқлашда ва ҳоказолар) ҳисоблашда жиддий хатоларга олиб келадиган муаммо ва қийинчиликлар пайдо бўлади. Мамлакатда миллий иқтисодиётда банд бўлганлар ва ишсизлар тўғрисида аниқ, ишончли статистик маълумотлар бўлган тақдирдагина, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда ишсизлар сонини камайтиришга қаратилган аниқ ва яхши самара берадиган макроиқтисодий сиёсат олиб бориш ва унга хос чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бандликни тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситаларини қўллаш мумкин;

- меҳнат муносабатларининг назорат доирасидан чиқишига олиб келади;

- норасмий бандлик, яъни меҳнат муносабатлари соҳасида ва меҳнат бозорини бошқаришда ўрнатилган қонун-қоидаларга амалда риоя қилмаслик, умуман олганда, ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган давлат сиёсатига мос келмайди, кишиларда қонун-қоидага итоат қилмаслик, уларни менсимаслик, имконият пайдо бўлганда ўрнатилган тартиб, қонун-қоидаларни бузиш кайфиятини туғдиради;

- норасмий бандлик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига, демак, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади.

2. Иш берувчи (фермер) нуқтаи назаридан:

- норасмий бандлик юридик жиҳатдан амалдаги қонунчиликка зид бўлганлиги, фермер қонунга хилоф тарзда тўлов ва мажбуриятларни тўла бажармаганлиги учун ҳамиша у қонун олдида жавобгар шахс сифатида, вақти келганда қонуний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган потенциал жиноятчи сифатида ўз фаолиятини амалга оширади. Натижада унинг давлат солиқ инспекцияси ходимлари, ҳокимият ходимлари, бошқа давлат назарий органлари ходимларидан қарамлиги ошади, улар олдида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни оёқ ости бўлишига муносиб қаршилиқ кўрсатиш имкониятлари кескин пасаяди;

- норасмий банд бўлганларга нисбатан уларни меҳнат натижаларини моддий рағбатлантиришнинг (мукофотлаш, йил якунларига қараб тақдирлаш, иш стажига қўшимча ҳақ тўлаш ва ҳоказолар) ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг (фахрий ёрлик, ташаккурнома, ҳурмат тахтаси ва ҳоказолар) самарали тизимларини қўллаш ва шу йўл билан корхона фаолияти самарадоргини ошириш имкониятидан маҳрум бўладилар;

- норасмий банд бўлган, фермер хўжалигига қонуний тарзда тегишли ҳужжатлар билан юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган кадрларни бошқариш, улардан масъулият билан сифатли иш бажаришни талаб қилиш, пайти келганда ўз масъулиятсизлиги оқибатида фермер хўжалиги фаолиятига моддий зиён келтирган ишчиларни қонуний жавобгарликка тортиш ёки маъмурий чора

кўриш ва бошқа соҳаларда катта қийинчиликлар, муаммолар пайдо бўлади;

- норасмий бандлар кадрлар қўнимсизлигини кучайтиради. Кадрлар қўнимсизлиги эса фермер хўжалиги фаолиятининг иктисодий самарадорлиги кўрсаткичларига катта салбий таъсир кўрсатади;

- корхона ижтимоий ҳимояга ўта мухтож ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаётган ва ишсизларни ишга жойлаштириш учун янги иш ўринларини яратаётган тадбиркорларни рағбатлантириш ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлади (аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири²⁹);

- норасмий бандлар учун ишчилар меҳнати ҳамда фермер хўжалиги фаолияти натижалари ўртасидаги боғлиқликни таъминлайдиган моддий рағбатлантиришнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш имкониятлари чегараланган бўлади.

3. Ёлланма ишчи нуқтаи назаридан:

- баркарор, ишончли иш ўрнининг, демак, даромад топишнинг аниқ манбаи бўлмаганлиги ёлланма ишчининг руҳиятига, унинг эртанги кунга ишончига катта салбий таъсир кўрсатади;

- норасмий меҳнат фаолияти кўрсатаётган ёлланма ишчилар вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, тегишли тарзда моддий қўлланма олиш имкониятидан маҳрум бўладилар;

- норасмий банд бўлганлар иш берувчи оғзаки келушув шартларига риоя қилмаган, ўз ваъдасига турмай уни бузган тақдирда, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида назорат органларига тегишли тарзда мурожаат этиш имкони бўлмайди;

- норасмий бандлар ижтимоий суғурталаш, шунингдек, ишдан кетганда вақтинча қўлланма билан таъминланиш имкониятига эга эмаслар;

- норасмий бандлар меҳнатда юқори натижаларга эришганликлари учун маънавий рағбатлантириш воситалари (масалан, ҳурмат тахтаси, мақтов ёрликлари, медал, орден ва бошқалар) билан тақдирланиш имкониятидан маҳрум бўладилар;

²⁹ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 1998 йил. 1 май, 5-модда, 3-б.

- норасмий банд бўлган ёлланма ишчилар нафақа ёшига етганда ва ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш имкониятлари пасайиб кетганда муҳим даромад манбаи бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган нафақа жамғарма фондига чегирмалар кўшиб боришни амалга ошира олмайдилар ва ўзларини қариганда яшаш манбаи билан таъминланиш имкониятларидан маҳрум этадилар;

- норасмий банд бўлганлар ўз меҳнатларининг пировард натижаларига масъулиятсизлик билан бефарқ қарайдиган, эътиборсиз бўлиб қоладилар ва натижада улар ўз малакаларини оширишга, меҳнат сифатини яхшилашга қизиқиш билдирмайдиган бўлиб қоладилар;

- норасмий банд бўлганлар ўзларига муносиб шогирд тайёрлаш, ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатиш, меҳнат жамоаси ўртасида устоз сифатида обрў-эътиборга эга бўлиш имкониятидан маҳрум бўладилар.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳаза муҳим бир хулоса чиқариш учун асос бўлади. Агар норасмий бандлик муаммосига чуқур ёндашадиган бўлсак, юзаки олганда ундан манфаатдор бўлган икки субъект (иш берувчи ва ёлланувчи) учун ҳам у ижобий самара бермайди. Масалага жиддий қарайдиган бўлсак, мажбурий тўловларни тежаш, тўламасликдан қўлга киритилган вақтинчалик иқтисодий самара унинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган салбий самарадан кам бўлиб чиқади.

Бизнингча, бозор иқтисодиёти шароитида мазмун жиҳатидан ҳам, барча ўлчамлари жиҳатидан ҳам тобора ўзгариб бораётган ва бугунги кунда асосли равишда кўп тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган норасмий бандликнинг бозор механизмларидаги ўрни ҳамда функциялари, унинг ижобий ва салбий томонларига баҳо беришда, энг аввало, унинг аслида келиб чиқиш ва ҳозирги кунда тобора авж олиб, кенгайиб бориш сабабларини чуқур ўрганиш, асосларини излаб топиш лозим.

Иқтисодиёт назариясининг замонавий концепцияларида ушбу хусусда фикр мулоҳазалар кўп ва турли туман бўлиб, улар жуда кенг назарий илмий қарашларни, турли хил ёндашувларни, бой, кўп ҳолларда бир-бирига мувофиқ бўлмаган ҳаттоки қарама-қарши фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олади.

Масалан, неоклассик таълимот намоёндалари яширин иқтисодиётни ҳамда яширин бандликни бевосита инсон табиатидан

келтириб чиқаришга интиладилар. Уларнинг фикрича, инсонга ўз эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш, ўз турмуш даражасини яхшилашга табиий интилиш хос бўлиб, ана шу интилиш уни расмий доирадан чиқиш ва иқтисодий муносабатларнинг ҳукукий меъёрларини бузишга мойиллик келтириб чиқаради. Кўриниб турибдики, ушбу ёндашувда норасмий бандликнинг сабабларини тушунтиришда инсон эҳтиёжлари ва уни қондиришга бўлган табиий интилиш асос қилиб олинган. Дарҳаққиқат, норасмий бандликнинг ҳам иқтисодий соҳадаги бошқа барча хуфёна ҳаракат ҳамда қонунбузарликларнинг ҳам асосий мотиви индивиднинг ўз моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш мақсадидаги табиий интилишлари, унинг шахсий манфаатлари ҳисобланади. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, бундай умумий ёндашув норасмий бандликнинг туб моҳиятини очиб бериш, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролига баҳо бериш, унга нисбатан сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш имконини бермайди.

Неоклассик таълимот намоёндалари ёндашувидан фарқли ўлароқ, Ғарб иқтисодчилари ривожланган мамлакатларда яширин иқтисодиётнинг, демак, яширин бандликнинг, келиб чиқиши ва кўлами кенгайишининг бир неча омилларини кўрсатадилар:

- солиқ юкининг оғирлиги (кишилар юқори солиқларни тўлашдан қочадилар);

- олинадиган даромадларнинг пастлиги (аҳоли қанча қашшоқ бўлса, уни яширин секторда фаолият олиб бориш эҳтимоли ҳам шунча кучаяди);

- иш вақтининг узунлиги (иш вақти қанча қисқа бўлса, кишиларда норасмий секторда ишлаш учун шунча кўп вақти бўлади);

- ишсизлик даражаси (ишсизлик қанча юқори бўлса, одамларда хаттоки хуфёна иқтисодий фаолиятни амалга ошириб бўлса ҳам, ўзини таъминлашга интилиши кучаяди).

- давлатнинг иқтисодиётдаги роли (давлат секторининг миллий иқтисодиётдаги улуши қанча кўп бўлса ва иқтисодиётни тартибга солишдаги роли қанча кучли бўлса, тадбиркорларда қатъий давлат назоратидан қочиш ва яшириниш кайфиятлари ҳам шунча кучли бўлади)³⁰.

³⁰ Экономика труда. Дарслик д.э.н., проф. И.А.Волгин. д.э.н., проф. О.Г.Одеговлар умумий таҳрири остида. М. Экзамен, 2012, 184-185-б

Ушбу ёндашувда норасмий бандликнинг келиб чиқиш сабаблари нисбатан чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилган. Хусусан, норасмий бандликнинг келиб чиқиш сабаблари рўйхатига солиқ юкининг оғирлиги биринчи ўринни эгаллаб турганлиги эътиборга молик. Ҳақиқатан ҳам айнан солиқ ставкаларининг ҳаддан ортиқ юқорилиги ёлланма ишчиларни ҳам, иш берувчиларни ҳам солиқ тўлашдан қочиш йўлларини излашга мажбур қилади. Бизнингча, бу ерда солиқ тўловчиларнинг хулқ-атвори нафақат уларнинг иқтисодий манфаатлари билан, балки юқори солиқ ставкалари қўлланилиши натижасида ижтимоий адолатнинг бузилаётганлигидан норозиликлари билан ҳам изоҳланади. Таниқли Америкалик иқтисодчи А.Лаффернинг фикрига кўра, солиқ ставкалари 55 фоиздан юқори бўлса, хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатдорлиги пасайиб кетади³¹. Демак, хўжалик субъектлари ўз фойдасининг ярмидан зиёдроғини солиқ тариқасида давлат бюджетига тўлайдиган бўлса, унда солиқ тизимидан норозилик кайфиятлари кучаяди, солиқ тўловчилар табиий равишда ундан қутилиш йўлларини излаб топишга ҳаракат қиладилар.

Шу билан бир қаторда, Ғарб иқтисодчиларининг норасмий бандликнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисидаги илмий курашлари айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, уларнинг иш вақти қанча қисқа бўлса, кишиларда норасмий секторда ишлаш учун шунча кўп вақти бўлиши тўғрисидаги фикрларига қўшилиш кийин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иқтисодиётда норасмий банд бўлганларнинг аксарият қисми — асосий иш жойида банд бўлганлардир. Улар учун эса иш вақтининг қисқа ёки узунлиги бандликнинг айнан шу шаклини танлаш масаласида ҳеч қандай ёки деярли рол ўйнамайди. Икки, баъзан уч жойда ишлаб ҳам, шулардан локал бирортасида бандликни расмийлаштирмаган ҳолатлар ҳам учраб туради. Иш вақтининг қисқалиги бандликнинг шаклига сезиларли таъсир кўрсатган тақдирда, икки ёки уч жойда банд бўлган ёлланма ишчи иш жойларининг ҳеч бўлмаганда бирини қонуний келиб расмийлаштирган бўлар эди.

Ушбу концепция тарафдорларининг давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли қанча кучли бўлса, тадбиркорларда давлат қатъий назоратидан қочиш ва яшириниш кайфиятлари ҳам, демак,

³¹ Заллиман Э.З. Общая экономическая теория. — М.: Омега — Л; Новосибирск: Сибирское соглашение, 2005, 384.

уларнинг норасмий бандликка мойилликлари ҳам шунча кучли бўлади, деган фикрлари ҳам ҳақиқатдан анча йироқ бўлиб, жиддий танқид ва эътирозларга дош бера олмайди. Бизнинг назаримизда, аксинча, ҳукукий базанинг номукаммаллиги, меҳнат муносабатларини, умуман, иқтисодиётни тартибга солишда давлат сиёсатининг роли пастлиги, давлат органларининг меҳнат бозорида назорат функцияларининг кучсизлиги бандликнинг норасмий шаклларида фойдаланиш учун реал имконият туғдириб беради. Бизнинг назаримизда, бандликни расмийлаштириш муаммоларини фақат бозор механизмлари ихтиёрига ташлаб қўймасдан уларни ечишда давлат томонидан иқтисодиётни тартиблашнинг маъмурий ҳамда иқтисодий воситаларидан самарали фойдаланиш норасмий бандлик даражасини пасайтиришнинг энг мақбул ва асосий йўлларида бири.

Фикримизнинг исботи сифатида асари кўп тилларга таржима қилинган ва иқтисодчиларда катта қизиқиш уйғотган Эрнандо де Сотонинг норасмий бандликнинг сабаблари хусусидаги илмий қарашларини келтирмоқчимиз. Унинг ушбу асарида баён этган фикрига мувофиқ, хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида амалдаги қонунларга риоя қилиш ҳаражатлари уларга риоя қилишдан олинадиган нафдан кўра юқори бўлган тақдирда тадбиркорлар хуфёна фаолиятга ўтадилар. Демак, хуфёна иқтисодиёт бу “ёмон қонунлар” қабул қилинганининг, яъни давлатнинг иқтисодиётни самарали бошқара олмаётганлигининг, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ўйин-қоидаларининг номукаммаллигининг натижасидир³².

Норасмий (яширин) бандлик ва унинг тобора кенгайиш сабаблари тўғрисида хорижлик иқтисодчиларнинг юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалари ҳамда вақтни тежаш мақсадида матнда келтирилмаган бошқа айрим қараш ва ёндашувларни таҳлил қилар эканмиз, улардаги ижобий жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу ёндашувларда айрим жиддий камчиликлар мавжудлигини, айниқса норасмий бандликнинг туб моҳиятини очиб беришда муҳим масалалар эътибордан четда қолганлигини қайд этмоқчимиз. Бизнинг назаримизда, норасмий бандликнинг келиб чиқиш ҳамда тобора кенг илдиз ёзиб бориш сабаблари анча чуқур ва уни юқорида қайд этганимиздек, фақат инсоннинг ўз табиий эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши ёки, айтайлик, корхона хўжалик фаолиятини

³² Де Сото Э. Иной путь. Невидимая революция в третьем мире. М.: Catallaxy. 1995 й 12,18,19 бб.

тартибга солишга қаратилган қонунларнинг номукамаллиги билан боғлаш ва келиб чиқиш сабабларини фақат улар билан изоҳлаш кифоя қилмайди.

Бошқа барча иқтисодий тизимларга нисбатан катта афзалликларга эга бўлган, лекин айрим нуқсонлардан ҳам ҳоли бўлмаган бозор ҳўжалигининг энг катта камчиликларидан бири — жамият аъзолари ўртасида моддий табақаланишнинг кучайиши³³. Моддий табақаланиш аҳолининг нафақат истеъмол қилишдаги (еб ичиш, кийиниш, яшаш шароитлари, дам олиш, сифатли хизматлардан фойдаланиш) ҳамда турмуш даражаси ва сифатида (бой, ўрта ҳол, кам таъминланган, қашшоқ) тафовутларда, балки у ёки бу шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиш имкониятларида ҳам намоён бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг бир қисми иш берувчи (тадбиркор), яна бир қисми ишга ёлланувчи, қолгани эса индивидуал асосда ўзини мустақил иш билан таъминлаб, тадбиркорлик билан шуғулланадиган кишилардир. Иш берувчиларнинг ўзини ижтимоий ишлаб чиқаришдаги мавқеи ҳамда ихтиёридаги капитали, корхонада ёлланиб ишлаётган ишчи-ходимлар сонига қараб ҳам бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Амалиётда, умумлаштирган ҳолда, ижтимоий ишлаб чиқаришда иш берувчи сифатида иштирок этаётган барча субъектлар шартли равишда уч гуруҳга бўлинган: кичик бизнес, ўрта бизнес ва йирик бизнес соҳасидаги тадбиркорлар. Лекин бу гуруҳларнинг нафақат бир-бирига нисбатан, яъни ўзаро, балки ҳар бири доирасида ҳам кучли моддий табақаланиш мавжуд. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўз ихтиёридаги кичик корхонада (микрофирма, фермер ҳўжалигида) атиги бир ёки икки нафар ишчини ёллаб ёки оила аъзоларини ишлатиб, ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаганлиги сабабли, тадбиркорликдан топаётган даромадлари ҳисобидан ўз оиласини аранг боқаётган тадбиркорлар билан ўрта ва йирик даражасига кўтарилган корхонасида эллик, юз, айтайлик, беш юз ишчи-ходимлар ишлаётган тадбиркорлар ўртасидаги моддий табақаланиш даражасини, улар ўртасидаги моддий имкониятлар ва тафовутларни тасаввур қилиш унчалик қийин бўлмаса керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат тадбиркор тоифасидаги, балки ёлланма ишчи тоифасидаги кишилар ҳам ўзларининг жорий

³³ Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимнинг афзалликлари ва нуқсонлари "Иқтисодий назарияси" фани дарсликлари ва бошқа адабиётларда батафсил ёритилган.

даврдаги даромадлари, ҳозирга қадар тўплаган жамғарма ва бойликларига қараб, моддий жихатдан кескин табақаланган. 2013 йилда дунё бўйича 839 млн. ишчилар ва уларнинг оила аъзолари кунига ўртача 2 АҚШ долларида паст, 375 млн ишчилар ва уларнинг оила аъзолари эса 1,25 АҚШ долларида паст даромад эвазига кун кечирган. Айни бир пайтда, шундай ёлланма ишчилар ҳам борки, (масалан, менеджер, юқори малакали мутахассислар ва ҳоказо), уларнинг ўзлари ва оила аъзоларининг тўқ, фаровон ҳаёт кечириши учун сарфланадиган маблағлар ойлик маошининг озгина қисмини ташкил этади, холос. Ёлланма ишчиларнинг жорий даврдаги даромадлари (иш ҳаққи ёки меҳнатдан келган бошқа даромадлар) қаерда, кимда, ишни қандай бажараётганларига, қолаверса, ишлаб турган корхонада олиб борилаётган иш ҳаққи сиёсатига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ, Ёлланма ишчи ихтиёридаги жамғарма ва бойликлар ҳам бир неча омилларга (истеъмолга ва жамғаришга мойиллик, мерос ва бошқалар) узвий боғлиқ.

Юқоридаги фикрлардан хулоса шундан иборатки, дунё мамлакатлари миқёсида кенг тарқалган норасмий бандлик сабабларини, неоклассик концепция намоёндалари каби, инсон табиатидан келтириб чиқариш – бу мураккаб масалага бир томонлама ёндашиш, демакдир. Ушбу омил ҳам норасмий бандликка таъсир этувчи омиллардан бири бўлсада, унинг асосий сабабчиси, бизнинг назаримизда, бозор муносабаталарига асосланган иқтисодий тизим, унга ҳос бўлган тадбиркорлар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги ва уларнинг ҳар бири таркибидаги моддий табақаланишдир. Бу табақаланиш қай даражада кучли бўлса кам даромадли табақаларда жамиятдан норозилик кайфиятлари шунча кучаяди, демак уларда норасмий бандликка интилиш ҳам шунча кучаяди. Энг минимал иш ҳаққи миқдорини яшаш минимумидан юқори бўлишини таъминлаш, “яхши қонунлар” қабул қилиб, уларни амалда самарали қўллаш, солиқлар юқини камайтириш ва назоратни кучайтириш ва бошқа барча чора-тадбирлар норасмий бандлик даражасини муайян даражада пасайтириши мумкин, лекин уни батамом бартараф қилолмайди. Модомики, жамиятда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим ҳукмронлик қилар экан, моддий табақаланиш бўлади, модомики моддий табақаланиш бор экан, муайян даражада норасмий бандлик ҳам бўлади.

Бизнингча, норасмий бандликнинг келиб чиқиш ва кенг тарқалиш асосий сабабларидан яна бири, юқорида қайд этганимиздек, бозор иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантиришдан иборат. Бозор хўжалигига ўтиш муносабати билан иқтисодий фаолият субъектларига берилган эркинликлар меҳнат ва бандлик соҳасидаги тартиб-қоидаларни ҳам тубдан ўзгартириб юборди, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам бозор талабларига мослаштирди. Айниқса, фуқаролар учун меҳнат қилиш мажбурийлигининг бекор қилиниши ҳамда уларга бандлик шакли ва иш соҳасини эркин танлаш ҳуқуқининг берилиши меҳнат иқтисодиётига ва меҳнат бозори иштирокчиларига жуда кучли таъсир кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида мамлакат фуқаросининг меҳнат соҳасидаги эркинлиги шундай акс эттирилган: “Ҳар бир киши меҳнат қилиш, эркин иш ўрнини танлаш ва қонунда ўрнатилган тарзда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга³⁴”. Асосий Қонунда белгиланган бу эркинликлар бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда бу хусусда шундай ёзилган: “Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. ... Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди” (2-модда)³⁵. Ушбу Қонунда мамлакат барча фуқаролари учун тенглик асосида меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини таъминлаш бандлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири эканлиги қайд этилган (5-модда)³⁶.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар жараёнида меҳнатга лаёқатли шахслар учун меҳнат қилиш мажбурийлигининг бекор қилиниши, барча фуқароларга ишлаш ва иш танлашда берилган эркинликлар ишчи-ҳодимларнинг меҳнатга, иш ўрнига муносабатларини ижобий томонга кескин ўзгартирди. Лекин бу эркинликлар норасмий бандлик кўламларининг кенгайишга жиддий таъсир кўрсатди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлиги даврида меҳнатга лаёқатли барча фуқаролар бирон-бир жойда ишлаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишга мажбур эдилар. Чунки

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон,...

³⁵ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: 1998, 1 май, 1-б.

³⁶ Ўша ерда, 3-б.

бекор юриш қонун билан ман этилган, қонунни бузганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин эди. Бу эса режали иқтисодиёт шароитида норасмий бандликни чеклаш, унинг олдини олиш, ривожланиб кетишига йўл қўймасликнинг оддий, лекин ишончли чораларидан бирига айланди. Ўша даврларда норасмий меҳнат иқтисодиётда расмий равишда банд бўлганларнинг асосий иш жойларидан бўш вақтлари ҳисобидан ҳамда меҳнатга лаёқатсиз шахслар (балоғат ёшига етмаганлар, ногиронлар, нафақадаги кишилар) томонидан амалга оширилган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги эркинликларини таъминлаш мақсадида ишлаш ёки ишламаслик ҳуқуқининг шахснинг ихтиёрига берилиши норасмий бандликнинг кенгайиши учун замин яратиб берди: ишламасликни ихтиёр қилган шахс ниқоби остида жуда кўп ижтимоий меҳнат тақсимотида иштирок этиб, даромад топаётганлар норасмий бандлар сафига қўшилиб қолдилар. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида норасмий бандлар улуши кўпайиб боришининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, норасмий бандликнинг ўзига хос шакллари қишлоқ аҳолисининг тўла бандлигига даъворгарлик қилган собиқ шўролар ҳукумати ҳукмронлиги даврларида ҳам қишлоқ аҳолисининг даромадларини шакллантиришда жуда катта рол ўйнаган. Фикримизнинг далилий исботи сифатида қуйидаги расмий статистик маълумотларни келтириш мумкин. 1990 йилда собиқ советлар мамлакати бўйича колхозчи оиласининг умумий даромадлари таркибида унинг ёрдамчи хўжалигидан олган даромадлари 25,6 фоизни ташкил этган. Ваҳоланки, колхозчининг колхоздан олган даромади унинг жами даромадларининг 51,3 фоизини ташкил этган (қолган 31,4 фоизи эса бошқа манбалар, яъни нафақа, стипендия, ижтимоий истеъмол фондлари ва ҳақозо улушига тўғри келади)³⁷. Ўша даврларда мамлакат аҳолисининг аксарият қисми ($2/3$ қисми) қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 34 фоиздан ортиқроғи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган Ўзбекистон учун ёрдамчи хўжаликларнинг аҳоли даромадларини шакллантиришдаги роли бундан ҳам юқорироқ бўлганлиги

³⁷ Народное хозяйство СССР в 1990 г.: Статистический ежегодник / Госкомстат СССР. – М.: Финанси и статистика, 1991, 114-б.

эҳтимолдан йироқ эмас. Собик режали иқтисодий тизим даврида норасмий бандлик нафақат қишлоқ жойларида, балки шаҳарларда ҳам муайян даражада мавжуд эди. Шаҳар аҳолисининг анча қисми ижтимоий ишлаб чиқаришдан бўш вақтларида яширин тарзда аҳолига ҳар хил хизматлар кўрсатиш ёки иқтисодиётнинг норасмий секторида халқ истеъмоли товарларини хуфёна ишлаб чиқариш билан шуғулланганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш жараёнида, айниқса, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида, норасмий бандликнинг кўлами, таркиби, табиати, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли кескин ўзгарди. Ўтиш даври қийинчиликлари таъсири остида норасмий бандлик ҳали тўла маданийлашмаган меҳнат бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлади, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Хулоса қилиб айтганда, норасмий бандлик мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга сезиларли таъсир кўрсатадиган, унинг миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини белгилашда салмоқли рол ўйнайдиган даражада кенгайди.

Мулкнинг давлат монополиясидан чиқарилиши ва унинг қисман хусусий тадбиркорлар ихтиёрига ўтиши, бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритишда тадбиркорларга берилган эркинликлар меҳнат муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди, уларни босқичма-босқич бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштирди. Фуқаролар учун меҳнат қилиш мажбурийлигининг бекор қилиниши ҳамда уларга иш соҳасини ва бандлик шаклини эркин танлаш ҳуқуқининг берилиши ҳам меҳнат муносабатларига жуда катта жиддий таъсир кўрсатди. Янги, энди шаклланиб келаётган бозор иқтисодиёти шароитида, норасмий бандлик ҳали “оёққа” туриб олмаган тадбиркорлар учун ҳам, ўтиш даври қийинчиликларидан азият чекаётган ёлланма ишчилар, хусусан, иш ахтариб юрган ишсизлар учун ҳам кўпгина муаммоларни ҳал этишнинг, биринчи навбатда ҳали барқарорлашмаган даромадларини кўпайтиришнинг кулай воситаси сифатида майдонга чикди.

Ўша оғир даврларда норасмий бандлик ўтиш иқтисодиёти қийинчилик ва муаммоларини узил-кесил ва фурсатни бой бермай ечишда маълум даражада ижобий рол ўйнаган бўлса ҳам ажаб эмас. Янги шароитда унинг мазмун-моҳияти, табиати, ривожланишнинг

ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишдаги роли тубдан ўзгарди, деб ҳулоса чиқаришга барча асосларимиз бор. Биз томонимиздан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш жараёнида норасмий бандликнинг сабаблари, мотивлари ўзгарди ва, улар билан бирга, норасмий банд бўлганларнинг сони, таркиби, даромадлари ва бандликнинг ушбу шаклига нисбатан барча бозор субъектларининг, айниқса иш берувчи ва ёлланма ишчиларнинг муносабатлари ҳам кескин ўзгарди.

1.4. Норасмий бандликнинг хусусиятлари ва турлари

Норасмий бандликнинг юзага келиши, унинг тобора кенгайиб бориши, бугунги кунда меҳнат муносабатлари таркибида энг долзарб муаммолардан бирига айланиши асл сабабларини аниқлаш, унинг кўламларини баҳолаш ушбу бандлик шаклининг туб моҳиятини очиб беришни, биринчи навбатда, унга тўғри таъриф беришни тақозо этади. Бошқача иборалар билан ифодалаганда, авваламбор норасмий бандликнинг ўзи нима эканлигини назарий жиҳатдан аслаб бериш, яъни унинг таърифини ишлаб чиқиш зарур.

Кейинги йилларда дунё мамлакатлари амалиётида норасмий бандлик тобора кенг авж олаётганлиги сабабли, унинг келиб чиқиш омиллари ҳамда оқибатлари ҳақида илмий тадқиқотлар, чоп этилган монография ва илмий мақолалар, ҳар хил фикр мулоҳазалар кўп ва турли-тумандир. Уларнинг сони кун сайин кўпайиб, мазмун-моҳияти ва кўлами ҳам кенгайиб бормоқда.

Мавзуга оид чоп этилган манбаларда норасмий бандлик норасмий иқтисодиётнинг таркибий қисми эканлиги алоҳида қайд этилган. Ушбу назарий ҳулосага эътироз билдириш қийин. Сабаби, норасмий бандлик бор жойда ишлаб чиқариш ҳам норасмий бўлади ва, аксинча, қонуний жиҳатдан расмийлаштирилмаган ишлаб чиқаришда банд бўлганлар фақат норасмий банд бўлганлардир, яъни норасмий иқтисодиётнинг мавжудлиги норасмий бандлик бўлишини, тақозо этади норасмий бандликнинг мавжудлиги эса норасмий иқтисодиёт борлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиёт саҳифаларида норасмий иқтисодиёт турли иборалар билан номланган. Буларнинг таркибида энг кўп учрайдиганлари “хуфёна иқтисодиёт”, “яширин иқтисодиёт”,

“тартибсиз иқтисодиёт”, “қора иқтисодиёт”, “иккиламчи иқтисодиёт” ва бошқалар. Айнан бир иқтисодий воқеликнинг турли иборалар билан номланишининг ўзи бу борада мутахассислар ўртасида ханузгача яқдилликнинг йўқлигидан далолат беради. Бу борада рангба-ранг гипотеза ва илмий қарашларнинг мавжудлиги норасмий иқтисодиётни таърифлашнинг методологик асосларини ишлаб чиқишга ҳалақит беради. Ушбу долзарб муаммони ҳал этишнинг йўлларида бири сифатида расмий сектордан ташқарида бўлган барча иқтисодий фаолият турларини умумлаштирувчи асос битта эканлигини, яъни уларнинг расман давлат рўйхатидан ўтмаганлигини инobatга олиб, барчасини бир ном билан, яъни норасмий иқтисодиёт, ушбу секторда банд бўлганларнинг барчасини эса норасмий бандлар деб номлаш мақсадга мувофиқ. Шунда миллий иқтисодиёт икки қисмдан: расмий сектор ва норасмий сектордан, унда банд бўлганлар эса расмий бандлар ва норасмий бандлардан таркиб топган бўлади. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг барчасини расмий жиҳатдан банд бўлганлар ва норасмий бандларга ажратиб ўрганиш норасмий бандлик кўламларини тўғри баҳолаш, унга қарши курашнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш имконини яратади, диққат-эътиборни беҳудага иккинчи даражали масалаларга қаратишдан сақлайди.

Норасмий иқтисодиёт кенг маънодаги тушунча бўлиб, у иқтисодиётнинг турли секторларидан таркиб топган. АҚШлик иқтисодчи Дж. Томас норасмий иқтисодиётнинг учта секторини ажратиб кўрсатган: уй хўжалиги (ички истеъмол учун ишлаб чиқариш); норасмий сектор; мунтазам бўлмаган сектор³⁸. Россиялик иқтисодчи С.Ю. Барсукова норасмий иқтисодиётнинг 4 та таркибий қисмларини қайд этган: криминал иқтисодиёт, хуфёна иқтисодиёт, ҳадя иқтисодиёти, уй иқтисодиёти³⁹. Бунга ўхшаш ёндашувлар тафсилотларини баён этишни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Норасмий бандликка берилган таърифлар бир-биридан унча кескин фарқ қилмайдилар. Тадқиқотчилар норасмий бандликка берган таърифларида унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини асос қилиб оладилар. Адабиётларда умумий тарзда норасмий бандликка

³⁸ Thomas J. *Informal Economic Activity*. Michigan: The University of Michigan Press. 1992. 186

³⁹ Барсукова С.Ю. *Неформальная экономика: экономика-социологический анализ*. -М.: изд. Дом ГУ ВШЭ, 2004, 38-б.

куйидагича таъриф берилган: “Норасмий бандлик рўйхатга олинмаган меҳнат фаолияти бўлиб, у тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган бўлади”⁴⁰.

Лекин мавжуд адабиётлар саҳифаларида келтирилган норасмий бандлик таърифларида иқтисодий жиҳатлари тўла акс эттирилмаган. Ваҳоланки, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида қонун ҳужжатларида иш билан бандлик – бу фуқароларга айнан даромад келтирадиган фаолият эканлигини қайд этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда унга шундай таъриф берилган: “Иш билан таъминланиш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтисой эҳтиёжларин қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳаққи (меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир)”⁴¹. Шу сабабли фуқарога иш ҳаққи сифатида даромад келтирмайдиган ҳар қандай меҳнатни ҳам бандлик, иш билан таъминланганлик тоифасига киритиш мумкин эмас. Масалан, табиати тоза кишилар ҳовлидан ташқари кўча бетларини шипириб юрадилар, ночор, ногирон одамларнинг уй-рўзғор ишларига кўмаклашиб, муайян ишларни бажарадилар, ўтганларни эъзозлаб, савоб учун қабристонни обод қиладилар, бошқа жамоа ишларини бажарадилар. Лекин бу меҳнат фаолиятлари уларга ҳеч қандай даромад келтирмайди. Бундай шахсларни, табиийки, бажарган ишларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирмаганликлари учун норасмий бандлар тоифасига киритиш мумкин эмас.

Юқоридагиларни инобатга олган норасмий ҳолад бандликка куйидагича таъриф бериш тўғри бўлади: “Фуқароларга иш ҳаққи (меҳнат даромади) сифатида даромад келтирадиган, лекин рўйхатга олинмаган, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган бандлик норасмий бандлик деб айтилади”.

Норасмий бандликнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

➤ томонлардан бирига ёки ҳар иккала томонга моддий манфаат келтирадиган, уларни турли хил тўловларни тўламаслик ёки қисман тўлаш эвазига харажатларни камайтириш имконини берадиган бандлик;

⁴⁰ Тарасова А.Н. Неформальная занятость на рынке труда. Авт. дисс. на соиск. уч. степени канд. соц.наук. Тюмень. 2004. 17-б.

⁴¹ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун. Т.: 1998 ю 1-б.

➤ фуқароларнинг меҳнат фаолиятидан уларга иш ҳаққи сифатида келтирилган даромад тўғрисида расмий маълумотларнинг йўқлиги;

➤ иш берувчи ҳамда ёлланма ишчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг тегишли буйруқ ҳамда меҳнат шартномлари билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилмаганлиги;

➤ аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ томонлар ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатларида ёки ўзини иш билан мустақил таъминлаётган шахснинг ҳуқ-атворида даромадларни яшириш аломатларининг мавжудлигини исботлашнинг мумкинчилиги;

➤ молия бозорига кириш ва давлат имтиёзларидан фойдаланиш, таълим муассасалари хизматларидан фойдаланиш имокниятларининг чекланганлиги. ижтимоий таъминот тизими ҳамда ҳуқуқий ҳимоядан махрум этилганлиги сабабли бандликда беқарорликнинг юқорилиги.

Норасмий бандлик ҳақидаги билим ва тасавурларни шакллантиришда, унинг хусусиятларини аниқлаш билан бир қаторда, норасмий бандликни таснифлаш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) таснифлагичига мувофиқ иқтисодий фаол аҳолини ҳисобга олиш ёшида бўлган аҳоли уч тоифага бўлинади: бандлар, ишсизлар ва ишчи кучи таркибига киритилмайдиганлар. Ушбу таснифлагичда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли 6 гуруҳга ажратилган:

- ёлланма ишчилар;
- иш берувчилар;
- ўзини иш билан банд қилганлар;
- ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари;
- ёрдам берувчи оила аъзолари;
- даромад берадиган меҳнат фаолияти билан олдин шуғулланмаган ишсизлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сонли қарорининг иловасида аҳоли бандлигининг турлари келтирилган. Ушбу иловада бандлик қуйидаги учта турга ажратилган:

- иктисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар;
- иктисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар;
- меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошираётган шахслар.

Россиялик тадқиқотчи А.Н.Тарасова бандликнинг учта асосий шакллarga бўлади:

➤ расмий бандлик — кишилар ўзларининг ишлаш қобилиятларини иш ҳаққи ва маош эвазига бажаридиган ҳуқуқий тасдиқланган ва давлат томонидан ҳимояланган бандлик;

➤ норасмий бандлик — ишни ҳуқуқий расмийлаштирмасдан амалга ошириладиган бандлик. Бунда ишчилар нахт бажарган ишлари учун нахт пул оладилар, лекин уни очиқ эълон қилмайдилар, яъни иш олинган пуллар “бухгалтериядан ташқарида” бўлади;

➤ уй бандлиги — бу уй хўжалигида банд бўлиш, оиладаги меҳнат⁴².

Тадқиқотчининг фикрига кўра, бандликнинг шакллари меҳнатнинг тақдирланганлигига ёки тақдирланмаганлигига ҳамда бандликнинг рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлиги билан ўзаро фарқланади. Расмий ва норасмий бандликда бажарилган иш, меҳнат иш ҳаққи билан тақдирланади, уй бандлигида эса менатга ҳақ тўланмайди. Лекин расмий бандлик рўйхатдан ўтганлиги билан бандликнинг бошқа шаклларида фарқланади. ваҳоланки, уйдаги бандлик сингари расмий рўйхатдан ўтмаган бўлади⁴³.

Юқорида келтирилган бандликнинг шакллarga бўлиш бўйича фикрларга нисбатан жиддий эътирозларимиз бор. Бизнинг эътирозларимиз куйидаги мантақавий далилларга асосланган.

Уйда, оилада кўп меҳнат талаб қиладиган катор муҳим ишлар бажарилади: уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш, тозаликни сақлаш, овқат тайёрлаш, меҳмон қабул қилиш, уй ва кийим-бошни таъмирлаш ва ҳоказолар. Ушбу ишларни бажаришга сарфланадиган вақт ҳар бир оиланинг ўзига хос хусусиятларига қараб оила ихтиёридаги вақт бюджетида анча салмоқли улушни эгаллайди. Бинобарин, уй хўжалигида сарфланадиган меҳнат шунга мос равишда вақтнинг миқдори, шунингдек, ушбу вақтнинг оила вақти бюджетидаги улушига бир неча омиллар: оила аъзоларининг сони, ёши касби-кори ва жинсига кўра таркиби, даромадлари, турмуш даражаси, менталитети, ҳаётга муносабати, маданияти, яшаш жойи,

⁴² Тарасова А.Н. Неформальная занятость на рынке труда. Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. социологических наук. — Тюмень, 2004, 14-б.

⁴³ Ўша ерда, 14-б.

коммунал хизматларнинг сифати, маиший техника воситалари билан таъминланганлиги ва бошқалар катта таъсир кўрсатади. Турли оилаларда ушбу омилларнинг таъсир кучи у ёки бу оиланинг ўзига хос жиҳатларига қараб, жуда кескин фарқ қилади. Масалан, оила ёки унинг айрим аъзолари ўзларининг овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда тўла ёки қисман ошхона, қаҳвахона, бошқа овқатланиш корхоналари хизматларидан фойдалиншлари мумкин ёки истеъмол таомларини уй шароитида ўзлари тайёрлашлари ҳам мумкин. Шу омилнинг ўзигина оилада сарфланадиган вақт ва меҳнат ҳажмига катта таъсир кўрсатиши табиий. Визуал кузатувлар шундан далолат берадики, 5 кишидан иборат ёш оилада уй хўжалигида, яъни оилада бажариладиган ишларга ўртача 6-8 соатдан 12-14 соатгача вақт сарфланиши мумкин. Қонунчиликда ўрнатилган иш вақти нуқтаи назаридан ушбу ҳажмдаги уй хўжалиги ишларини бажариш учун ўртача иккитагача ишчи, яъни оила аъзоларидан 1-2 киши банд бўлиши керак, ёки четдан алоҳида хизматкор ёллаш керак бўлади.

Оила аъзолари хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ва деҳқон хўжалиги ишларига жалб этилиб, уларнинг меҳнат фаолияти даромад келтириш воситасига айланганда, бундай фаолиятни бандлик сифатида тан олиш мумкин. Лекин уй хўжалигида фақат оила эҳтиёжларини қондириш учун бажариладиган, лекин шахсга бирон даромад келтирмайдиган ҳар қандай меҳнат фаолиятини бандликка тенглаштириш мантиқан тўғри бўлмайди, макроиқтисодий кўрсаткичларни баҳолашда эса катта чалкашлик муаммолар туғдиради.

Умуман олганда, ҳар бир инсон зоти имкониятига қараб, бирон бир иш билан машғул бўлади. Оилада ёшгина (масалан, 5-6 яшар) болачалар ҳам, бешик тебратиб, чақалоқни овутиши, яъни оилада муайян фойдали ишни бажариши мумкин. Методологик нуқтаи назардан бажариладиган ишларни, меҳнат фоялиятини бандлик сифатида талқин этиш учун уни нобандликдан фарқлайдиган аниқ мезонлари бўлиши лозим. Бошқача қилиб ифодалаганда, у ёки бу шахснинг меҳнат фаолиятини бандликнинг бирон-бир шакли сифатида талқин этиш учун унинг моҳиятини, мазмунини, мақсадини, аҳамиятини иш куни нуқтаи назаридан давомийлигини ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олиш зарур.

Уй хўжалигида бажариладиган ишлар оила аъзоларидан ўзга шахс зиммасига юклатилган бўлиб, у ўз меҳнати учун оила бюджетидан (ёки ҳомийлар ҳисобидан) иш ҳаққи олган тақдирдагина, ушбу фаолиятини бандлик сифатида талқин этиш мумкин. Бунда агар ишчининг меҳнат фаолияти тегишли ҳужжатлар билан қонунийлаштирилган бўлса, у расмий бандликда, акс ҳолда у норасмий бандликда бўлган ҳисобланади. Оила аъзолари ўзларининг томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, уларни бозорда сотиш эвазига даромад олган ҳолларда ҳам уларнинг ҳатти-ҳаракати ва фаолиятини ўзини мустақил иш билан таъминлаш, яъни меҳнатда бандлик сифатида қараш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ иш билан таъминланиш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондариш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳаққи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир⁴⁴. Ушбу Қонунда меҳнат фаолиятини иш билан таъминлаганлик, яъни бандлик сифатида эътироф этиш учун, ушбу фаолият даромад (иш ҳаққи) келтириши лозимлиги аниқ белгиланган. Бинобарин, уйда, оилада бажариладиган ва шахсга ўз меҳнати учун ҳеч қандай даромад келтирмайдиган меҳнат фаолиятини бандликнинг алоҳида мустақил шакли сифатида талқин этишга асос йўқ. Бундан ташқари, ҳар қандай меҳнат фаолиятини бандлик сифатида талқин этиш норасмий банлик кўламларини баҳолашда ва уларнинг сонини аниқлашда, норасмий бандликка қарши фаол кураш олиб боришда жиддий муаммо ва қийинчиликлар туғдиради.

Бундан ташқари, уй хўжалигида муайян ишларни бажараётганларни иқтисодиётда бандлар тоифасига киритиш “бандлик” тушучасининг моҳиятига ҳам мос келмайди. “Бандлик” тушунчасини фанга киритиш ва уни амалга қўллашдан кўзда тутилган асосий мақсад – аҳолининг, хусусан, меҳнат ресурсларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда, моддий ва маънавий неъматлар яратишда иштирок этиш даражасини аниқлашдан иборат. Бу жиҳатдан бандлик миллий иқтисодиётда иш ўринларини яратиш ва уларга ишчи кучини жалб этиш асосида иқтисодий фаол аҳолини жамият эҳтиёжлари нуқтаи назаридан зарур бўлган ноз-неъматларни

⁴⁴ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 1998 йил, 1-май, 1-б.

яратишда иштирокини таъминлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Норасмий бандлик ҳам мураккаб ва кенг камровли тушунча сифатида турли белгиларга қараб таснифлаш мумкин.

Норасмий бандлик тармоқлар бўйича қуйидаги турларга бўлинади: савдо, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, молия ва ҳоказо.

Ташкилий жиҳатдан норасмий бандликнинг қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- яқка тартибда фаолият олиб боровчи тадбиркорлар; рўйхатдан ўтмаган корхона эгалари ва ишчи-ҳодимлари;

- рўйхатдан ўтган корхоналардан меҳнат фаолияти буйруқ билан расмийлаштирилмаган ишчи ҳодимлар;

- расмий рўйхатдан ўтган, лекин иш ҳаққининг муайян қисмини тегишли тарзда ҳужжатларда муайян қисмини тегишли тарзда ҳужжатларда акс эттирмай нахт пул ёки натура шуклида оладиган ишчи ҳодимлар (жумлардан тадбиркорларнинг меҳнатга жалб этилган оила аъзолари).

Аҳоли ҳамда тадбиркорлар даромадларини шакллантиришдаги ролига қараб норасмий бандликни қуйидаги турларга бўлиши мумкин:

- даромадлари фақат норасмий бандлик ҳисобидан шаклланадиган шахслар;

- норасмий фаолят туридан олинаётган даромадлар шахснинг барча даромадлари таркибида асосий ташкил этадиган шахслар;

- норасмий бандликдан олинган даромадлар жами даромадлар таркибида кам улушни ташкил этадиган, яъни асосий даромад манбаи расмий бандлик бўлган шахслар.

Норасмий бандликдан олинадиган даромадларнинг ёлланма ишчилар ва тадбиркорлар эҳтиёжларини қондиришдаги ролига қараб ҳам уларни уч хил турга ажратиш мумкин:

- ёлланма ишчи ва тадбиркорларнинг биринчи даражали объектив эҳтиёжларини қондириш учун даромад манбаи;

- ёлланма ишчи кучи қа хизматларнинг иккинчи даражали эҳтиёжларини қондириш учун даромад манбаи;

- ёлланма ишчи ва тадбиркорларнинг ғайриқонуний нооқилона эҳтиёжларини қондириш учун даромад манбаи.

Миллий иқтисодиётнинг соҳаларига қараб норасмий бандлик икки турга бўлинади:

- ишлаб чиқариш соҳаси;
- хизмат кўрсатиш соҳаси.

Келиб чиқиш сабабларига кўра норасмий бандлик куйидаги турларга бўлинади:

- ихтиёрий, ўз хоҳиши билан шахсий манфаатларини кўзлаб норасмий банд бўлиш;
- вазият тақозоси билан, мажбуран норасмий банд бўлиш.

Норасмий бандликни муайян белгиларга қараб таснифлаш унинг моҳиятини очишга кўмаклашади ва айтиб бериш пайтида кўламларини баҳолаш муаммосини ечишда ҳам муҳим ўрин тутади.

1.5. Норасмий бандликка таъсир этувчи омиллар

Норасмий бандликнинг туб моҳиятини очиш, уни таърифлаш, таркибий қисмларини аниқлашда мавжуд турли хил, баъзан бир-бирига тамоман қарама-қарши ёндашувлар ва фикр-мулоҳазалар бандликнинг ушбу шаклининг кўламларини баҳолашда ҳам жиддий муаммолар туғдирмоқда.

Жаҳон амалиётида норасмий бандлар сонини аниқлашнинг мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган турли хил усуллари қўлланилади. Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони, жумладан, унинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар сонини ҳисоблаш Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган методикага мувофиқ амалга оширилади⁴⁵. Ушбу ҳужжатга биноан Ўзбекистонда норасмий секторда иш билан банд бўлганлар тоифасига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобга турмаган куйидаги шахслар киради:

- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари;
- уйда пулли хизматлар билан банд бўлган шахслар (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобиль хайдовчилари, қоровуллар ва бошқалар);
- жисмоний шахслардан ҳақ олиб ишловчи шахслар;

⁴⁵ <http://www.lex.uz/mobileact/1207194>

➤ оила бошликларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари;

➤ тегишли рўйхатдан ўтмай ишловчи тадбиркорлар.

Россиялик тадқиқотчи Е.С. Кубишин меҳнат соҳаси мутахассислари орасида ўтказилган сўровномалар жавобларига асосланиб, ушбу соҳа мутахассисларининг норасмий бандлар сони ҳамда норасмий бандликнинг даражаси тўғрисидаги фикрлари жуда катта кенгликда фарқланишини аниқлаган. Сўровномада иштирок этган мутахассисларнинг айримлари норасмий бандлик Россияда жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг атиги 3-5 фоизини ташкил этади, деб ҳисобласа, бошқалари 40-50 фоизини, баъзилари ҳаттоки 80 фоизини ташкил этади, деб ҳисоблар экан. Сўровномада иштирок этган мутахассисларнинг аксарият кўпчилиги эса норасмий банд бўлганларнинг жами банд аҳоли сонигаги улуши 25-30 фоизни ташкил этади, бу эса 18-22 млн. кишига тенг, деган фикрни билдиришган⁴⁶. Бошқа бир тадқиқотчи М.Е. Тарасов эса бу борада қуйидаги фикрларни билдирган: "...Россияда улғайган аҳолининг тахминан 30 фоизи ёки 25 дан 30 млн.гача норасмий банд бўлиб, хуфёна иқтисодиёт билан у ёки бу даражада жами 58-60 млн. киши боғланган".

Табиийки, норасмий бандликнинг кўламини, норасмий банд бўлганларнинг сонини ҳамда жами иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонигаги улушини баҳолашда мавжуд бўлган бундай катта тафовутлар унинг ҳақиқий кўламини аниқлашда, демак, давлат томонидан унга қарши сиёсат олиб боришда жуда катта муаммо ва қийинчиликлар туғдиради. Иқтисодиётда норасмий банд бўлганларнинг аниқ сонини билмасдан, уни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар қанча самара бераётганлигини, ушбу чора-тадбирлар таъсирида қанча норасмий банд бўлганлар расмий бандликка ўтганлигини ҳисоблаб чиқиш, ушбу мураккаб жараёнларни назоратга олиш имкони мавжуд эмас.

Бизнингча, норасмий бандликнинг кўламини баҳолашда мавжуд бўлган кескин тафовутларнинг ва катта кенгликдаги ноаниқликларнинг бир неча сабаблари бор. Буларнинг ичида энг асосийларини алоҳида ажратиб кўрсатмоқчимиз.

Биринчидан, норасмий бандлик ҳар иккала манфаатдор томонларнинг, яъни иш берувчи ҳамда ишга ёлланувчининг ўзаро

⁴⁶ Тарасов М.Е. Криминальный бизнес или государство: кто победит? Якутск, 200, 64-65-66.

махфий келишуви асосида амалга оширилганлиги сабабли, уни тўла ҳисобга олиш имкони мавжуд эмас. Норасмий бандлар сони ҳақида ишончли маълумотлар йўқ, улар ҳамиша тахминий бўлади ва бу тахминларнинг ҳаққиқатдан жуда йироқ бўлиш эҳтимоли ҳам жуда катта.

Иккинчидан, норасмий бандликнинг аниқ ва барча тан олган таърифининг ишлаб чиқилмаганлиги. Бунинг натижасида норасмий банд бўлганларга мансуб тоифадаги ишчи-ходимларни аниқлашнинг ўзи муаммога айланиб қолади. Қайси фаолият ва бандлик турларини норасмий деб ҳисоблаш кераклиги тўғрисида аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли норасмий бандлар сонини баҳолашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд. Ушбу қийинчиликларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш иқтисод фани ва тадқиқотчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Учинчидан, норасмий бандликни аниқлаш усулларидаги камчиликлар.

Амалиётда норасмий бандлик даражасини аниқлашда турли усуллар қўлланилади. Кенг тарқалган усуллардан бири — нақд пул айланиши асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар. Табиийки, норасмий банд бўлган шахсларга меҳнат ҳаққи нақд пул ёки тўланганлиги ҳужжатлар асосида расмийлаштирилмаган натура шаклида тўланади. Аҳоли томонидан нақд пулларнинг ишлатилиши норасмий меҳнат ҳажмини аниқлаш учун асос бўла олади. Лекин, аҳоли қўлидаги нақд пулларни фақат норасмий бандларга иш ҳаққи тўлаш учун эмас, балки иқтисодиётнинг норасмий сектори учун зарур бўлган хомашё сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун ҳам сарфлайди. Норасмий банд бўлганларга натура шаклида тўланган меҳнат ҳаққини ҳисобга олиш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли бу усул ёрдамида норасмий бандлик кўламини баҳолашда ноаниқлик даражаси анча юқори. Бундан ташқари, ушбу усул ёрдамида бутун мамлакат миқёсида, яъни миллий иқтисодиётда норасмий бандлик даражасини баҳолаш мумкин. Лекин уни айрим минтақалар ва тармоқлар кесимида норасмий бандлик даражасини баҳолашда қўллаш имконияти йўқ. Вахоланки, норасмий бандликнинг даражасини айрим минтақалар ҳамда тармоқлар бўйича аниқлаш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади.

Норасмий бандлик кўламини баҳолашда кейинги йилларда кенг қўлланилаётган усуллардан яна бири — банд бўлганлар ўртасида

социологик сўров ўтказиш. Ушбу усул ёрдамида қанча киши ва қанча миқдорда норасмий иш бажараётганлари ҳақида нисбатан аниқроқ маълумотлар тўплаш мумкин. Сўров натижалари таҳлил қилиниб, унинг норасмий бандлик кўлами ва даражаси ҳақида умумий хулосалар чиқариш мумкин. Лекин ушбу усулда фойдаланишнинг муаммоси шундаки, уни қўллаш кўп меҳнат ва сарф-ҳаражатлар талаб қилади. Бундан ташқари, сўровномалар ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатдики, бандликнинг ўзи норасмий, яширин бўлганлиги учун сўровда иштирок этганлар кўп ҳолларда бор ҳақиқатни тўла акс эттирмасликка ҳаракат қиладилар. Натижада норасмий бандлик ҳақида социологик сўровнома орқали олинган маълумотлар ҳам юқори даражада ишончли бўлавермайди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак норасмий бандлик кўламини баҳолаш ва норасмий банд шахслар сонини аниқлашда қайси усуллар қўлланилмасин, барибир ноаниқлик даражаси юқорилигича қолади. Бунинг асосий сабаби шундаки, норасмий бандлик ҳар иккала манфаатдор томонлар, яъни иш берувчи ҳамда ишга ёлланувчиларнинг ўзаро махфий келишувчи асосида амалга оширилади. Демак, улар сирнинг ошкора бўлмаслиги ҳамда кўзланган моддий манфаатдан маҳрум бўлиб қолмаслик, шунингдек, ўзларининг гайриқоликий хатти-ҳаракатлари учун жазо ва жарималарга тортилмаслик учун ҳар қандай зарурий чораларни кўрадилар. Бундан ташқари, норасмий бандлик кўламини баҳолашда катта ҳатоларга йўл қўймаслик учун норасмий бандлар сонини аниқлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунда норасмий меҳнат ҳажмини аниқлаш анча муҳим ва айтиш мумкин бир пайтда, жуда оғир муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай қийинчиликнинг сабаби шундан иборатки, корхонада расмий банд бўлган ишчи ва, хизматчилар меҳнатига тўланадиган иш ҳақининг фақат муайян бир қисми расмийлаштирилади, қолган қисми эса норасмий тарзда нақд пул ёки натура шаклида тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида йилнинг ҳар чорагида ишчи кучи баҳоланади ва норасмий иш билан бандлар сони аниқланади.

Норасмий бандликнинг қишлоқ хўжалиги, қолаверса, қишлоқ иқтисодиётининг қолган барча тармоқлари нуктаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, қишлоқ жойларида бугунги кунда меҳнат

муносабатларидаги ўзига хос хусусиятларни, ишсизлик ва иш билан таъминлаш муаммоларини, ижтимоий тараққиёт вазифаларини инобатга олишимизга тўғри келади. Қишлоқларда мужассамланган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари ҳозирги кунда қишлоқ иқтисодиётида банд бўлганлар билан шаҳарларда жойлашган корхона ва ташкилотларда банд бўлганларнинг иш ҳаққи ўртасида муайян тафовутлар мавжудлигига бориб тақалишини ҳам зинҳор эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Турмуш даражаси ва яшаш шароитлари шаҳар аҳолисиникидан маълум даражада паст бўлган қишлоқ аҳолиси учун, у иш берувчи ёки ёлланма ишчи бўлишидан қатъий назар, норасмий бандлик ўзгача аҳамият, ўзгача ижтимоий-иқтисодий мазмун касб этади. Ушбу хусусият қишлоқлардаги аҳолининг норасмий бандлигини, унинг қишлоқ иқтисодиёти ҳамда ижтимоий ҳаётига таъсирини баҳолашда албатта инобатга олинмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг назаримизда, қишлоқ хўжалигида норасмий бандлик кўламини баҳолашда экиладиган ер майдони, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича таркиби ва улар бўйича маҳсулот етиштиришнинг меҳнат сарфлари асос қилиб олинса, анча аниқ маълумотлар олиш мумкин.

Расмий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони 3,2 млн кишини ташкил этади. Бу қишлоқларда истиқомат қиладиган аҳолининг 22,7 фоизини, у ердаги мавжуд меҳнат ресурсларининг эса 33,5 фоизини ташкил этади. Қишлоқ жойларидаги меҳнат ресурсларининг маълум бир қисми аграр соҳа бўлмаган бошқа тармоқларда (савдо, маиший хизмат, қурилиш, транспорт, таъминот, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) банд. Қишлоқ жойларда саноат шаҳарларга нисбаттан яхши ривожланмаган, ушбу тармоқ корхоналарининг сони жуда кам, ишлаб чиқариш ҳажми эса унчалик катта эмас, шунга мос равишда уларда банд бўлган ишчи-ходимлар сони ҳам иқтисодиётда банд бўлган аҳоли таркибида арзигулик улушга эга эмас. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тармоқларида банд бўлганлар сон жиҳатидан кам, банд аҳолининг таркибидаги нисбий кўрсаткич жиҳатидан ҳам шаҳарларга нисбатан сезиларли даражада паст. Қишлоқ жойларидаги хизмат кўрсатиш соҳаси кичкина савдо дўконлари (2-3 киши ишлайдиган), коммунал хўжалик хизматлари шахобчалари, молия

хизматлари, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари тармоқларида мужассамлашган бўлиб, уларда банд бўлган аҳоли сони кўпчиликни ташкил қилмайди. Қишлоқ жойларда тармоқлар кесимида банд бўлган аҳоли сони ҳақида расмий статистик тўпламларда маълумотлар киритилмаган. (Ваҳоланки, бундай маълумотлар қишлоқлардаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини ва самадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, келажақда аҳоли бандлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарур). Бизнинг тахминий ҳисоб-китобларимизга кўра 1,4 млн. кишига яқин ишчи кучи қишлоқ жойлардаги аграр соҳага дахлдор бўлмаган саноат ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларига жалб этилган. Бу қишлоқларда яшаётган аҳоли умумий сонининг 9,8 фоизини ташкил этади, меҳнат ресурсларида унинг улуши эса 14,3 фоиз.

Шундай қилиб, бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларида расмий жиҳатдан банд бўлган аҳолининг умумий сони тахминан 4,6 млн. кишини ташкил этади. Қишлоқлардаги меҳнат ресурсларининг умумий сони 10,0 млнга яқин кишини ташкил этса, демак унинг 47,0 фоизи иқтисодиётда расмий банд бўлган ишчи-хизматчилар. Қолган 5,4 млн. меҳнатга лаёқатли киши нима билан шуғулланади?

Юқорида демократия тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик ишлашнинг ихтиёрийлигини ва меҳнат фаолияти соҳасини танлашда тўла эркинликни назарда тутилганлиги хусусида тўхталиб ўтган эдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг маълум бир қисми ўзларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларига мувофиқ ва ўз имкониятлари ҳамда манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, турли сабаблар билан ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этмайдилар. Бу тоифадаги кишилар меҳнат ресурслари таркибида унча кўпчиликни ташкил қилмайди ва шу сабабли меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифига катта даражада таъсир кўрсата олмайди. Демак, расмий бандликда бўлмаганларнинг аксарият қисми-меҳнат қилмасликни ихтиёр айлаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган шахслар эмас, балки турли тармоқларда, жумладан қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган, лекин ўз фаолиятини қонуний тарзда расмийлаштирмаган ёлланма ишчилардир.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган, лекин меҳнат фаолияти қонуний жиҳатдан расмийлаштирилмаган аҳоли сонини аниқлаш мақсадида биз Ўзбекистонда мавжуд бўлган ер майдонини ва ҳар бир гектар ер майдонини экиш, ишлов бериш ва бошқа агротехник жараёнларни бажариш учун тахминан қанча ишчи кучи керак бўлиши мумкинлигини асос қилиб олдик. 1 гектар ер майдонини экишдан тортиб, маҳсулотни йиғиштириб олиш учун кетадиган иш кучи сарфлари етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларига, хўжаликда ернинг хусусиятларига, мавжуд бўлган техника сонига, яъни меҳнатни механизациялаш даражасига ва бошқа айрим омилларга ҳам боғлиқ. Шу боисдан барча омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни аниқ ҳисоблаш имконияти йўқ.

Лекин айрим далил ва мантикий тафаккурга таяниб, муайян кенгликда хато ва камчиликлардан холи бўлиш кафолатланмаган тахминий рақамларни келтириш мумкин. Бизнинг тахминий ҳисоб китобларимизга кўра қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони 5,8 млн. кишини ташкил қилади. Бу эса ушбу тармоқда банд бўлганлар ҳақидаги расмий статистик маълумотларга нисбатан 2,5 (5,8-3,2) млн. кишига кўп.

Юқорида баён этилган фикрларга хотима тариқасида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Норасмий бандликнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш биринчи навбатда унинг сонини ва нисбий кўрсаткичларини аниқ билишни, баҳолашни тақозо этади. Фақат шундагина норасмий бандлик кўламларини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий натижаларини, самардорлигини баҳолаш мумкин бўлади. Норасмий бандлар сонини ҳисобга олиш норасмий бандлик унинг кўламларини қисқартириш билан боғлиқ муаммолар таркибида энг мураккаб ва, айтиш пастда, ўта муҳим босқич ҳисобланади. Бир томондан, норасмий бандлар сонини аниқлаш жуда катта меҳнат талаб қилади, иккинчи томондан эса, ҳар иккала томон, яъни иш берувчи ҳамда ишчи ёлланувчи шахс ўртасида ўзаро норасмий, хуфёна келишув асосила амалга оширилаётган ва шу сабабли томонлар уни сир сақлашни афзал кўрадиган норасмий бандликни ошкора этишга ҳамма вақт ҳам ва осонликча эришиб бўлмайди.

Юқорида дунё мамлакатлари бўйича кенг тарқалган ва тобора тез суръатлар билан ўсиб бораётган норасмий бандликнинг негизида

хизматлари, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари тармоқларида мужассамлашган бўлиб, уларда банд бўлган аҳоли сони кўпчиликни ташкил қилмайди. Қишлоқ жойларда тармоқлар кесимида банд бўлган аҳоли сони ҳақида расмий статистик тўпламларда маълумотлар киритилмаган. (Ваҳоланки, бундай маълумотлар қишлоқлардаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини ва самадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, келажақда аҳоли бандлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарур). Бизнинг тахминий ҳисоб-китобларимизга кўра 1,4 млн. кишига яқин ишчи кучи қишлоқ жойлардаги аграр соҳага дахлдор бўлмаган саноат ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларига жалб этилган. Бу қишлоқларда яшаётган аҳоли умумий сонининг 9,8 фоизини ташкил этади, меҳнат ресурсларида унинг улуши эса 14,3 фоиз.

Шундай қилиб, бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқларида расмий жиҳатдан банд бўлган аҳолининг умумий сони тахминан 4,6 млн. кишини ташкил этади. Қишлоқлардаги меҳнат ресурсларининг умумий сони 10,0 млнга яқин кишини ташкил этса, демак унинг 47,0 фоизи иқтисодиётда расмий банд бўлган ишчи-хизматчилар. Қолган 5,4 млн. меҳнатга лаёқатли киши нима билан шуғулланади?

Юқорида демократия тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик ишлашнинг ихтиёрийлигини ва меҳнат фаолияти соҳасини танлашда тўла эркинликни назарда тутилганлиги хусусида тўхталиб ўтган эдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг маълум бир қисми ўзларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларига мувофиқ ва ўз имкониятлари ҳамда манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, турли сабаблар билан ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этмайдилар. Бу тоифадаги кишилар меҳнат ресурслари таркибида унча кўпчиликни ташкил қилмайди ва шу сабабли меҳнат бозоридаги ишчи кучи таклифига катта даражада таъсир кўрсата олмайди. Демак, расмий бандликда бўлмаганларнинг аксарият қисми-меҳнат қилмасликни ихтиёр айлаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган шахслар эмас, балки турли тармоқларда, жумладан қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган, лекин ўз фаолиятини қонуний тарзда расмийлаштирмаган ёлланма ишчилардир.

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган, лекин меҳнат фаолияти қонуний жиҳатдан расмийлаштирилмаган аҳоли сонини аниқлаш мақсадида биз Ўзбекистонда мавжуд бўлган ер майдонини ва ҳар бир гектар ер майдонини экиш, ишлов бериш ва бошқа агротехник жараёнларни бажариш учун тахминан қанча ишчи кучи керак бўлиши мумкинлигини асос қилиб олдик. 1 гектар ер майдонини экишдан тортиб, маҳсулотни йигиштириб олиш учун кетадиган иш кучи сарфлари етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларига, хўжаликда ернинг хусусиятларига, мавжуд бўлган техника сонига, яъни меҳнатни механизациялаш даражасига ва бошқа айрим омилларга ҳам боғлиқ. Шу боисдан барча омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида банд бўлганларни аниқ ҳисоблаш имконияти йўқ.

Лекин айрим далил ва мантикий тафаккурга таяниб, муайян кенгликда хато ва камчиликлардан холи бўлиш кафолатланмаган тахминий рақамларни келтириш мумкин. Бизнинг тахминий ҳисоб китобларимизга кўра қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони 5,8 млн. кишини ташкил қилади. Бу эса ушбу тармоқда банд бўлганлар ҳақидаги расмий статистик маълумотларга нисбатан 2,5 (5,8-3,2) млн. кишига кўп.

Юқорида баён этилган фикрларга хотима тариқасида куйидагиларни таъкидлаш мумкин. Норасмий бандликнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш биринчи навбатда унинг сонини ва нисбий кўрсаткичларини аниқ билишни, баҳолашни тақозо этади. Фақат шундагина норасмий бандлик кўламларини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий натижаларини, самардорлигини баҳолаш мумкин бўлади. Норасмий бандлар сонини ҳисобга олиш норасмий бандлик унинг кўламларини қисқартириш билан боғлиқ муаммолар таркибида энг мураккаб ва, айтиш пастда, ўта муҳим босқич ҳисобланади. Бир томондан, норасмий бандлар сонини аниқлаш жуда катта меҳнат талаб қилади, иккинчи томондан эса, ҳар иккала томон, яъни иш берувчи ҳамда ишчи ёлланувчи шахс ўртасида ўзаро норасмий, хуфёна келишув асосида амалга оширилаётган ва шу сабабли томонлар уни сир сақлашни афзал кўрадиган норасмий бандликни ошқора этишга ҳамма вақт ҳам ва осонликча эришиб бўлмайди.

Юқорида дунё мамлакатлари бўйича кенг тарқалган ва тобора тез суръатлар билан ўсиб бораётган норасмий бандликнинг негизида

бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга хос бўлган аҳоли социал гуруҳлари ўртасидаги моддий табақаланиш ётганлиги хусусида фикрлар баён этилган эди. Норасмий бандлик кўламига, ушбу тоифадаги бандларнинг иқтисодиётда банд бўлган жами аҳоли сонидagi улушига ва кейинги йилларда ушбу кўрсаткичларнинг ижобий динамикасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатмоқда. Бизнинг нуктаи назаримизда ушбу омилларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи омил. Мамлакатлараро ва мамлакатлар ичидаги ҳудудий меҳнат миграциясининг тобора кучайиб бораётганлиги. Кейинги йилларда меҳнат миграциясининг тобора кучайиб бориш сабаблари ва оқибатлари тафсилотларига берилиб ўтирмасдан, ушбу жараёнларнинг норасмий бандлик кўрсаткичларига катта таъсир кўрсатаётганлигини эътироф этиш лозим. Мигрантлар объектив сабабларга кўра (доимий яшаш жойининг йўқлиги, ишга рухсатнома олишдаги қийинчиликлар, бошқа маъмурий, ташкилий тўсиқлар, психологик омиллар таъсири ва бошқалар), иш ахтариб борган жойларида ўша соҳада ишлаётган доимий, яъни маҳаллий ишчиларга тўланадиган иш ҳақидан сезиларли даражада кам бўлган меҳнат ҳақки эвазига ишлашга мажбур бўладилар. Бозор тамойилларига мувофиқ, ишчи кучини арзонлаштиришдан манфаатдор бўлган тадбиркорлар мигрантлар билан дархол тил топадилар ва натижада норасмий бандлик учун қулай шароит, яхши асос яратилади.

Иккинчи омил. Бандлик ва у билан боғлиқ солиқ ва тўловларнинг юқорилиги. Айрим мамлакатларда, масалан Германияда, солиқлар, ижтимоий фондлар ва тиббий суғурта тўловлари йиғиндиси соф маош миқдоридан ошиб тушади. Ушбу мамлакатда норасмий бандлик эвазига ҳар иккала томон (иш берувчи ва ёлланма ишчи) ойлик маош харажатларининг энг камида 50 фоизини тежаш имконига эга бўлади. Агар Германияда ойлик маошлар даражаси дунё мамлакатлари бўйича юқори кўрсаткичларга эга эканлигини эътиборга олсак, норасмий бандлик ҳисобидан тежалган маблағ миқдорини, ундан иш берувчи ҳамда ёлланма ишчи қанча манфаат кўришини тасаввур қилиш катта қийинчилик туғдирмайди. Тюбинск таянч иқтисодий тадқиқот институти (JAW) томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасига кўра, сўровда қатнашганларнинг 55 фоизи айнан солиқ ва тўловларнинг юқорилигини меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаганликларининг асосий сабаби

сифатида кўрсатганлар. Олимларнинг фикрига кўра, давлатнинг солиқдан оладиган ҳар бир фоиз даромади норасмий бандликнинг 0,3-0,9 фоизга ошишига олиб келади. Демак, солиқ юкининг камайиши норасмий бандликка мойилликни пасайтиради. Мутахассилар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам шу хулосани тасдиқлайди: Россияда ижтимоий тўловларнинг 10 фоизга камайтирилиши расмий бандлик даражасини 6 фоизга ошириш имконини берган.

Учинчи омил. Муайян мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси (иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакат, ривожланаётган мамлакат, ривожланган мамлакат) ва унда бир йил давомида яратилган миллий даромаднинг бирламчи ва иккиламчи тақсимооти жараёнида ижтимоий адолат тамойилларининг қарор топганлиги. Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотлар иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасида норасмий бандлик даражаси жиҳатидан кескин фарқ борлигини кўрсатганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бир қаторда, мамлакатда яратилган миллий даромадни тақсимлаш жараёнида ижтимоий адолат тамойилларининг бузилиши норасмий бандликка мойилликни кучайтиради.

Тўртинчи омил. Давлат бюджетига тушган солиқларнинг нооқилона ишлатилиши. Шу соҳа олимларининг фикрига кўра, норасмий бандлик кўлами ва даражаси аҳоли ўртасида давлат томонидан солиқ шаклида ундирилган маблағлардан жамият манфаатлари йўлида унумли ва мақсадли фойдаланиш, уларни тўғри тақсимлашга ишончи билан узвий боғлиқ. Юқорида зикр этилган JAW тадқиқотлари натижаларига биноан, респондентларнинг 30 фоизи давлат солиқдан тушган маблағлардан тўғри фойдаланмайди, 20 фоиз сўралганлар эса давлат иқтисодиётга жуда кучли қўшилаёпти, деб ҳисоблашларини маълум қилишган.

Бешинчи омил. Меҳнат муносабатларини, жумладан, бандликни давлат томонидан тартибга солишдаги камчиликлар ва муаммолар. Бу соҳада меҳнат муносабатлари ва аҳоли бандлигига оид ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, қабул қилинган қонунлар ижросини кучайтириш каби масалалар алоҳида ўрин тутати.

Олтинчи омил. Бозор ҳўжалиги шароитида иккиламчи ва учламчи бандликнинг кенг тарқалганлиги. Асосий иш жойида иш

хафтасининг қисқариши ва бўш вақтнинг мавжудлиги кишиларга қўшимча иш бажариш ва бунинг эвазига қўшимча даромад олиш имконини беради. Ёлланиб ишлаётганлар учун иш ҳаққи унча юқори бўлмаган мамлакатларда иккиламчи ва учламчи бандлик улар оила бюджетларини тўлдиришнинг асосий манбаларидан бирига айланди. Ёлланма ишчилар одатда иккиламчи ва учламчи бандликни расмийлаштирмасликка, яъни норасмий бандликка ҳаракат қиладилар.

Лекин юқорида келтирилган омилларнинг норасмий бандлик кўлами ва унинг даражасига таъсири турли мамлакатларда турлича бўлиб, уларнинг таъсир кучи мамлакатдаги иқтисодий аҳвол, давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, аҳоли турмуш даражаси ва сифати, унинг менталитети ва бошқа бир қатор кўрсаткичлар билан белгиланади.

II БОБ. АГРАР МЕҲНАТ БОЗОРИДА НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аграр соҳа объектив сабабларга кўра Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг етакчи ва истиқболли соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Вужудга келиш ва ривожланишнинг кўп босқичларини босиб ўтган ушбу тармоқ бугунги кунда ҳам аҳоли ҳаётида ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётида жуда муҳим ўрин тутди. Мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши 25,5 фоизни (саноатдан кейин иккинчи ўрин) ташкил этади⁴⁷. Жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг ¼ қисмидан зиёдроғи – 27,6 фоизи – қишлоқ ва ўрмон хўжалиги улушига тўғри келади⁴⁸. Аграр сектор таркибидаги агросаноат ва агробизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ва уларда банд бўлганлар, яъни меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимлар сонини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу секторнинг мамлакат миллий ялпи ички маҳсулоти, аҳоли бандлиги ва бошқа муҳим макроиқтисодий ўлчамларини шакллантиришдаги, бир сўз билан ифодалаганда, миллий иқтисодиётдаги ўрни тўғрисидаги тасаввурларимиз янада ойдинлашади. Қишлоқ хўжалиги ва, умуман, аграр соҳанинг мамлакат миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг истиқболлари тўғрисида адабиётларда яхши ижобий фикрлар билдирилган: “Камдан-кам мамлакатларда қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистонда бор имкониятлар ва келажакда уни ривожлантириш истиқболлари мавжуд. Бунинг боиси шундаки, Ўзбекистон географик жойлашуви ва табиий иқлим шароитлари жиҳатидан инсон истеъмоли учун жуда фойдали бўлган энг сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун мослашган ва бу жиҳатдан у дунёнинг кўп мамлакатларига нисбатан ҳали тўла рўёбга чиқмаган чексиз имконият ва монополь устунликларга эга. Бизнингча, бу устунликлардан унумли фойдаланиш, уларни рўёбга чиқариш Ўзбекистон миллий иқтисодиётини жадал суръатлар билан юксалтириш ва жуда қисқа тарихий муддат ичида уни ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш стратегиясини амалга оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади”⁴⁹.

⁴⁷ Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. Т.: 2015, 33-34-бб.

⁴⁸ Ўша ерда 62-б.

⁴⁹ Мухаммедов М.М., Исакова С. А., Мардонов Б.Б. Қишлоқларда аҳоли бандлиги: муаммолар ва ечимлар. Самарқанд, “Zarafshon”, 2014, 55-б.

Юқорида зикр этилганларга интуитив асосда қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин: Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини, иқтисодиётининг юксак ривожланган мамлакатлар сафидаги мустаҳкам мавқеини юқори даражада ривожланган, энг замонавий фан ва техника ютуқларини қўллаётган, ўзининг табиат инъом этган монопол устунликларидан унумли фойдаланишга эришган қудратли қишлоқ хўжалигисиз тасаввур этиш қийин. Бундай натижаларга эришиш учун вақт ва катта миқдордаги инвестициялар керак, тармоқда барча ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий асосда модернизациялаш, илму-фан ютуқларини кенг жорий қилиш лозим.

Мустақил Ўзбекистонда аграр секторнинг ривожланиши, унинг мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига тобора ўсиб, миқдор ҳамда сифат жиҳатидан кун сайин такомиллашиб бораётган талабларини қондириш ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ролини кўтариш бевосита ушбу секторда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар билан боғлиқ. Аграр секторда, айниқса унинг бош бўғини бўлган қишлоқ хўжалигида содир бўлган институционал ўзгаришлар, тармоқда тадбиркорлик муҳитининг яратилиши, эркин рақобатга йўл очиб берилиш ер ҳосилдорлигини кескин кўтариш учун реал шароит ва катта имкониятлар туғдирди. Чунки режали иқтисодиётда ерга эгалик қилиш ва унинг фойдасидан баҳраманд бўлиш давлат ихтиёрида, унга меҳнат қилиш ва маҳсулот етиштиришнинг азоб-уқибатлари, захматлари эса деҳқон зиммасида бўлганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кескин антогонистик зиддиятларнинг келиб чиқишига ва пировард натижада ер ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига олиб келган эди⁵⁰. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ана шу антогонистик зиддиятларни бартараф этиш ва мамлакат тупроғида мужассам бўлган том маънода улкан салоҳиятни рўёбга чиқариш, уни реал воқеликка айлантиришга қаратилган аграр ислохотлар ер ҳосилдорлигини тубдан ошириш имконини берди.

Аграр ислохотлар жараёнида тақсимот муносабатлари, мулк муносабатлари, айирбошлаш муносабатлари билан бир қаторда, ишчи-ходимларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини, унинг натижавийлигини кескин ўстиришга эришиш мақсад қилиб қўйилган

⁵⁰ Аграр муносабатлар ва аҳоли бақдлиги. Проф. Муҳаммедов М.М. таҳрири остида. Т. "IQTISODIYOT", 2005. 25-б.

эди. Чунки меҳнат натижавийлигининг ўсиши ишчи-ходимлар даромадларининг кўпайиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг бош омили ҳисобланади. Аграр соҳадаги иқтисодий ислохотлар аграр меҳнат бозоридаги аҳволга, ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабга, ёлланма ишчи ҳамда иш берувчиларнинг хулқ- атворига жиддий таъсир кўрсатди. Айнан аграр ислохотларнинг бевосита таъсири натижасида аграр соҳада сунъий яратилган кўп иш ўринлари қисқартирилди, уларни эгаллаб турган ишчи-ходимлар эса ишдан четлаштирилди, мамлакатда ишсизлар сони кўпайди.

Меҳнат қонунчилигида юз берган ўзгаришлар, аграр меҳнат бозори иштирокчиларига берилган эркинликлар, бир томондан, турли ички ҳамда ташқи омилларнинг кучли таъсири остида аграр меҳнат бозоридаги вазиятнинг кескинлашуви ва ишсизлик даражасининг ошиши — иккинчи томондан, қишлоқ аҳолиси бандлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Шундай муаммолардан бири — аграр меҳнат бозоридаги норасмий бандлик.

Қишлоқ хўжалиги қишлоқ аҳолиси учун меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий соҳаси ҳисобланади. 2014 йил маълумотларига кўра, қишлоқ жойларида 15100,1 минг киши истиқомат қилган бўлса, шундан 5690,9 минг киши иқтисодиётда банд бўлган, жумладан қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар 2896,2 минг кишини ташкил этган⁵¹. Демак, иқтисодиётда банд бўлган қишлоқ аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ хўжалигида банд. Бундан кейин ҳам қишлоқ хўжалиги қишлоқ аҳолисини ижтимоий фойдали иш билан таъминлашда ўзининг мавқеини муайян даражада сақлаб қолади.

Бутун дунё мамлакатлари бўйича тобора кескинлашиб, кенг тус олиб бораётган ва табиий равишда мамлакат ижтимоий, айниқса, иқтисодий тараққиётига кучли ва ҳар томонлама таъсир кўрсатаётган норасмий бандликнинг илм аҳли муҳокамасига чиқарилаётган методологик ва назарий муаммоларини чуқур таҳлил этиш, улар бўйича фикр-мулоҳазалар билдириш, назарий хулосалар чиқариш бугунги кун талаблари нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ иқтисодиётининг бошқа тармоқлари мисолида норасмий бандлик,

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.

унинг худудий, ўзига хос хусусиятлари билан алоқадор айрим методологик масалаларни ўрганиш ва улар бўйича ўзимизнинг фикр-мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қилдик.

Қишлоқ хўжалигида товар-пул муносабатларига асосланган бозор тамойилларининг қарор топиши, фермер ва деҳқон хўжаликларини шакллантириш асосида ердан унумли фойдаланиш масъулиятининг ошганлиги, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик, жумладан, меҳнат ресурсларини тежашнинг хўжалик юритишнинг асосий мезонига айланганлиги, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасининг тобора мустахкамланиб бораётганлиги ва бошқалар ушбу соҳада аҳоли бандлиги билан боғлиқ ва ечилиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни юзага келтирди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига, ушбу тармоққа жалб этилган меҳнат ресурслари унумдорлигига таъсир кўрсататган омил, норасмий бандлик билан бир қаторда, кадрлар кўнимсизлиги омили ҳисобланади. Мамлакатда маъмурий-бўйруқбозлик тизимида хос иқтисодий муносабатларнинг емирилиши ва ислохотлар жараёнида эркин бозор муносабатларининг қарор топиши, уларнинг тобора мустахкамланиб бориши ишчи кучининг иш ўринларини танлашдаги хулқ-атвори, иш натижаларига бўлган муносабатида кескин, туб ўзгаришлар бўлишига олиб келди ва бу жараён ҳеч қандай тўсиқларга учрамасдан, монеликсиз давом этмоқда.

Шу боисдан, норасмий бандликнинг долзарб муаммоларини, унинг кўламлари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида тобора ривожланиш сабабларини ва ушбу жараёнга таъсир этувчи омилларни махсус тузилган анкеталар ва шу анкеталар ёрдамида тадбиркорлар (фермерлар) ва ёлланма ишчилар ўртасида бевосита социологик сўровлар ўтказиш йўли билан ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, аграр меҳнат бозорида норасмий бандлик ҳар иккала томоннинг, яъни иш берувчи тадбиркор (фермер) ҳамда ёлланма ишчининг ўзаро маҳфий келишуви ва буни ушбу бозорнинг учинчи субъекти – давлатдан сир тутиши, бандликни ҳуқуқий асосда расмийлаштирмаслиги оқибатида юзага келади. Иш берувчи ва ёлланма ишчининг бундай хулқ-атвори ишлаб чиқариш жараёнида янгидан яратилган қийматнинг тақсимоотида давлатга тегиши лозим бўлган улушдан уни маҳрум этиш. Бордию ҳар иккала томон (иш

берувчи ва ёлланма ишчи) бандликни ошкора қилиб, давлатни содир бўлган воқеликдан воқиф этишса ва ўзаро меҳнат муносабатларини тегишли ҳужжатлар билан рўйхатдан ўтказишса, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қиймат аграр меҳнат бозорининг уч субъекти: давлат, иш берувчи ҳамда ёлланма ишчи ўртасида тақсимланади, норасмий бандлик эса рўйхатдан ўтган расмий бандликка айланади.

Аграр секторда норасмий бандлик фермер хўжалиги раҳбари ва ёлланма ишчи ўртасида, яъни давлат иштирокисиз, амалга ошириладиган воқеа бўлганлиги сабабли, анкета сўровларини ҳам Самарқанд вилоятининг 50 нафар фермер хўжаликлари раҳбарлари – бир томон, ҳамда 50 нафар фермер хўжаликлари ишчи-ходимлари – иккинчи томон, ўртасида алоҳида-алоҳида қилиб ўтказдик. Бундай ёндашувдан асосий мақсад – норасмий бандликка, унинг ўрни ва аҳамиятига нисбатан ҳар бир томоннинг муносабати қандай, келажакда уни расмий бандликка айлантириш йўлида қандай тўсиқ ва қийинчиликлар борлигини аниқлашдан иборат эди.

Социологик сўров жараёнида асосий этибор фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда ишчи-ходимларнинг жинси, ёши, ижтимоий аҳволи, маълумоти бўйича таркибини аниқлашга қаратилди. Сўров натижаларидан иш берувчилар таркибида ҳам, ёлланма ишчилар таркибида ҳам сон жиҳатидан эркаклар анча устун эканлиги маълум бўлди. Сўровда иштирок этганларнинг ёши бўйича таркибида иш берувчилар билан ёлланма ишчиларда анча кескин тафовутлар борлиги аниқланди (2.1-жадвал).


2.1-жадвал

Ёши	Фермер хўжаликлари раҳбарлари		Ёлланма ишчилар	
	сони, киши	ўлуши, %	сони, киши	ўлуши, %
18-25	0	0	11	22,0
20-30	3	6,0	5	10,0
31-35	3	6,0	7	14,0
36-40	16	32,0	6	12,0
41-45	13	26,0	11	22,0
46-50	10	20,0	2	4,0
51-55	4	8,0	1	2,0
56-60	1	2,0	3	6,0
60 дан зиёд	0	0	4	8,0
Жами	50	100,0	50	100,0

Фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ёлланма ишчиларнинг ёши бўйича таркиби

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, фермер хўжалиги раҳбарлари таркибида ёши 36 дан 50 гача бўлган, муайян иш тажрибасига эга бўлган кишилар 39 кишини ёки 78 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки, ёлланма ишчиларнинг ёш бўйича таркибида ҳали иш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар анча кўп: 30 ёшгача ишчи-ходимлар сони 26 кишидан иборат бўлиб, улар сўроқда иштирок этган респондентларнинг 52 фоизини ташкил этади. Ёлланма ишчилар таркибида нафақа ёшидаги кишилар 8 фоизни (4 нафар) ташкил этади.

Ёлланма ишчиларнинг ижтимоий аҳволи бўйича таҳлили фермер хўжалигида меҳнат қилаётганлар таркибида ўқувчи-талаба ва уй бекалари аксарият кўпчиликни ташкил этаётганлигини кўрсатади (2.1-чизма).



Чизма 2.1. Ёлланма ишчиларнинг ижтимоий аҳволи бўйича таркиби

Ёлланма ишчилар таркибида фермер хўжалигида расман банд бўлганлар 14 кишини (28 фоизни) ташкил этадилар. Қолган 36 киши (72 фоиз), яъни фермер хўжаликларида меҳнат қилаётганларнинг аксарият қисми, мавсум қизиган пайтда ишга жалб этиладиган ва расмий рўйхатдан ўтмаган норасмий бандлар: уй бекалари (16 киши ёки 32 фоиз), талаба-ўқувчилар (10 киши ёки 20 фоиз) ва бошқалар. Фермер хўжаликларида 5 нафар нафақахўр норасмий бандликда бўлиб, улар учун норасмий банд бўлиш икки томонлама даромад келтиради: бир томондан ойлик маошдан бюджетга солиқлар тўланмайди, иккинчи томондан эса ишламаётган нафақахўр сифатида

ойлик маошини 100 фоиз олади. Фермер хўжалигида меҳнат қилаётган ва даромад топаётган “ишсиз” лар ҳам норасмий бандликдан икки томонлама фойда кўриш имкониятлари мавжуд: улар “ишсиз” сифатида рўйхатдан ўтиб, вақтинча ижтимоий нафақага даъвогарлик қилишлари ва ноқонуний асосда кўшимча даромад манбаига эга бўлишлари мумкин.

Сўровда иштирок этган фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам банд бўлганлар таркибида асосий улуш ўқувчи-талабалар ва уй бекалари зиммасига тўғри келишини маълум қилишди. Шу билан бир каторда, анкета сўровлари натижалари кўпгина фермер хўжаликлари раҳбарлари учун норасмий бандлик заруратга, эҳтиёжга, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шартларидан бирига айланиб қолганлигини кўрсатди. “Хўжалигингизда норасмий бандликка эҳтиёж сезасизми?” деган саволга 50 нафар фермерлардан 38 нафари ёки 76 фоизи ижобий жавоб беришган. Фақат 12 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари норасмий бандликка ҳеч қандай эҳтиёжлари йўқлигини маълум қилишган.

Амалга оширилган анкета сўровларини умумлаштириш, жойлардаги аҳволни диққат билан кузатиш кишлоқ хўжалигида бугунги кунда кенг тарқалган норасмий бандликнинг асосий сабабларини аниқлаш имконини берди. Бизнинг хулосаларимизга кўра, булар қуйидагилардан иборат.

Кишлоқ хўжалигида норасмий бандликнинг кенг тарқалишининг асосий сабабларидан бири – норасмий банд бўлганларнинг асосий иш жойлари, яъни фермер хўжалигидан оладиган иш ҳаққининг пастлиги ва уларнинг ўз даромадларини оширишга бўлган табиий интилишлари. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кишлоқ хўжалигида норасмий банд бўлганларнинг аксарият кўпчилиги махсус касбий таълимга ва мутахассисликка эга бўлмаган, нисбатан паст малакали ва шу сабабли меҳнат бозорида рақобат курашида бардош бериш қуввати паст бўлган ишчи-ходимлар. Уларнинг таркибида меҳнат фаолиятини энди бошлаган, ҳаётий ва меҳнат тажрибасига эга бўлмаган, 20-25 ёш атрофидаги ёшлар ҳамда катта ҳаётий ва меҳнат тажрибасига эга бўлган, лекин ёши улғайиб қолган ўртача 40-55 ёшдаги кишилар аксарият кўпчиликни ташкил этади. Сўровда иштирок этганлардан ҳар иккала гуруҳга мансуб бўлганлар 26 кишини, яъни жами сўралганларнинг ярмидан зиёдрогини ташкил этади. Ушбу тоифага мансуб кишиларнинг аксарияти меҳнат

бозорида рақобатбардошлиги анча паст ва улар ноиложликдан фермер хўжалигида ёлланиб ишлаётганликлари эҳтимолдан йироқ эмас. Сўровда иштирок этганларнинг 13 нафари, яъни $\frac{1}{4}$ қисмидан зиёдроғи, айнан бошқа иш топа олмаганлиги сабабли фермер хўжалигида ишлашга мажбур эканлигини қайд этган. Бундан бир йил муқаддам, яъни 2014 йилда Самарқанд вилояти фермер хўжаликларининг 150 нафар ишчи-ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровнома ҳам айнан шундай натижаларни берган эди. Ўша пайтда сўровнома анкеталарини тўлдирган 150 нафар ишчи-ходимлардан 42 таси (28 фоизи) “Фермер хўжалигида ишлашингизнинг сабаби нимада?” деган саволга “Бошқа иш топа олмаганим учун” деган жавобни берган эди⁵². Демак, фермер хўжалигида банд бўлган ишчи-ходимларнинг $\frac{1}{4}$ қисмидан зиёдроғи ўзига маъқул иш топилса, яъни шундай имконият пайдо бўлса, фермер хўжалигини тарк этишга ва эгаллаб турган иш ўрнининг бўшатиб беришга тайёр. Табиийки, қулай вазият пайдо бўлганда бошқа ишга ўтиб кетиш кайфияти билан ишлаётган ходим эгаллаб турган иш ўрнини кадрламайди, ўз касби-корига нисбатан “илиқ” муносабада бўлмайди, фаол, самарали меҳнат қилиб, меҳнатнинг юқори сифат ва миқдор кўрсаткичларини намоён қилишга қизиқмайди. Бундай кайфиятдаги ишчи-ходимлар хўжаликка фойдадан кўра кўпроқ зиён келтирадилар, кўп ҳолларда ўзлари олган иш ҳақини ҳам тўла окламайдилар, корхонада кадрлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадилар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан бири — унинг мавсумийлигидир. Биз амалга оширган тадқиқотлар ҳам қишлоқ хўжалигида норасмий бандликнинг кенг тарқалишининг энг асосий сабабларидан бири маҳсулот ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигида эканлигини кўрсатди. Экин экиш, унга ишлов бериш, айниқса ҳосилни йиғиб-териб олиш паллаларида иш ҳажми ҳаддан зиёд кўпайиб кетади. Бунинг натижасида иш берувчиларда ишчи кучига талаб ҳам кескин кўпаяди ва фермер хўжалигининг доимий ишчи-ходимлари бундай пайтларда фермер хўжалигида тўлиқ иш билан банд бўладилар. Лекин мавсумдан ташқари бошқа вақтларда ишчи-ходимларнинг иш ҳажми камаяди ва шунга мос равишда уларнинг бўш вақтлари кўпаяди. Фермер

⁵² Мухаммедов М.М., Исхакова С.А., Мардонов Б.Б. Фермер хўжаликлари: бандлик ва даромадлар (социологик сўров натижалари). Рисола, Самарқанд, СамДУ, 2014, 9-б.

хўжаликларида олиб борилган кузатишлар, ёлланма ишчи ҳамда фермерлар билан ўзказилган мулоқотлар ҳам мавсум ўтгандан кейин янги иш мавсуми бошлангунга қадар фақат муайян иш соҳаларидан ташқари (масалан сувчи, чўпон, трактор ҳайдовчиси кабилар) бошқа соҳаларда иш ҳажми кескин камайиб кетишини ва ишчи-ҳодимларда ишдан бўш вақтлари кўп бўлишини, нафақат кунда 3-4 соат, айрим пайтларда ҳатто бир неча кунлаб бошқа иш билан шуғулланиш учун тўла имкониятлари борлигини эътироф этишди.

Анкета сўровига тушган фермер хўжалиги доимий ишчиларидан фақат 32 фойизи (16 киши) асосий иш жойида йил давомида узлуксиз тарзда банд бўлишини ва қўшимча ишлаш учун бўш вақти йўқлигини маълум қилишди. Қолган 34 кишидан 13 нафари кунига ўртача 4 соатгача, 15 нафари 5 соат, 6 нафари 6 соат давомида банд бўлишини маълум қилишган (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

“Фермер хўжалигида иш кунни давомида ўртача неча соат иш билан банд бўласиз?” деган саволга олинган жавобларнинг мазмуни

Жавоблар мазмуни	Ишчи-ҳодимлар	
	сон, киши	улуши, %
4 соатгача	13	26.0
5 соат	15	30.0
6 соат	6	12.0
Тўла иш кунни	16	32.0
Жами	50	100.0

Қолган вақт давомида улар асосий иш жойидан бўш бўладилар, фермер хўжалиги учун бир фойдали иш бажармайдилар, ўз вақтларининг бекор ўтказишдан бошқа чора топмайдилар. Улар ана шу бўш вақтларида фермер хўжалигидан ташқарида ўзларининг шахсий томорқаларида ёки, аксарият ҳолларда, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларда, баъзи ҳолларда, шаҳарга қатнаб бўлса ҳам, турли-туман ишларни бажарадилар ва ундан қўшимча даромад топадилар. Сўровнома натижалари шуни кўрсатдики, фермер хўжалигида меҳнат қилаётган ва асосий иш жойидан мавсумий иш қўламини камайтган пайтларда бўш вақтга эга бўлган 42 нафар ишчи-ҳодимлардан 40 таси, яъни деярли ҳаммаси ўзларининг бўш вақтларида бошқа соҳаларда ҳам меҳнат қилишларини маълум қилишган. Улардан 18 нафари тикувчилик билан, 12 нафари ҳайдовчилик, яна 12 нафари

хусусий шахсларга хизмат кўрсатиш (бола парвариши, касалларга қараш, уй ишчиси ва ҳоказо), 3 киши кўча савдосида, қолган 19 киши эса бошқа турдаги ишлар билан шуғулланаётганлигини маълум қилишди. Ўз-ўзидан аёнки, қўшимча даромад топиш мақсадида асосий иш жойидан ташқарида бошқа иш билан банд бўлганларнинг барчаси норасмий банд бўлганлардир.

Бозор иктисодиёти шароитида қимматбаҳо ресурс сифатида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан ёлланма ишчиларнинг асосий иш жойидан ҳоли бўлган вақтларида иккинчи, баъзан эса учинчи иш жойларида банд бўлишларини ижобий воқелик деб баҳолаш керак. Иккинчи, учинчи бандлик шакллари хорижий, жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштиришда катта рол ўйнайди. Бундан ташқари, бандликнинг ушбу шакллари аҳоли даромадларини шакллантиришнинг ва уни кўпайтиришнинг муҳим манбаларидан бири саналади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётган Ўзбекистонда ҳозирги кунда фермер хўжаликларида банд бўлганларнинг асосий иш жойидан бўш бўлган вақтларида бошқа соҳаларда ишлаш ҳолатларини ижобий баҳолаш мумкин. Бироқ, масаланинг энг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, ҳозирги кунда фермер хўжалигида ёлланиб ишлаётганларнинг қўшимча бандликдан топаётган даромадлари уларнинг умумий даромадлари таркибида салмоқли улушни эгаллаб турибди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, айрим ҳолларда фермер хўжалиги ишчи-ходимининг қўшимча бандлик эвазига оладиган иш ҳаққи унинг асосий иш жойидан оладиган иш ҳаққидан ҳам ошиб тушади, яъни ёлланма ишчининг асосий иш жойидан оладиган иш ҳаққининг унинг жами даромадлари таркибидаги улуши 50 фоиздан ҳам пастга тушиб кетади. Сўровномада кўрсатилган “иккинчи бандликдан оладиган иш ҳаққингиз қанчани ташкил этади?” деган саволга 24 нафар респондентлар, яъни жами сўралганларнинг қарийб ярми, ойига 300 минг сўмдан 400 минг сўмгача, сўровда иштирок этганларнинг айримлари эса 600 минг сўмдан 800 минг сўмгача, ҳаттоки 800 минг сўмдан 1 000 000 сўм атрофида иш ҳаққи олишини қайд этган. Ваҳоланки, 2014 йилда фермер хўжаликларининг сўровда иштирок этган 150 нафар ёлланма ишчиларидан фақат 28 фоизи (42

нафар) асосий иш жойидан, яъни фермер хўжалигидан 300 минг сўмдан 400 минг сўмгача иш ҳаққи олишини, 60 нафари, яъни 40 фоизи эса бундан ҳам пастроқ иш ҳаққи олаётганлиги ҳақида маълумот беришган эди⁵³. Албатта, бир йил мобайнида уларнинг иш ҳақлари анчага ўсди, айтайлик, ўртача 20-25 фоизга. Лекин, барибир, норасмий бандликдан оладиган даромаднинг фермер хўжаликлари умумий даромадлари таркибидаги салмоғи анча юқори. Миллий иқтисодиёт тармоқлари ичида ёлланма ишчиларнинг умумий даромадлари таркибида норасмий бандликдан олинадиган даромадларнинг улуши юқорилиги жиҳатидан айнан қишлоқ хўжалиги биринчилар қаторида бўлса ажаб эмас. Бу биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан изоҳланади.

Биз фермер хўжалиги ёлланма ишчиларининг айнан қўшимча бандликдан оладиган даромадлари уларнинг асосий иш жойидан оладиган даромадларига нисбатан албатта кўпроқ бўлиши керак, деган хулосадан йироқмиз. Бизнинг фикримизга кўра, ҳар қандай ёлланма ишчининг даромадларини шакллантиришда унинг эгаллаб турган асосий иш жойидан оладиган иш ҳаққи етакчи аҳамият касб этиши, бу иш ҳаққининг умумий даромадлар таркибидаги улуши эса 60-70 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда ёлланма ишчининг асосий иш жойидаги масъулияти, иш натижаларига бўлган моддий қизиқиши, асосий иш жойида узок йиллар ишлаш иштиёқи сусаяди. Оқибатда фермер хўжаликлари иш фаолиятини сифатли ишчи кучи ҳисобидан яхшилаш, самарадорликни ошириш имкониятларини бой беришлари муқаррар.

Мавзу бўйича амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, ёлланма ишчиларнинг асосий иш жойларидан, яъни фермер хўжалигидан олган иш ҳаққининг улар умумий даромадлари таркибидаги улушининг қўшимча манбалардан олган даромадларга нисбатан пастлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларига бориб тақалади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги, унинг пировард натижаларининг об-ҳаво ва бошқа табиий шароитларга боғлиқлиги ва бошқалар ушбу тармоқ иқтисодий самарадорлигига жиддий, айрим ҳолларда эса ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Азалдан қишлоқ хўжалиги ишлаб

⁵³ Мухаммедов М.М., Исхакова С.А., Мардонгов Б.Б. Фермер хўжаликлари: бандлик ва даромадлар (социологик сўров натижалари) Рисола. Самарқанд, СамДУ, 10-б.

чиқаришининг рентабеллиги нисбатан (масалан, саноат, савдо ва бошқаларга) энг паст бўлган тармоқлардан бири бўлиб, доимо давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади. Бу ҳолат қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларининг ёлланма ишчиларга юқори иш ҳаққи ставкаларини қўллаш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Фермер хўжалигида ёлланиб ишлаётган ишчи ўз меҳнатига фермер тўлаётган иш ҳаққини бошқа тармоқ ва соҳалардаги иккинчи бандликдан олган даромадлари билан таққослайди ва фермер хўжалигидан олаётган иш ҳаққининг нисбатан пастлигига амин бўлади. Фермер хўжаликларида банд бўлган ёлланма ишчилар каттагина қисмининг (30 фоиз атрофида) мажбурликдан, яъни ўз хоҳишига мос бошқа иш тополмаганлиги сабабли ишлаётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Табиийки, юқорида таъкидлаганимиздек, фермер хўжалигида бундай кайфият билан ва мажбурликдан ишлаб юрган ишчи-ходим биринчи имконият пайдо бўлгандаёқ фермер хўжалигини тарк этиб, иш ҳаққи нисбатан хийла баланд бўлган ва нисбаттан кўпроқ даромад келтириши мумкин бўлган бошқа соҳа ва тармоқларга муқаррар равишда ишга ўтиб кетадилар. Бу эса ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида долзарб бўлган кадрлар қўнимсизлиги муаммосини кучайтиради, тармоқ хўжаликларида кадрлар барқарорлигига эришишга жиддий путур еткази.

2.3-жадвал

“Норасмий бандлик хўжалигингизга қандай манфаат келтиради?” деган саволга олинган жавобларнинг мазмуни

№	Жавоблар мазмуни	Фермер хўжалиги раҳбарлари	
		сони, киши	улўши, %
1.	Иш ҳаққидан тўловлар тежалади	22	44,0
2.	Ишчи-ходимлар меҳнат унумдорлиги ошади	6	12,0
3.	Хўжаликнинг бошқа ташкилотлар олдидаги масъулияти пасаяди	9	18,0
4.	Зарурат пайдо бўлганда ишчи-ходимни ишдан бўшатиш муаммо бўлмайди	6	12,0
5.	Ишчи-ходимлар вақтинча меҳнатга лаёқатлилигини йўқотганда унга қўлланма тўланмайди	3	6,0
6.	Қоғозбозлик камаяди	1	2,0
7	Жавоб беришга қийналаман	3	6,0
	Жами	50	100,0

Норасмий бандликни кескин камайтириш чораларини излаб топиш учун унинг сабабларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, иш берувчилар учун ҳам, ёлланма ишчилар учун ҳам норасмий бандликдан кўзланган асосий мақсадлардан бири – бюджет тўловларининг тежаш ҳисобидан даромадларни (фойда ва иш ҳаққи) кўпайтиришдан иборат. Фермер хўжалиги раҳбарларига “Норасмий бандлик хўжалигингизга қандай манфаат келтиради?” деган саволга уларнинг жавоблари айнан иқтисодий манфаат устун аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди (2.3-жадвал).

Социологик сўровларда иштирок этган 50 нафар фермерлардан 22 нафари (44 фоизи) норасмий бандлик ҳисобидан бюджетга тўланадиган даромад солиғи, шунингдек, бандлик фонди тўловлари ва бошқа тўловлар эвазига харажатлар камайишидан манфаатдор эканликларини билдиришган. Фермер хўжаликлари раҳбарларининг 9 нафари, яъни 18 фоизи кейинги пайтларда ишчи-ҳодимлар ойлик маошларидан сақлаб қолинадиган коммунал (газ, электр энергияси тўловлари) тўловларини ундириш, пахта йиғим-терими, жамоа ишларига ишчи-ҳодимларни жалб этиш “бош оғриқ”ларидан халос бўлишдан манфаатдор эканликларини маълум қилишди. Бизнингча, фермер хўжаликлари ишчи-ҳодимларининг коммунал хизмат идоралари билан бўладиган ўзаро муносабатларини тартибга солишда ва улардан тўловларни ундиришда юридик шахс сифатида фаолият олиб бораётган фермер хўжалигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу фермер хўжалиги раҳбарияти учун бирмунча қулайсизлик ва муаммолар туғдириши билан бир қаторда, коммунал хизматларини тўлаш амалиётида ҳам анча чалкашлик ва англашолмовчиликларни юзага келтиради. Коммунал хизматлари тўловларини ундиришда фермер хўжалигини аралаштирмасдан, бевосита шу хизматларни харид қилган истеъмолчининг ўзи билан тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатиш ҳам адолатли, ҳам самарали бўлади. Ўйлаймизки фермер хўжаликларида (умуман, ҳар қандай юридик шахс мақомига эга бўлган бошқа корхоналарда ҳам) коммунал хизматлар учун тўловларни ундиришнинг бошқа йўллари ва механизмларини излаб топиш мақсадга мувофиқ.

Фермерлар барча бошқа иш берувчилар каби ишчи-ҳодимларнинг меҳнат унумдорлигидан иқтисодий жиҳатдан

манфаатдордирлар. Фермер хўжалиги фаолиятига жалб этилган барча ресурслар таркибида салмоқли ўринни эгаллаб турган меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнининг якуний натижаларига катта ижобий таъсир кўрсатади, корхона фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш, рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Социологик сўров натижалари норасмий бандликнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига таъсири юзасидан эътиборга молик бир ҳаққиқатни аниқлаш имконини берди. Анкета сўровларида иштирок этган фермер хўжаликлари раисларидан 6 нафари, яъни 12 фоизининг фикрига мувофиқ, хўжаликда норасмий банд бўлганлар расмий банд бўлганларга нисбатан унумлироқ меҳнат қилишар экан. Фермер хўжаликлари раислари билан бўлган ўзаро мулоқотларда улар норасмий бандликда меҳнат унумдорлиги нисбатан юқорироқ бўлишининг бир неча сабабларини кўрсатишди. Гўёки норасмий банд бўлганлар меҳнат пировард натижалари борасида расмий банд бўлганларга нисбатан масъулияти юқорироқ экан, ўз меҳнати учун оладиган пулни “ҳалоллаб” олишга, иш берувчининг талабларини тўлароқ кондиришга интилишар экан. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари раҳбарларининг фикрига биноан, норасмий банд бўлганларни вазиятга қараб унумли, самарали меҳнат қилишга моддий қизиқтириш, уларга тўланадиган меҳнат ҳаққи билан меҳнатнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни таъминлашга эришиш, акс ҳолда, меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтириш йўли билан уларни иқтисодий “жазолаш” масъулиятини ошириш, вазият тақозо этганда норасмий банд бўлганларни осонликча “жавоб”ини бериш мумкинлиги ёлланма ишчилар меҳнат унумдорлигига катта ижобий таъсир кўрсатар экан.

Социологик сўров натижалари фермер хўжалиги раҳбарларида кўйилган талабларга жавоб бермайдиган, меҳнат натижаларига бефарқ муносабатда бўлган, ишончни оқламаган, корхона манфаатлари юзасидан ишлатиш лозим бўлмаган ишчи ва хизматчиларни ишдан бўшатиш муаммоси мавжудлигини кўрсатди. Амалдаги меҳнат қонунчилиги нормалари билан ҳимояланган, лекин хўжалик манфаатлари юзасидан талабга тўла жавоб бермаётган ишчи-ҳодимларни ишдан бўшатиш фермер учун анча муаммолар туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли фермерлар, одатда,

вазият тақозо этганда ишдан четлаштириш ҳеч қандай муаммо туғдирмайдиган, истаган вақтида осонликча “жавоб”ини бериш мумкин норасмий бандлар билан ишлашни афзал кўрадилар. Сўровларда иштирок этган 6 нафар, яъни 12 фоиз фермерлар айнан ана шу нуқтаи назардан норасмий бандликни расмий бандликдан устун қўйишларини маълум қилишган.

Тадқиқотлар аграр меҳнат бозори иштирокчиларининг иккинчи томони – норасмий банд бўлган ёлланма ишчиларнинг бандликнинг ушбу шаклидан ўзларига тааллуқли бўлган ва, табиийки, мазмун жиҳатидан фермерларнинг манфаатларидан мазмунан ва таркибан жиддий фарқланадиган шахсий манфаатлари борлигини кўрсатди. Ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида норасмий бандликда бўлган ёлланма ишчиларга “Норасмий бандлик Сизга қандай манфаат келтиради?” деган савол билан мурожаат қилинди (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

“Норасмий бандлик Сизга қандай манфаат келтиради?” деган саволга билдирилган жавобларнинг мазмуни

Жавоблар мазмуни	Ишчи-ходимлар	
	сони, киши	улуши, %
Давлатга солиқ тўламайман	4	8,0
Иш ҳаққини нақд пул ашклида ўз вақтида оламан	13	26,0
Нафақанинг 50 фоизини йўқотишдан ўзимни асрайман	2	4,0
Хохлаган вақтимда ишни ташлаб кетиш имкониятим бор	7	14,0
Корхона мени қонуний тарзда ҳеч қандай жавобгарликка торта олмайди	5	10,0
Эркин, ўзимга ёққан пайтда ишлашни афзал кўраман	2	4,0
Иш вақтида турли қўшимча мажбурий топшириқларни бажармайман	9	18,0
Ҳеч қандай манфаат келтирмайди	8	16
Жами	50	100,0

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ёлланма ишчилар учун ҳам, ҳудди фермерлар сингари, норасмий бандликка мойиллик билдиришда иқтисодий манфаат асосий ўрин тутати. Лекин уларнинг иқтисодий манфаатлари кўп ҳолларда иш ҳаққини ўз вақтида, яъни кечиктирмасдан ва нақд пул шаклида олишда намоён бўлади. Сўровда иштирок этган ёлланма ишчилардан фақат 4 нафари (8 фоизи) давлат бюджетига солиқ тўламасликни бандликнинг ушбу шаклидан олаётган асосий

манфаати деб билар экан. Айни пайтда 13 нафар ёки 26 фоиз ишчи-ходимлар норасмий бандликдан оладиган асосий манфаатлари ойлик иш ҳаққини нақд пул шаклида ўз вақтида олиш эканлигини маълум қилишган. Демак, келажакда ёлланма ишчиларнинг норасмий бандликка иштиёқ ва мойилликларини пасайтириш учун ойлик маошни кечиктирмасдан, ўз вақтида бериш ҳамда пластик карточкаларга ўтказилган иш ҳаққининг муайян қисмини нақд пулга айлантиришни осонлаштириш масалаларини жиддий ўйлаб кўриш лозим бўлади.

Ёлланма ишчиларнинг анчагина қисми, аниқроғи 7 нафари (14 фоизи) норасмий бандликда ишни хоҳлаган пайтда ташлаб кетиши, иш ўрнини осонгина ўзгартириши мумкинлигидан манфаатдор эканлигини эътироф этган. Демак, улар фермер хўжалигида ноиложликдан ёки бошқа ўзларига маъқулроқ иш топа олмаганликлари учун вақтинча ишлаб юрганлар тоифасига мансуб. Фермер хўжалигида бундай кайфият билан ишлаётган ёлланма ишчилар қалтис пайтда фермер хўжалигига муаммо туғдириши, унинг иш фаолияти пировард натижаларига салбий самара бериши муқаррар. Шу сабабли фермер хўжалиги раҳбари жамоани бу тоифага мансуб ишчи-ходимлардан тезроқ “тозалаш” чораларини излаб кўриши ёки уларни расмий бандликка айлантиришга ҳаракат қилишлари мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, бундай ишчи-ходимлар фермер хўжалиги учун ноқулай бир пайтда, фараз қилайлик мавсум қизиган паллада, корхонага жиддий муаммо туғдириш, ишлаб чиқаришга зиён етказиш эҳтимоли катта.

Сўровда иштирок этган ёлланма ишчиларнинг анкетада акс эттирилган саволларга берган жавобларининг мазмунидан яна шу нарсга аён бўлдики, ишчи-ходимлар ўзларининг бевосита функционал вазифаларига кирмайдиган қўшимча мажбурият ва топшириқларни бажаришни хуш кўрмайдилар. Анкета сўровларида қатнашган ёлланма ишчилардан 9 нафари (18 фоиз) расмий бандликда бўлиб, ҳар хил қўшимча мажбурият ва топшириқларни бажаргандан кўра уларни бажармаслик учун норасмий бандликда бўлишни афзал кўришларини билдиришган. Улар билан ўтказилган суҳбат ва мулоқотлар шуни кўрсатдики, ёлланма ишчиларга уларнинг бевосита функционал вазифаларини бажаришга дахлдор бўлмаган тозалик, ободончилик, раҳбариятнинг шахсий юмушлари, ҳашар, навбатчилик тадбирларида иштирок этиш, мажлисларда қатнашиш ва бошқалар

билан боғлиқ мажбуриятларни жуда кўп бажаришга тўғри келади. Бу эса уларнинг ўз иш фаолиятидан қониқмаслик, бешиш, янги иш ўринларини ҳавас қилиш, имконият пайдо бўлганда эса иш жойини ўзгартиришларига асосий сабаблардан бири бўлса ҳам ажаб эмас. Келажакда норасмий бандлик кўламларини ва даражасини пасайтириш учун ёлланма ишчиларга ўз фаолият доирасидан ташқари қўшимча мажбурият ва топшириқларни тартибга олиш, уларни имкон қадар чегаралаш масалаларига эътиборни кучайтириш билан бир қаторда, қўшимча мажбурият ва топшириқларнинг иш ҳажмини моддий ва маънавий рағбатлантириш, тақдирлаш масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, жамоа аъзолари ўртасида тозалик, ободончилик, ўзаро ҳамжиҳатлик маданиятини юксалтиришга қаратилган тарбия ва тарғибот ишларини ҳам кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Сўралган ёлланма ишчилар таркибида бандликнинг норасмий шаклини танлашидан мақсад корхона олдида меҳнат қонунчилигида белгиланган масъулиятни ўз зиммасига олишни, унинг олдида меҳнат натижалари учун жавобгар бўлишни истамаган шахслар ҳам анчани — 5 нафар ёки 10 фоизни — ташкил қилади. Фермерлар ушбу тоифага мансуб ишчи-ҳодимлар билан оғзаки ўзаро келишувлар асосида меҳнат муносабатларига киришганда, уларнинг масъулиятсизлигини, демак, меҳнат интизоми пастлигини, ўз меҳнати учун жавобгарликни бўйнига олгиси келмаётганлигини, ўз хулқ-атворини идора қилишда иродаси етишмаслигини, ўзига-ўзи ишонмаслигини ҳам эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Бундай қалтис табиатли шахслар корхонанинг стратегик манфаатларини рўёбга чиқариш, унинг узоқ муддатли мақсадларини таъминлаш нуктаи назаридан яроқсиз, истикболсиз ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш фаолиятида бўлган нафақахўрлар ўз хоҳишларига қараб ё нафақанинг ёки ойлик маошнинг 50 фоизидан воз кечишлари лозим. Ушбу йўқотиш миқдор жиҳатидан шахс умумий даромадларининг анчагина қисмини ташкил этади. Шу сабабли иш фаолиятида бўлган ва нафақа олаётган кекса кишилар норасмий бандликда бўлишга ва шу йўл билан иш ҳаққи ёки нафақанинг 50 фоизини бой бермасликка, тежаб, даромадларини янада кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Сўровга тушган норасмий бандлар таркибида ушбу тоифадаги нафақахўр 2 кишини ташкил этган бўлсада, аслида бундай ҳолат ишлаб чиқариш

амалиётида тез-тез учраб туради. Фермерлар жамиятнинг ишонган одамлари, хўжалик раҳбарлари сифатида ёлланма ишчиларнинг бундай ғайриқонуний даромад топишларига йўл қўймасликлари, уни олдини олишга астойдил кўмаклашишлари лозим.

Анкета сўровларида иштирок этган ёлланма ишчилар таркибида норасмий бандликдан ҳеч қандай манфаат кутмаётганлигини ва шу сабабли уни хуш кўрмаганлигини 8 нафар ишчи-ҳодимлар эътироф этишган. Бундай шахслар жами сўралган 50 нафар ёлланма ишчилар таркибида унча салмоқли улушга эга бўлмасда (16 фоиз), лекин барибир, уларнинг бир қисми норасмий бандликнинг айрим ўзига жалб этадиган, ишчини қизиқтирадиган жиҳатлари борлиги, унга иқтисодий манфаат беришига қарамасдан, норасмий бандликка мойиллиги йўқлигини намойиш этишди. Норасмий бандликни ихтиёр қилмайдиган, қонунга итоат қилишни ўзининг фуқоролик бурчи деб биладиган ана шу тоифадаги кишиларнинг сафини кенгайтириб бориш бугунги кунда жамият олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу тоифага мансуб кишилар сафини кенгайтириш асосида норасмий бандлик даражасини пасайтириш вазифасини бажаришга қандай сабаб ва тўсиқлар борлигини ўрганиш мақсадида бандликнинг ушбу шаклини танлаган ишчи-ҳодимларга “Хўжаликда расмий банд бўлишингиз учун нима тўсқинлик қилади?” деган савол билан мурожаат қилинди (2.5-жадвал).

2.5-жадвал

“Хўжаликда расмий банд бўлишингиз учун нима тўсқинлик қилади?” деган саволга олинган жавобларнинг мазмуни

№	Жавоблар мазмуни	Норасмий банд бўлган ишчи-ҳодимлар	
		сони, киши	улуши, %
1.	Хўжалик раҳбари бунди хохламайди	17	40,5
2.	Даромад солиғи ушланади	14	33,3
3.	Нафақанинг 50 фоизидан маҳрум бўламан	2	4,8
4.	Ўзим хохламайман	9	21,4
Жами		42	100,0

Қўйилган саволга олинган жавобларнинг мазмуни бир қатор муҳим эътиборга лойиқ ҳулосалар чиқариш имконини берди. Норасмий бандлар сонини қисқартириш ва бунинг ҳисобидан расмий бандлар сафини кенгайтиришда энг асосий тўсиқ хўжалик

рахбарларининг ўзи эканлиги аниқланди. Фермер хўжаликларида норасмий банд бўлганларнинг 17 нафари, яъни 40,5 фоизи айнан хўжалик раҳбари хоҳламаганлиги сабабли бандликни расмийлаштира олмаганлигини эътироф этишди. Албатта, аграр меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи унга бўлган талабга нисбатан анча юқори бўлган ҳозирги шароитда, ёлланма ишчилар иш берувчининг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиши, у билан муроса қилиши, унинг шартларини имкон қадар қабул қилиши керак. Лекин бандликнинг шаклини танлаганда ёлланма ишчилар фақат раҳбар хоҳлаганлиги учунгина норасмий банд бўлишга рози бўлиши, яъни ташаббусни қўлдан бермаслиги лозим, деб ўйлаймиз. Балки анкета саволларига жавоб берганда норасмий банд бўлган ёлланма ишчилар ўз сирларини ошкора қилмаслик мақсадида айбни кўпроқ хўжалик раҳбарига ташлаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин, барибир, норасмий бандликни қисқартириш муаммоларини ечишда ёлланма ишчилар билан тадбиркорлар ўртасида ўзаро меҳнат муносабатларини расмийлаштирилмаганлиги учун айнан хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш лозим, деган ғояни илгари сурмоқчимиз.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ёлланма ишчиларда норасмий бандликни расмий бандликка айлантиришга монелик қиладиган асосий тўсиқ — бу иқтисодий манфаат. Норасмий банд бўлганлардан 14 нафари (33,3 фоизи) иш ҳақидан даромад солиғи ва бошқа тўловларни тўлашни расмий бандликка ўтишнинг салбий оқибати сифатида кўрсатишган. Демак, келажакда солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш норасмий бандликни расмий бандликка айлантиришнинг асосий йўналишларидан бирига айланиши мумкин. Кейинги йилларда Ўзбекистонда давлат томонидан ижтимоий ва юридик шахсларни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш соҳасида изчиллик билан амалга ошириладиган сиёсатни асос қилиб оладиган бўлсак, келажакда айнан шу омил ҳисобидан норасмий бандлар сонини камайтириш истиқболларини тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Норасмий бандлик кўламларини қисқартириш ва уни расмий бандликка айлантириш муаммосини ечишда ҳар иккала томон, яъни ёлланма ишчи ва иш берувчиларнинг ўзаро меҳнат муносабатларини амалдаги қонунчилик асосида ташкил этишнинг афзалликлари, яхши томонлари тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлишлари муҳим

аҳамият касб этади. Шу сабабли анкета сўровлари ўтказиш жараёнида фермер хўжалиги ишчиларига “Расмий банд бўлишнинг қандай афзал томонлари бор, деб ўйлайсиз?” деган савол билан мурожаат қилинди. Сўровда иштирок этганларнинг анчагина қисми, аниқроғи 12 нафари (24 фоиз) расмий бандлик кексайиб, ёш бўйича меҳнатга лаёқатсиз бўлганда нафақа билан таъминлаш хусусияти билан норасмий бандликка нисбатан афзал эканлигини қайд этишган (2.6-жадвал). Дарҳақиқат, киши ёши улғайиб, нафақа ёшига етганда, меҳнат билан даромад топиш имкониятлари пасайиб қолганда уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим воситаларидан бири-нафақа билан таъминлаш ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоянинг жамият ихтиро қилган бу самарали воситасидан унумли фойдаланмаслик, норасмий бандликда бўлиб, кексайганда шундай имкониятдан ўзини маҳрум этиш – оила иқтисоди муаммоларини ечишда йўл қўйилган катта хатолардан бири. Афсуски, буни ёлланма ишчиларнинг фақат 12 нафари тўғри тушунади, қолганлари эса кексалик ҳақида қайғурмайди ҳам.

2.6-жадвал

“Расмий банд бўлишнинг қандай афзал томонлари бор деб ўйлайсиз?” деган саволга асосий жавобларнинг мазмуни

Жавоблар мазмуни	Ишчи-ҳодимлар	
	сони, киши	улуши, %
Меҳнат шартномаси қонунларини бузмаган ишчи ҳодимни хўжалик маъмурияти ишдан четлаштирмайди, у доимий иш билан таъминланган бўлади	11	22,0
Вактинча иш қобилиятини йўқотган тақдирда иш ҳаққи билан таъминланади	8	16,0
Қорхона томонидан меҳнат шартномаларини яратиш ҳамда меҳнатни муҳофазалашга оид қонунлардан фойдаланиш мумкин	10	20,0
Нафақа ёшига етганда ишчи нафақа билан таъминланади	12	24,0
Иш стажига эга бўлиш	4	8,0
Меҳнатда эришган ютуқлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятларига эга бўлиш	5	10,0
Жами	50	100,0

Фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида расмий бандлик доимий, ишончли, худда-беҳудага йўқотиб қўймайдиган иш ўрни билан таъминланиш нуқтаи назаридан норасмий бандликка нисбатан афзал эканлигини тушунадиганлари

ҳам анчагина. Бундай тоифадаги ишчи-ҳодимлар жами респондентларнинг 22 Ҷоизини (11 киши) ташкил этар экан.

Япония миллий иқтисодиётида иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасида меҳнат муносабатларини ташкил этиш таҷрибаси шундан далолат берадики, ишчи ва хизматчиларни умрбод ёллаш ҳар иккала томон учун манфаатлидир: корхона фаолиятининг самарадорлиги ортади ва айни бир пайтда, ишчи умрбод доимий ва ишончли иш ўрни билан таъминланган бўлади. Аграр меҳнат бозоридаги бандликни ёлланма ишчи ҳамда тадбиркорлар ўртасида меҳнат муносабатларини ташкил этишнинг японча модели нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, унинг самарадорлиги жуда пастлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Аграр меҳнат бозоридаги бандлик ҳамда кадрлар қўнимсизлиги масалаларига аниқлик киритиш мақсадида фермер хўжалиги раисларига тарқатилган анкета сўровномаларидаги саволлар таркибига охириги бир йил давомида қанча кишини фермер хўжалигига ишга қабул қилганлиги (2.7-жадвал) ва қанча кишини ишдан четлаштирилганлиги (2.8-жадвал) ҳақида саволлар киритилди.

2.7-жадвал

*“Кейинги бир йил давомида неча кишини ишга қабул қилдингиз?”
деган саволга фермер хўжалиги раислари берган жавобларининг
мазмунини*

№	Жавоблар мазмунини	Раисларнинг		Жами ишловчилар	Ишга қабул қилинганлар
		сонин, киши	улушин, %	сонин, киши	сонин, киши
1.	1 киши	12	24,0	54	12
2.	2 киши	10	20,0	57	20
3.	3 киши	6	12,0	31	18
4.	4 киши	7	14,0	45	28
5.	5 киши	7	14,0	68	35
6.	6 киши	2	4,0	44	12
7.	7 киши	1	2,0	37	7
8.	Ишга қабул қилганим йўқ	5	10,0	28	-
Жами		50	100,0	364	132

2.7-жадвал маълумотлари шуни кўрсатаптики, сўнгги бир йил давомида анкета сўровларида иштирок этган 50 нафар хўжалик

раислари 132 кишини ишга қабул қилган. Бу фермер хўжаликларида ишлаётган жами ёлланма ишчилар сони 364 эканлигини инобатга олсак, шулардан 36,3 фоизи янгидан ишга қабул қилинганлар эканлиги маълум бўлади. Айрим фермер хўжаликларида йил давомида ёлланма ишчилар таркиби қарийб 60 фоизга янгиланганлиги аниқланди.

2.8-жадвал

“Кейинги бир йил давомида нечта кишини ишдан четлаштирдингиз?” деган саволга фермер хўжалиги раисларининг берган жавобларининг мазмуни

№	Жавоблар мазмуни	Раисларнинг		Ишчи-ходимлар сони, киши	
		сон, киши	улуши, %	жами	жумладан охириги 1 йилда ишга қабул қилинганлар
1.	1 киши	19	38,0	102	19
2.	2 киши	10	20,0	67	20
3.	3 киши	3	6,0	24	9
4.	4 киши	3	6,0	38	12
5.	5 киши	2	4,0	21	10
6.	6 киши	2	4,0	30	12
7.	7 киши	1	1,0	34	8
8.	8 киши	1	2,0	37	7
9.	Ҳеч кимни	2	4,0	11	-
10	Жавоб кўрсатилмаган	7	14,0		x
	Жами	50	50,0	364	97

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан фермер хўжаликлари раҳбарлари бир йил давомида 97 кишини ишдан четлаштирган. Бу жами ишлаётганларнинг 26,6 фоизини ташкил этади.

Расмий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда кадрлар қўнимсизлиги даражаси биз социологик тадқиқотлар ўтказган фермер хўжаликлари кўрсаткичларига нисбатан анча паст.

Ўзбекистонда иш берувчилар ҳамда ёлланма ишчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини ташкил этишда анча либерал, эркин модел, яъни АҚШ модели қўлланилади. Унга мувофиқ ишчи-ходимлар иш ўринларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзгартиришлари, зарурат пайдо бўлганда бемалол бошқа ишга ўтиб кетиш имкониятига эгадирлар. Меҳнат муносабатларини ташкил этишда Япония ёки АҚШ

моделининг устунлиги ҳамда камчиликлари тўғрисида илмий адабиётларда жуда кенг қамровли ва диққатга сазовар фикр-мулоҳазалар билдирилган, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинган. Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини, меҳнат бозоридаги мураккаб конъюктурани, халқимиз менталитетининг япон халқи менталитетига айрим яқинлик жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак, томонлар ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатларини ташкил этишда японча ёндашувни қўллаш кўпроқ ижобий самара бериши мумкин. Ушбу муаммога тааллуқли мустақил тадқиқотларни амалга ошириш, Япония моделини чуқур ва диққат билан ўрганиш, уни бизда қўллашнинг ижобий ва салбий томонларини асослаб бериш меҳнат иқтисодиёти фани олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Лекин мазкур тадқиқот доирасида шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, аграр меҳнат бозоридаги кадрлар қўнимсизлиги муаммоларининг кескинлиги биринчи галда норасмий бандлик билан боғлиқ. Чунки расмий асосга эга бўлган бандлик норасмий бандликка нисбатан сезиларли даражада барқарор ва узоқ муддатли бўлади, зарурат тақозо этганда томонлар ўртасидаги низо ва келишмовчиликларни бартараф этишда ва меҳнат муносабатларини тартиблашда қонун меъёрлари ишга солинади ва пировард натижада кадрлар қўримсизлиги кескин пасаяди.

Аграр меҳнат бозорининг ҳар учала субъектлари, яъни давлат, иш берувчи ва ёлланма ишчи учун ҳам фойдадан кўра зиёни кўпроқ бўлган норасмий бандлик қўламларини қисқартиришда ва аста-секин уни расмий бандликка айлантиришда фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган шахсларнинг — раисларнинг роли жуда катта. Сабаби норасмий бандлик икки томоннинг, яъни иш берувчи ҳамда ишга ёлланган ишчининг ўзаро махфий келишуви асосида амалга ошади ва, табиийки, ушбу келишувни улар давлат органларидан қатъий сир сақлайдилар. Келажакда норасмий бандлик қўламларини қисқартириш мақсадида давлат органлари томонидан бу сирни ошкора қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш анча қимматга тушади. Норасмий бандлик ёлланма ишчилар учун кўп ҳолатларда уларнинг объектив эҳтиёжларини қондириш, ночорликни юмшатиш имкониятларидан бири бўлганлиги сабабли, улар ҳам норасмий бандликка қарши курашда фаол иштирок этиш имкониятига эга эмаслар. Фермер хўжалиги раҳбарининг иқтисодий

имкониятлари эса ёлланма ишчиларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Бундан ташқари, мазкур монографиянинг олдинги бобларида таъкидланганимиздек, норасмий бандлик кўп ҳолларда тадбиркор учун бойлик орттириш, даромадларни максималлаштириш воситасига айланиб бормоқда.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, социологик сўров жараёнида фермер хўжалиги раҳбарларининг норасмий бандлик аграр меҳнат бозори иштирокчиларидан қайси бирига зарарли эканлиги тўғрисида қандай тасаввурга эга эканликларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ана шу мақсадда респондентларга яъни хўжалик раисларига “Норасмий бандлик кимга зарар келтиради, деб ўйлайсиз?” деган савол билан мурожаат қилдик (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

“Норасмий бандлик кимга зарар келтиради деб ўйлайсиз?” деган саволга олинган асосий жавобларнинг мазмуни

Жавоблар мазмуни	Хўжалик раҳбарлари	
	сон, киши	улуши. %
Корхонага	3	6,0
Норасмий банд бўлган шахснинг ўзига	14	28,0
Давлатга	31	62,0
Ҳеч кимга зарар келтирмайди	2	4,0
Жами	50	100,0

Қизиғи шундаки, сўровда иштирок этган айрим хўжалик раҳбарлари (3 нафар ёки 6,0 фоизи) норасмий бандлик корхона учун зарарли, деб ҳисоблар эканлар. Дарҳаққиқат, норасмий бандликка қарши давлат сиёсати мукаммаллашиб борган сайин, ушбу бандлик шаклининг корхонага келтирадиган салбий оқибатлари ҳам ортиб бораверади. Лекин, афсуски, норасмий бандлик кўламларини қисқартиришга ёрдам бериши керак бўлган механизмаларнинг камчилик ва нуқсонлари ҳали жуда кўп. Келажакда уларни бартараф этиш асосида ушбу механизмлар самарадорлигини ошириш илм аҳли ва амалиётчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Сўров натижалари фермер хўжаликлари раҳбарларининг аксарият қисми норасмий бандлик корхонага эмас, балки аграр меҳнат бозорининг бошқа иштирокчиларига зарар келтиради, деган фикрда эканликларини кўрсатди. Сўровда иштирок этган фермер хўжалиги раҳбарларидан 31 нафари (62,0 фоиз) норасмий бандлик

давлатга, яна 14 нафари эса норасмий бандликда бўлган шахсларнинг ўзига зарар келтиради деган мазмунда жавоб беришган. Демак, 45 нафар ($62,0+28,0=90$ фоиз) фермер хўжалиги раҳбарлари норасмий бандлик хўжалик учун зарарли эмас, деган фикрда эканлар. Фермер хўжаликлари раҳбарлари дунёқарашида мустаҳкам ўрнашиб қолган бундай муносабат, табиийки, норасмий бандликка қарши курашишда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Модомики, хўжалик раҳбари норасмий бандликнинг корхонага келтираётган ёки келажакда келтириши мумкин бўлган салбий оқибатлари ва зарарларини тўла ҳис этмаётган экан, уни баҳолашга билими ва ақлу-заковоти ожизлик қилаётган экан, демак, у норасмий бандликка қарши курашда фаол иштирок этмайди. Ваҳоланки, норасмий бандлик кўламларини қисқартириш ва уни расмий бандликка айлантириш муаммоларининг ечимиолдинги бобларда қайд этилганидек, кўп жиҳатдан айнан ана шу иш берувчи тадбиркорларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда хулқ-атворлари билан боғлиқ.

Амалга оширилган тадқиқотлар аграр меҳнат бозоридаги норасмий бандлик тўғрисида бир неча муҳим хулосалар чиқариш имконини берди:

1. Қишлоқ хўжалигида норасмий бандлик даражаси нисбатан анча юқори. У фермер хўжалигида меҳнат қилаётган, лекин қонуний тарзда расмийлаштирилмаган ва шу сабабли хўжаликдан оладиган иш ҳаққи ва бошқа даромадлари расман рўйхатдан ўтмаган ҳамда хўжаликка қонуний тарзда ишга қабул қилинган, лекин иш ҳаққини муайян бир қисмини рўйхатга киритмасдан нақд пул ёки натура шаклида оладиганлар, шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлганлар, иш ҳаққи олмайдиган деҳқон хўжаликлари киради.

2. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг аксарият кўпчилиги (деярли 70-80-фоизи) қишлоқ хўжалигида иш ҳажми камайган ҳолларда, яъни асосий ишдан бўш вақтларида, қўшимча даромад топиш мақсадида бошқа соҳаларда вақтинчалик турли-туман ишларни бажарадилар ва бундай ишлар расмий ҳужжатлар билан қонунийлаштирилмайди.

3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумий даромадларида расмий фаолиятдан иш ҳаққи сифатида оладиган даромадлари тахминан 30-40 фоизни ташкил этади. Қолган даромадлар эса норасмий бандликдан, ижтимоий тўловлардан, хориждаги мигрантлардан юборилган пуллар ва бошқа манбалар

ҳисобидан шаклланади. Бундай аҳвол қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини тартибга солишда, бу муҳим ишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий, маъмурий ва бошқа воситаларидан унумли фойдаланишда, меҳнатни турли воситалар билан самарали рағбатлантиришда, умуман қишлоқларда мавжуд бўлган катта ҳажмдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

4. Маълум сабабларга кўра, қишлоқ хўжалигида норасмий бандларнинг умумий сони ва ушбу банд аҳоли олаётган жами даромадлар миқдори аниқ эмас. Келажакда қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми банд бўлган ушбу тармоқда норасмий бандликни қисқартириш чораларини излаб топиш, норасмий бандликни расмий бандликка айлантириш механизмларини ишлаб чиқиш учун биринчи навбатда норасмий бандлик ва унинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даромадларини шакллантиришдаги улуши тўғрисида, яъни ушбу тармоқда норасмий бандликнинг кўламлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим.

5. Норасмий бандлик қишлоқ хўжалигида инсон капиталини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, бугунги кунда қишлоқларда мужассамланган улкан меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш авваламбор инсон капитали ва ундан энг асосий омил сифатида унумли фойдаланиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ.

III БОБ. НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЗАРУРИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Норасмий бандликни қисқартириш – ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг муҳим йўналиши

Ҳар қандай иқтисодий воқелик ва ҳодисаларда бўлганидек, норасмий бандликнинг ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда миллий иқтисодиёт макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсири нуқтаи назаридан ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Улар ҳақида мазкур ишнинг олдинги бобларида батафсил изоҳ ва тушунтиришлар берилган, гипотезалар илгари сурилиб, улар бўйича атрофлича фикр мулоҳазалар баён этилган эди.

Иқтисодиёти ночор, ишсизлик даражаси жуда юқори, иш ҳаққи ва меҳнат даромадлари эса паст бўлган ва миллий иқтисодиёти яхши ривожланмаган мамлакатларда норасмий бандлик аҳоли турмуш даражаси ҳамда тадбиркорларнинг фаолиятида юзага келган оғир вазиятни юмшатиш, қолаверса, қашшоқлик ва муҳтожликка қарши кураш воситаси сифатида қўлланилади. Оила аъзолари жон бошига ўртача кунлик реал даромадлар 1,5 АҚШ долларидан кам бўлган, аксарият ҳолларда ойлик маоши яшаш минимуми даражасидан юқори бўлмаган. меҳнат фаолиятидан топган иш ҳаққи даромадлари биринчи даражали абъектив эҳтиёжларини қондиришга ҳам аранг етаётган аҳоли қатламлари учун норасмий бандлик яшаш ва ҳаёт кечиришнинг асосий ва муҳим воситасига айланади. Бундай тоифага мансуб аҳоли ривожланаётган, ҳаттоки юксак ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин ривожланган мамлакатларда уларнинг сони ва жами аҳоли сонигаги улуши жуда кам бўлиб, мамлакат жами аҳолисининг ижтимоий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Иқтисодий ночор, қашшоқликда ҳаёт кечираётган фуқароларнинг норасмий бандлиги давлат томонидан назорат қилиниши лозим, лекин у таъқиб остига олинмаслиги, унга нисбатан иқтисодий жазолашнинг ёки маъмурий жавобгарликка тортишнинг ҳеч қандай воситалари қўлланилмаслиги керак. Бундай ҳолатларда норасмий бандликка қарши курашнинг ягона воситаси – миллий иқтисодиётни жадал суръатлар билан юксалтириш, миллий даромад тақсимоотида ижтимоий адолат тамойилларини кучайтириш, минимал иш ҳаққини кўтариш асосида аҳоли моддий табақаланиши даражасини пасайтиришга эришишдан иборат бўлмоғи лозим.

Миллий иқтисодиёти барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланаётган, анча йиллар давомида мунтазам тарзда юкори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини намоиш этаётган Ўзбекистонда, иқтисодиёти қолоқ мамлакатлардан фарқли равишда, норасмий бандликни қашшоқлик ва муҳтожликнинг аломатлари сифатида қараб бўлмайди. Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг юкори суръатлар билан ўсишига ва шунга мос равишда, турмуш фаровонлигининг юксалишига қарамасдан, норасмий бандлар сони ҳамда уларнинг иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидаги улушининг ошиб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Ўзбекистонда 2005-2014 йилларда аҳоли даромадлари ва норасмий бандликда бўлганлар сонининг ўзгариши

Кўрсаткичлар	Й и л л а р					
	2005	2010	2011	2012	2013	2014
Аҳолининг реал даромадлари, жами млрд.сўм	9728,6	47645,0	62590,5	77293,4	89433,6	103377,1
Реал даромадлар аҳоли жон бошига - миқдори, минг сўм	372,3	1550,9	1988,4	2478,0	2997,1	3361,0
2005 йилга нисбатан ўсиш суръатлари, %	100,0	309,1	5,3 марта	6,7 марта	7,8 марта	9,0 марта
Норасмий банд аҳоли аҳоли -сони, минг киши	3721,6	4128,0	4339,4	4473,9	4696,2	5024,8
2005 йилга нисбатан ўсиш суръати, %	100,0	110,9	116,6	120,2	126,2	135,0


Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари тез суръатлар билан ўсиб борганлигидан далолат беради. 2005 йилда аҳоли жон бошига ўртача даромадлар 372,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилда у 3361,0 минг сўмни ташкил этган, яъни шу давр мобайнида аҳоли турмуш фаровонлигини акс эттирувчи ушбу кўрсаткич 9 мартага кўпайган. Аҳоли даромадларининг тез суръатлар билан ўсиб боиши биринчи навбатда давлат томонидан изчиллик билан амалга оширилган ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қартилган ижтимоий сиёсат, жумладан, иш ҳаққини мунтазам тарзда ошириб бориш сиёсатининг натижасидир. Меҳнатга

ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, ўртача ойлик иш ҳаққи миқдорини босқичма-босқич ва муттасил ошириб бориш, унинг аҳоли ялпи даромадларидаги улушининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик ва уни барқарор даражада сақланиб қолишини таъминлаш чора-тадбирлари аҳоли даромадларининг тез суръатлар билан ўсишида муҳим ва сезиларли рол ўйнади.

Иш ҳаққи ва бошқа даромад турларининг тез суръатлар билан ўстириш сиёсати аҳоли барча қатламларининг, хусусан меҳнат фаолиятидан оладиган иш ҳаққи оила даромадининг ягона ёхуд асосий манбаи бўлган кишиларнинг ўртача даромадларини изчил ўсиб боришини таъминлади. Мамлакат аҳолиси таркибида кам таъминланган, иқтисодий ночор аҳоли сони кескин қисқариб, бадавлат мулкдорлар синфи ҳамда ўрта қатламнинг улуши кўпайди. Эксперт хулосаларига кўра, ўртача даромадларга эга бўлганлар агар 2000 йилда 24 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган. Мамлакатда кам таъминланган, иқтисодий ночор аҳоли қатламлари турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилган ижтимоий сиёсат натижасида аҳоли турли гуруҳлари ўртасидаги моддий табақаланиш даражаси йилдан йилга пасайиб бормоқда ва 2010 йилга келиб, Ўзбекистонда аҳоли гуруҳлари моддий табақаланишини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири – Джини коэффиценти 30 ни 2015 йилда 20 ни ташкил этди⁵⁴ (3.1-чизма). Бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача даражага мос келади ёки кўп ҳолларда улардан ҳам пастроқ даражани ташкил этади. Масалан, Испанияда ушбу кўрсаткич 0.24 ни, Белгияда 0.25 ни, Германияда 0.29 ни, Францияда 0.30 ни, Италия ва Канадада 0.33 ни ташкил этади⁵⁵. Кейинги йилларда аҳоли даромадлари, айниқса кам таъминланган аҳоли қатламлари турмуш даражасида содир бўлаётган ижобий силжишларни тасдиқловчи кўплаб рақам ва далиллар келтириш ва мамлакатда норасмий бандликнинг ўсиши аҳоли иқтисодий ночорлигининг натижаси эмаслигини ҳар томонлама исботлаш мумкин.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам Т: Ўзбекистон, 2011, 79.85-66.

⁵⁵ <https://img.washingtonpost.com>



Албатта, Ўзбекистонда ҳали кам таъминланган, иқтисодий ночор, хожатманд аҳоли қатламлари аҳолининг анча қисмини ташкил этади ва улар шак-шубҳасиз ташқаридан иқтисодий кўмак олишга, ижтимоий ҳимояга муҳтожлик сезадилар. Улар учун, айниқса доимий иш ўринлари билан таъминланмаган аҳоли учун норасмий бандлик яшаш ва ҳаёт кечириш муаммоларини ҳал этиш воситаларидан бири саналади. Бироқ норасмий бандликда бўлганларнинг аксарият қисми бандликнинг ушбу шаклидан кўрадиган наф, иқтисодий манфаат бойиш, иккинчи даражали, баъзан эса ғайритабиий эҳтиёжларини қондириш, бекаму-кўст, тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш мақсадларида фойдаланилади. Айниқса бозорда мустақкам мавқега эга бўлган, самарали фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун норасмий бандлик корхона ялпи даромадларини шакллантиришда салмоқли ўринни эгаллайди.

Кам таъминланган, иқтисодий ночор, хожатманд жамият аъзоларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимояга олиш зарурлиги нуктаи назаридан норасмий бандликни фақат ноиложликдан, ўзининг биринчи даражали физиологик эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланган шахсларга нисбатан хайрихоҳлик билдириш мумкин. Бундай ёндашув, бир томондан, тақсимот муносабатларида ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш ва янада мустақкамлаш имконини беради. Иккинчи томондан эса, бозор иқтисодиётининг аҳоли социал

гуруҳлари ўртасидаги моддий табақаланиш (дифференциация) даражасини пасайтириш учун қулай шароит яратади.

Агар иқтисодиётда норасмий банд бўлганлар ва бандликнинг ушбу таклифи даромад топаётганлар фақат иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган, кам таъминланган, ноиложликдан норасмий банд бўлганлардан таркиб топганда эди, балки уни қисқартириш, унга қарши астойдил курашишга ҳожат ҳам бўлмаган бўлар эди. Лекин норасмий бандликни ихтиёр этган фуқароларнинг таркибида ноиложликдан эмас, балки ўз даромадларини янада кўпайтириш, бойлик орттириш мақсадларида меҳнат муносабатларини қонун ҳужжатлари билан рўйхатдан ўтказмаётган, меҳнатга оид қонун нормаларини қўпол равишда бузиб, мол-дунё тўплаётган шахсларнинг улуши устунлик килади. Муаммонинг мураккаблиги шундаки, норасмий бандликда бўлганларнинг умумий сонини турли метод ва амаллар ёрдамида маълум бир хато ва ноаниқликларга йўл қўйиб бўлса ҳам аниқлаш мумкин бўлади, лекин унинг келиб чиқиш сабаблари бўйича таркибини аниқлашнинг ҳеч қандай имкони мавжуд эмас.

“Иқтисодий одам”нинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари кам меҳнат сарфлаб, кўпроқ натижа олиш, нафлиликни максималлаштириш тамойили асосида белгиланади. Ушбу тамойилга мувофиқ у, имконият пайдо бўлганда, норасмий бандликдан ҳам пировард натижаларни кўпайтириш, ижобий самара олишга интилади. Унинг учун норасмий бандликдан фойдаланишга қулай шароит, имконият бўлишининг ўзи кифоя. Айни пайтда муайян бир шахс учун норасмий бандлик айнан оғир, мураккаб бир вазиятдан, муҳтожликдан чиқиш воситасими ёки “иқтисодий одам”нинг пировард натижани максималлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари ва интилишларими, буни аниқлашнинг ва жамият миқёсида баҳолашнинг, яъни бу борада адолат юзасидан “оқ” билан “қора”ни ажратишнинг ҳеч бир иложи йўқ. Кимларнингдир яшаш ва ҳаёт кечириши учун норасмий бандликдан, ўрнатилган тартиб ва “ўйин қоида”ларига риоя қилмасликдан ўзга чораси йўқ ва улар учун норасмий бандлик озгина бўлсада вазиятни юмшатишга, тежалган маблағдан ижобий, кўп ҳолларда мултипликатив самара олишга ёрдам беради. Кимлар учун эса қонунни бузмасликнинг, норасмий даромадларсиз яшашнинг иложи бўла туриб, норасмий бандликдан ўз

шахсий манфаатлари йўлида, даромадларини янада кўпайтириш, бойлик орттириш мақсадларида фойдаланадилар.

Модомики амалда норасмий бандликнинг туб моҳиятини ва ҳаққиқий мотивларини аниқлашнинг иложи йўқ экан, бундай бандликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бориш, мамлакатда унинг кўламларини, норасмий банд бўлган фуқаролар сонини кескин қисқартиришнинг самарали механизмларини яратиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бунинг оқибатида норасмий бандликдан озгина бўлса ҳам мадад топаётган, уни оғир иқтисодий вазиятдан чиқишнинг нажот йўли сифатида қараётганлар ҳам салбий самара кўришлари, муайян бир имкониятлардан махрум бўлишлари мумкин. Аммо, бизнинг назаримизда, маданийлашган меҳнат бозори шаклланган мамлакатда бу тоифадаги фуқароларни, хожатманд кишиларни қўллаб-қувватлашнинг, уларга иқтисодий мадад бериш ҳамда ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа, қонуний ва шу билан бирга маданий воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бошқача иборалар билан ифодалаганда, бизнингча аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида қонунга зид келадиган бирон-бир воситага, жумладан, норасмий бандликка ҳеч қандай ўрин қолмаслиги, у юқори маданийлашган замонавий ҳамда самарали амал қиладиган бозор иқтисодиёти талабларига ёт воқелик сифатида қаттиқ таъқиб остига олинган ва аста-секин баргараф этилиши лозим.

Айниқса қишлоқ хўжалигида норасмий бандлик даражасини кескин камайтириш, аграр секторда банд бўлганлар барчасининг бандлигини қонуний асосда расмийлаштиришнинг самарали усуллари ва йўллари излаб топилиши лозим. Ушбу долзарб муаммони ечишда давлат солиқ тизимини такомиллаштириш, шунингдек, расмий бандликни рағбатлантириш ва, айтиб ўтиш, норасмий бандликка нисбатан маъмурий ва иқтисодий таъсир кўрсатишнинг самарали механизмларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш, улардан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди, деб ўйлаймиз. Мураккаб ташкилий, маъмурий ва иқтисодий чора-тадбирлардан таркиб топган ушбу механизм миллий иқтисодиётда, хусусан, норасмий бандлик даражаси ҳозирги кунда анча юқори бўлган қишлоқ хўжалигида шу тоифадаги бандлар сони ва улушини кескин камайтириш ва, пировард натижада, айнан расмий бандликни меҳнатни ташкил этишнинг ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг

ягона бўлмаса ҳам, асосий шаклига айлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

Бизнингча, норасмий бандликка тўла барҳам бериш, уни ўткир ижтимоий иқтисодий муаммо сифатида охиригача ечиш мумкин, деб хулоса чиқариш ўз-ўзимизга тасалли беришдан бўлак нарса эмас. Бизнинг назаримизда, норасмий бандликнинг маданийлашган, юқори даражада ташкиллаштирилган, бозор хўжалиги мазмун-моҳиятига путур етказмайдиган муайян бир оқилона даражасини белгилаш ва унинг шу даражадан юқори бўлиб кетишига йўл қўймасликнинг самарали йўлларини излаб топиш керак. Бизнинг фикримизча норасмий бандлик даражаси ҳар қандай вазиятда ҳам 20-25 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Унинг энг оқилона ва ҳар қандай ривожланган, ижтимоий ҳамда иқтисодий муносабатлар ўзаро уйғунлашган, ибратга молик мамлакатдаги даражаси эса 5-6 фоизни ташкил қилиши мумкин. Норасмий бандликнинг бундай даражаси, бир томондан, давлатнинг фискал сиёсатига сезиларли таъсир кўрсата олмайди, унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига деярли тўсқинлик қилмайди. Иккинчи томондан эса, у айнан даромадлари жуда кам бўлган нфчор аҳволдаги тадбиркорлар айниқса энди иш бошлаган, ҳали бозорда мустаҳкам мавқега эга бўлмаган ёш тадбиркорлар ва ўзининг энг зарурий моддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида энг кам иш ҳаққи эвазига ҳам ёлланиб ишлашдан ўзга имкони йўқ кишилар учун озроқ бўлсада, иқтисодий имконият туғдириб беради.

Юзаки қараганда, норасмий бандлик жамиятга жуда катта зарар келтирмайдиган, баъзи бир жиҳатларидан эса айрим тадқиқотчилар эътироф этганидек, унга ижобий самара берадиган воқелик сифатида намоён бўлади. Кўплаб соҳа мутахассисларининг норасмий бандликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ижобий таъсири ҳақидаги хулосалари ҳам айнан шу фикрга бориб тақалади. Бирок, норасмий бандлик масалаларига чуқурроқ ва кенг асосда ёндашадиган бўлсак, ушбу муаммонинг нақадар долзарблигига, унинг жамият учун жуда зарарли эканлигига иқрор бўламиз. Айрим фуқаро, айрим тадбиркор, айрим корхона микёсида жамият учун сезиларли салбий асоратлар келтирадиган норасмий бандлик миллионлаб фуқароларни, минглаб тадбиркор ва корхоналарни ўз гирдобига тортгандан кейин, жуда кўп бозор субъектлари учун мўмай даромад топиш ва бойлик манбаига айлангандан кейин, унинг

жамиятга жуда катта зарар ва талофатлар келтириш даражасига етиши мукаррар.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмасдан, ишсиз юргандан кўра, норасмий бўлса ҳам, банд бўлгани яхши: топиб, ўзининг тирикчилигини таъминлайди, оиласини боқади, маҳсулот ишлаб чиқариб, юрт дастурхонини тўлдиради ва ҳоказо. Бордию шу фуқаро қонунга итоат қилиб, ишсиз юрганида жамият қанча зарар кўрган бўлар эди: мамлакатда битта ишсиз кўпайиб, уни давлат ижтимоий ҳимояга олиши, иш билан таъминлашга кўмаклашиши лозим бўлар эди, юрт дастурхонига товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариб, тухва этаётганлар битта ишлаб чиқарувчига камайган бўлар эди ва ҳоказо. Кўпгина мутахассислар норасмий бандликка ўз фаолиятини қонуний асосда рўйхатдан ўтказмасдан, бюджетга озгина тўловларни тежаса тежабтида, деган нуқтаи назар билан ёндашадилар ва ушбу бандлик шаклининг ижобий томонларини асослаб беришга уринадилар. Айнан ана шу фикр-мулоҳазаларга асосланиб давлат тузилмалари, илмий тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари норасмий бандлик муаммоларига етарли даражада эътибор қаратмасликлари ҳам мумкин.

Адабиёт соҳифаларида сўнгги йилларда хаттоки расмий ва норасмий бандликнинг ўхшашлиги, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётганлиги, улар ўртасидаги чегараларнинг барҳам топаётганлиги, қолаверса, улар ўртасида муайян мослик пайдо бўлаётганлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Ушбу фикр-мулоҳазаларга асос сифатида ёлланма ишчиларнинг расмий тарзда ишга жойлашганда ҳам, рўйхатдан ўтмасдан норасмий ишга жойлашганда ҳам иш берувчига нисбатан ўзини деярли бир хил тутиши, унинг хулқ-атворида кескин фарқ ва тофовутларнинг йўқлиги кўрсатилган⁵⁶. Бунда расмий асосда ишга жойлашганда ҳам норасмий амалиёт воситаларини қўллаш, жумладан ишга жойлашишда шахсий алоқалар ва таниш-билишчилик, “хуфёна касса”дан, яъни рўйхатга олинмаётган пуллар ҳисобидан иш ҳаққининг бир қисмини тўлаш, иш вақти ҳамда корхона мол-мулкidan шахсий мақсадларда фойдаланиш, корхонага қарашли айрим нарсаларни ўзлаштириш каби ҳолатларнинг тез-тез учраб туриши далил сифатида келтирилган. Гўё норасмийлик белгилари

⁵⁶ Терехова А. А. Неформальная занятость на российском рынке труда. Автореф. на соискание ученой степени канд. экон. наук. Кострома, 2007 г., 6-6

расмий бандликда ҳам кенг тарқалиб бораётган эмиш. Айни бир пайтда, норасмий бандликда ҳам ёлланма ишчилар, худди расмий бандликдаги сингари, иш берувчилар олдига иш шароитлари яратиш, меҳнат нормаларининг бошқа унсурларини таъминлаш бўйича қатъий талаблар қўйишга муваффақ бўладилар. Улар расмий бандликда бўлганларга нисбатан шароитга тез мослашиш, иш берувчига нисбатан талабчанроқ бўлиш, шароит тақозо этганда эса иш ўрнини тарк этиш, ўзгартириш каби имкониятларга эгадирлар.

Дарвоқе, бу ҳам айрим тоифадаги – кишилар, кам таъминланган, доимий ва ўзига мақбул иш жойини топишга қийналаётган фуқаролар, аранг фаолият олиб бораётган ёки энди иш бошлаган тадбиркорлар учун норасмий бандлик оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятни юмшатиш воситаси эканлигини ишнинг олдинги бобларида эътироф этган эдик.

Дарҳақиқат, ўтиш даври қийинчиликлари шароитида норасмий бандлик меҳнат бозорида юзага келган кескин вазиятни юмшатишнинг, иқтисодий инқироз шароитида минглаб ишсиз қолган фуқароларни ишга жойлашишида ўзига хос амортизатор ролини ўйнаганлиги аниқ. Лекин эркин бозор муносабатлари тобора мустақамланиб янги поғоналарга кўтарилиб бораётган, бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар эса тобора маданийлашиб бораётган ҳозирги замонда норасмий бандликнинг ривожланаётган меҳнат бозоридаги ўрнига муносабат ҳам кескин ўзгармоғи даркор. Бизнинг фикримизга кўра, маданийлашган ва жадал суръатлар билан барқарор ривожланаётган, ижтимоий йўналтирилган миллий иқтисодиётни шакллантириш шароитида норасмий бандлик меҳнат муносабатлари қонуний асосда тартибга солинадиган расмий бандликка ўтишнинг дастлабки, бошланғич ва вақт жиҳатидан узоқ давом этадиган босқичига айланмоғи лозим.

Ушбу ғояни амалга ошириш учун икки йўналишда кенг қамровли ва пухта ўйланган чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

➤ биринчиси, давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, маъмурий ҳамда иқтисодий воситалар самарадорлигини ошириш;

➤ иккинчиси, ёлланма ишчилар ҳамда иш берувчилар ўртасида меҳнат муносабатлари маданиятини шакллантириш, уларга норасмий бандликнинг салбий асоратлари ҳамда расмий бандликнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш.

Юқорида зикр этилган ҳар иккала йўналишни ҳзаро узвий боғлиқда ва босқичма-босқич амалга ошириш норасмий бандликнинг ўткир муаммоларини ҳал этишда яхши позитив самара беради, деб ўйлаймиз.

3.2. Норасмий бандликни қисқартиришда давлат макроиқтисодий сиёсатининг ролини ошириш

Бозор иқтисодиёти талаб ва тақлифни мувозанатга келтиришнинг, бошқа муҳим иқтисодий вазифаларни ечишнинг ўзига хос самарали механизмларига эга. Бироқ шундай иқтисодий муаммолар ҳам борки, уларни детерминизм асосида, фақат бозор механизмларининг кучига таяниб ҳал этишнинг иложи йўқ. Бундай вазият иқтисодий муаммоларни ечишда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини, бозор механизмлари ечишга ожизлик қилаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишини тақозо этади.

Бозор муносабатлари ҳукмронлиги шароитида давлатнинг иқтисодиётга, жумладан меҳнат муносабатлари соҳасига аралашуви йўли билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан бири – норасмий бандлик кўламларини қисқартириш ҳисобланади. Кейинги йилларда дунё мамлакатлари бўйича норасмий бандликнинг кўламлари кенгайиб, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишига, унинг ижтимоий ҳаётига таъсири тобора кучайиб бормоқда. Норасмий бандлик даражаси жуда юқори бўлган мамлакатларда, айниқса иқтисодий қолоқ мамлакатларда норасмий бандлик расмий секторга ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига катта таҳдид солмоқда, меҳнат қонунчилигининг асосларига путур етказмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган сиёсат амалга оширилади. Норасмий бандлик кўламларини қисқартириш давлат макроиқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистонда ҳам норасмий бандликни қисқартириш ва уни расмий бандликка айлантириш давлат томонидан амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бизнингча, норасмий бандликни давлат томонидан тартибга солишда республика меҳнат бозоридаги қуйидаги хусусиятлар эътиборга олиниши лозим:

➤ ишчи кучи таклифи билан унинг таклифи ўртасидаги номутатоносиблик;

➤ республикадаги ўзига хос демографик вазият, аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг юқори ўсиш суръатлари;

➤ ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда расмий ва норасмий бандлик ўртасидаги нисбатларни, яъни норасмий бандликнинг умумий бандликдаги улушини;

➤ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларида ҳудудлараро (шаҳар ва қишлоқ, вилоятлар кесимида) кескин тафовутларнинг мавжудлиги;

➤ ишчи кучининг сифат кўрсаткичлари;

➤ норасмий бандликни расмий бандликка айлантиришдан олинadиган ижтимоий ҳамда иқтисодий самара;

➤ норасмий бандликнинг мамлакат хавфсизлигига таъсири.

Бизнинг назаримизда, ушбу долзарб муаммони ҳал этишда расмий бандликни рағбатлантириш, меҳнат стажи кўп бўлган шахсларга муайян турдаги ижтимоий ва иқтисодий имтиёзлар бериш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш яхши ижобий натижалар беради. Шу билан бир қаторда, миллий иқтисодиёт айрим тармоқларининг, айниқса қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, даромад солиқлари, ижтимоий ва бошқа меҳнат билан боғлиқ тўловларни кескин камайтириш, айрим ҳолларда улардан маълум бир муддат давомида (масалан корхона фаолиятининг дастлабки 3 йили давомида) умуман воз кечиш катта ижобий самара бериши, яъни норасмий бандлик даражасини пасайтиришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Норасмий бандлик муаммоларини ҳал этиш ва уни пасайтириш ҳисобидан қонуний расмий бандлик даражасини ошириш чоратадбирлари тизимида маъмурий, шунингдек, ҳар хил жазолар қўллаш йўллари ҳам тутиш мумкин. Лекин маъмурий таъсир кўрсатиш ва жазолаш чора-тадбирлари норасмий бандликнинг ғоят мураккаб муаммоларини ечишда иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши, меҳнат муносабатлари соҳасидаги вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлмаслиги керак. Норасмий бандликка қарши курашда маъмурий жазолаш чоралари кўпроқ ўрта, айниқса йирик бизнес субъектларига нисбатан қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий жазолаш, айниқса жарима солиш йўли билан тартиб ўрнатишга зўр бермаслик маъқул.

Норасмий бандлик муаммоларини ҳал этишда иқтисодий ва маъмурий чоралар билан бир қаторда, тарбиявий, тарғибот ва тушунтириш ишларидан унумли фойдаланиш зарур. Аҳоли кенг қатламлари, жумладан иш берувчилар ва ёлланма ишчилар даромад солиқлари ва ижтимоий тўловларнинг қандай мақсадларда ишлатаётганлигидан яхши хабардор бўлишлари, давлат бюджетига тушадиган барча тўловлар фақат аҳоли манфаатлари йўлида сарфланишига тўла ишонч ҳосил қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки давлат бюджети маблағларининг ўринсиз ишлатилиши, айрим мансабдор шахслар томонидан бюджет маблағлари муайян қисмининг ўз манфаатлари йўлида ўзлаштириш ҳолатлари солиқ тўловчилар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади ва уларнинг норасмий бандликка интилишлари ва ҳаракатларини кучайтириради. Айниқса даромади юқори бўлган шахслар ва йирик бизнес субъектларининг солиқларни камайитиришга қаратилган ҳаракатлари фуқароларга катта салбий таъсир кўрсатади ва норасмий бандлик йўллари излашга ундайди.

Норасмий бандлик ва унга оид ўта мураккаб муаммоларни бартараф этишда турли чора ва воситаларни, ҳар хил усулларни қўллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Норасмий бандлик даражаси ва уни оқилона даражагача пасайтириш муаммолари мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, аҳолининг даромадлари ва турмуш сифати, миллий даромаднинг аҳоли ўртасида тақсимланиши, ҳалқнинг менталитети ва бошқа бир қатор муҳим жиҳатлари билан ҳам узвий боғлиқлигини зинҳор унутмаслик керак.

Норасмий бандликни тартибга солиш ва унинг қўламларини қисқартириш мамлакат бўйича ягона меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини бошқариш тузимини шакллантиришни тақозо этади. Ушбу тизим меҳнатга оид барча муносабатларни замонавий, юқори маданийлашган бозор тамойиллари асосида ташкил этиш ҳамда меҳнатни самарали бошқариш имконини яратишга қаратилган бўлиши лозим. Ушбу тизимни миллий иқтисодиётни бошқариш ва бозор механизмларининг уйғунлашган таркибий қисмига айлантириш, ижтимоий тараққиётга йўналтирилган бозор талабларига мослаштириш лозим.

Норасмий бандлик назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан бирига айланди. Норасмий бандлик ҳар иккала томон, яъни иш берувчи ва ёлланма ишчиларнинг ўзаро

келишуви натижасида юзага келади. Бандликнинг ушбу шакли иккала томон учун ҳам иқтисодий манфаат келтиради. Иш берувчилар турли хил тўловлар, солиқлар ҳисобидан ўз харажатларини камайтирадилар. Шунга мос равишда уларнинг даромадлари кўпаяди. Ёлланма ишчилар эса норасмий бандлик ҳисобидан иш ҳаққидан тўланиши лозим бўлган ижтимоий тўловлар ва солиқ ҳисобидан иш ҳаққининг номинал миқдорини кўпайтирадилар. Лекин тадбиркорлар ва ёлланма ишчиларнинг норасмий бандлик эвазига кўрган фойдалари жамиятга жуда қимматга тушади.

Авваламбор норасмий бандлик оқибатида ижтимоий таъминот тизимига келадиган солиқ ва бошқа тўловлар тушумларининг камайишига сабаб бўлади. Бу эса давлат бюджети даромадларининг қисқаришига олиб келади. Демак, давлат бюджетининг ижтимоий хизматларни молиялаштириш имкониятларига катта салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, норасмий бандлик солиқ базасининг торайишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида расмий бандликда бўлган хўжалик субъектлари ва ёлланма ишчиларга солиқ юки анча ошади. Норасмий бандликда бўлган ишчи кучлари ва ундан фойдаланаётган хўжалик субъектлари солиқ юкининг бандликни рўйхатдан ўтказган, яъни расмийлаштирган корхона ва ёлланма ишчилар зиммасига юкланиши ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига сабаб бўлади. Ишнинг олдинги бобларида таъкидлаганимиздек, юзаки қараганда, норасмий бандлик иш берувчига ҳам, ёлланма ишчига ҳам манфаат келтиради. Чунки бандликнинг ушбу шаклида уларнинг харажатлари тежалиб, даромадлари кўпаяди. Лекин масалага чуқурроқ ёндашилса, улар ҳам бандликнинг ушбу шаклидан зарар кўраётганликларини кузатиш мумкин. Аслида харажатларни тежаш ва даромадларни маълум даражада кўпайтириш ҳисобидан олинадиган моддий манфаат ҳар иккала томон учун норасмий бандликдан кўрилаётган зарарни қопламайди. Иш берувчи норасмий бандлик шароитида корхонани доимий ва масъулиятни тўла ҳис қиладиган малакали кадрлар билан таъминлаш, ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш ҳисобидан улар меҳнатининг унумдорлигини ошириш, хўжалик фаолияти пировард натижаларига мувофиқ уларни мукофатлаш ёки, аксинча, уларни жазолаш ва бошқа бир қатор имкониятлардан маҳрум бўладилар. Бу эса, охир-оқибатда, корхонанинг фаолиятига, унинг

самарадорлигига катта зиён келтириши табиий. Кўп ҳолларда бу зарар корхона кўрган манфаатдан ортиқроқ бўлади. Ёлланма ишчилар эса норасмий бандлик оқибатида доимий ва ишончли иш ўрнига эга бўлиш, давлатнинг ижтимоий ҳимоя воситаларидан керак бўлганда фойдаланиш, кексайганда нафақа олиш, ўзининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалдаги қонунчиликдан фойдаланиш ва бошқа бир қатор муҳим имкониятлардан маҳрум бўладилар. Натижада норасмий бандликдан улар олган моддий манфаат ундан кўрилган зарарларни қопламайди.

Модомики, ёлланма ишчининг норасмий бандликдан оладиган жуда катта манфаати йўқ экан, бандликнинг ушбу шаклини бозор иқтисодиёти кийинчиликларидан, иш ҳаққи миқдорининг пастлигидан, иқтисодий ночорликдан қисман бўлсада холос этиш, уни моддий қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида қарашга асосланган ёндашувлар ҳам ўз моҳиятини йўқотади. Демак, ҳозирги кунда ёлланма ишчилар норасмий бандликдан, яъни давлат бюджетига солиқ тўламасликдан деярли ёки бутунлай манфаатдор эмасликларини тушуниб етмаган, тўла хабардор бўлмаган ҳолда, унга бефарқлик билан йўл қўйиб берадилар ва, шу тариқа, меҳнат қонунчилиги бузилишининг бевосита иштирокчиларига ва сабабчиларига айланадилар. Айни пайтда улар ўзларини меҳнат қонунчилиги билан ҳимояланиш, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланишнинг кенг имкониятларидан баҳраманд бўлиш имкониятларидан маҳрум қиладилар. Ушбу муаммони ечиш учун, бизнинг назаримизда, ёлланма ишчиларнинг норасмий бандлик, унинг салбий оқибатлари, зарарли томонлари тўғрисидаги билим ва тасаввурларини турли воситалар ёрдамида чуқурлаштириш лозим. Шу мақсадларда, масалан, “Норасмий бандлик: унинг салбий оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?”, ёки “Норасмий бандлик: кимга фойда, кимга зиён?”, ё бўлмаса “Норасмий бандликнинг салбий оқибатларидан ўзингизни асранг”, “Норасмий бандликнинг фойдасидан зиёни кўпроқ” каби мавзуларда илмий оммавий рисола ёки услубий қўлланмалар тайёрлаб чоп этиш, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш ва улар ёрдамида ёлланма ишчиларда норасмий бандлик унинг зарарли оқибатлари тўғрисида атрофлича билим ва тасаввур шакллантириш керак деб ўйлаймиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, давлат норасмий бандликка қарши фаол сиёсат олиб бориши, норасмий бандликни расмий

бандликка айлантириш чораларини излаб топиши керак. Бу кураш нафақат солиқ базасини кенгайтириш, давлат бюджети даромадларини кўпайтириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш учун, балки бугунги кунда норасмий бандликдан зарар кўраётган хўжалик субъектлари ҳамда ёлланма ишчиларнинг манфаатларига ҳам мос келади. Давлат сиёсати расмий бандликнинг устунликларидан беҳабар бўлган, муаммонинг туб моҳиятини охиргача тушуниб етмаган иш берувчи ва ёлланма ишчилар норасмий бандлик асоратларидан қутилишнинг асосий йўлларида бирига айланиши лозим.

3.3. Таълим хизматлари сифатини ошириш асосида норасмий бандликни қисқартириш истиқболлари

Бизнинг назаримизда, бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётда норасмий бандликнинг кўламини қисқартиришнинг, ушбу бандлик шаклининг умумий бандлар сонигаги улушини камайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири – кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат. Фермер хўжаликларининг 50 нафар ёлланма ишчилари орасида ўтказилган социологик сўровнома натижалари фикримизнинг ёрқин исботидир. Тадқиқот жараёнида амалга оширилган социологик сўров натижалари ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ёлланма ишчиларининг аксарият кўпчилиги олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишига қарамасдан, хўжаликда оддий ишчи лавозимида меҳнат қилаётганлигини кўрсатди (II бобда келтирилган маълумотларга қаранг). Сўровда иштирок этган жами 50 нафар ёлланма ишчилардан 7 нафари олий маълумотга, 35 нафари ўрта махсус маълумотга эга, фақат 8 нафари (16 фоиз) ишчилар ўрта маълумотли кишилардир. Демак, 42 нафар ёлланма ишчилар муайян мутахассислиги бўйича ишлаб, жамиятга кўпроқ фойда келтириши мумкин. Табиийки, олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз мутахассислиги бўйича ишлаётган киши оддий ишчига нисбатан анча юқори иш ҳаққи олади. Олий ёки ўрта махсус билим юртини бир неча йил давомида меҳнат сарфлаб, касбий билимларни эгаллаб (контракт асосида ўқиганлар эса яна муайян тўловларни амалга ошириб), кўп машаққатлар билан ўқишни тугатган. Ўз-ўзидан аёнки, у ўқишни битиргач ўз мутахассислиги бўйича ишлашга, малакали мутахассисга мос юқори ойлик маош олишга умид боғлайди, орзу қилади. Катта

орзу-умидлар, эзгу ниятлар билан ўқишни тугатиб, дипломни қўлига олгандан сўнг, ёш кадр ўз мутахассислиги бўйича излаб иш топа олмаганидан кейин, сабр косаси тўлиб, бошқа ҳар қандай соҳада ишлашга ҳам рози бўлишдан ўзга чораси қолмайди.

Анкета сўровларида қатнашганлардан фақат 2 нафари мутахассислиги бўйича агроном, яна 2 нафари механизатор эканлигини маълум қилишди. Айни бир пайтда, улардан 9 нафари иқтисодчи, 8 нафари мухандис, 7 нафари курувчи, 6 нафари тикувчи, қолганлари эса ҳамшира, ЭХМ оператори каби мутахассисликлар бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, қўлида дипломи билан фермер хўжалигида оддий ишчи сифатида меҳнат қилмоқда.

Ҳар бир мутахассисни тайёрлаш, айниқса олий маълумотли мутахассисни тайёрлаш, жамиятга жуда қимматга тушади. Жамият касбий таълимга эга бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашдан манфаатдор бўлиб, ҳар бир мутахассисни тайёрлаш учун катта куч ва маблағ сарфлайди, йиллар давомида унда муайян мутахассисликка оид махсус билим ва кўникмаларни, касбий маҳоратни шакллантиради, ёш йигит-қизларда, яъни бўлажак мутахассисларда, ўз касбини севиш, уни ардоқлаш ҳис-туйғуларини сингдиради.

Айниқса, ҳозирги кунда Ўзбекистон шароитида таълим сифатини тубдан ошириш, юқори малакали, билимдон, замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг устувор йўналиши, уни ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлаштиришнинг асосий пойдевори сифатида қаралмоқда. Давлат таълим тизимини такомиллаштириш ва унинг сифатини тубдан яхшилаш борасида ҳеч нарсани аямасдан, ушбу жараён билан боғлиқ барча сарф-харажатларни молиялаштиришни ўз зиммасига олмоқда, таълим соҳасига катта ресурсларни йўналтирмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир мутахассисни тайёрлаш бўйича ўқитиш харажатлари ҳам узлуксиз кўпайиб бормоқда. Катта молиявий харажатлар эвазига тайёрланган мутахассис олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битиргач, ўзи эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда малакали кадр сифатида фаол иштирок этади, ўқиш билан боғлиқ давлат харажатларини аста-секин, бир неча йиллар мобайнида оқлайди, ўқиш жараёнида эгаллаган малака ва касбий билимлари билан ишлаб чиқаришни, амалиётни юксалтиришга ўзининг ҳиссасини қўшади, билимдон мутахассис сифатида жамиятга наф

келтиради. Айнан юқори малакали, билимдон мутахассислар глобаллашган жаҳон бозорида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашнинг, мамлакат иқтисодий қудратини, шон-шухратини юксалтиришнинг ишончли, мустаҳкам таянчига айланади.

Бордию, университетни, институт ёки касб-хунар коллежини тугатган ёшлар ўз соҳасида мутахассис сифатида ишлаб, жамиятга наф келтирмас экан, давлатнинг бундай кадрни тайёрлаш учун сахийлик билан ўз зиммасига олган барча сарфлари зое кетади, келажакда жамият равнақи йўлида наф олиш мақсадида амалга оширилган барча уринишлар чиппакка чиқади. Анкета сўровларига тушган 50 нафар ишчи-ходимлардан қарийб 80 фоизи олий ёки ўрта махсус касбий таълимга эга бўла туриб, фермер хўжалигида махсус тайёргарлик ва малака талаб қилмайдиган оддий ишчи сифатида меҳнат қилаётган экан, бутун жамият миқёсида яъни барча фермер хўжаликларида масъулиятли лавозимларда ишлаб, жамиятга малакали кадр сифатида катта наф келтириши лозим бўлган, лекин ҳозирги кунда фермер хўжалигида оддий ишчи сифатида ишлашга мажбур бўлаётган мутахассислардан давлат қанчадан-қанча зиён кўраётганлигини мантиқий тафаккур ёрдамида тасаввур қилиш ёки аниқ рақамлар асосида ҳисоблаб чиқиш ҳам мумкин.

Юқорида изоҳланган муаммонинг бошқа жиҳати ҳам мавжуд. Ҳар бир малакали мутахассисни тайёрлаш бугунги кунда нафақат давлат учун, юқорида қайд этганимиздек, унинг ўзи, ота-онаси, оиласи учун ҳам (айниқса контракт асосида ўқиганлар учун) жуда қимматга тушади. Катта машаққатлар билан, кўп йўқотишлар (моддий, жисмоний) эвазига олинган касбий малака, билим фақат ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаганлиги учунгина битирувчи ўз меҳнатларидан бахраманд бўлиш, ишлаб наф кўриш имкониятларидан маҳрум бўлар экан, у тушкунликка тушади, ўқитиб, лекин мутахассислиги бўйича иш топиб бера олмаган жамиятдан норозилик кайфиятлари кучаяди, зоя кетган меҳнатлари, харажатлари ва ташвишларига юракдан ачинади, афсусланади. Бу ҳолатлар ёш йигит ва қизларнинг ўқишга бўлган қизиқиш ва интилишларига катта салбий таъсир кўрсатади, ўқишнинг қадрсизланишига олиб келади. Иқтисодчи ёки муҳандис касбий малака соҳасида диплом соҳибни бўла туриб, ноиложликдан фермер хўжалигида оддий ишчи мақомида меҳнат қилаётган шахс ҳамиша ўз мутахассислиги бўйича иш топиш

орзуси билан яшайди, фермер хўжалигидаги иш фаолиятини вақтинча деб қабул қилади. Бизнинг назаримизда айнан ана шу ҳолат бугунги кунда фермер хўжаликларида норасмий бандликнинг кенг тарқалишига ҳамда кадрлар кўримсизлигининг юқори бўлишига сабаб бўлган асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фермер хўжаликларида, қолаверса қишлоқ иқтисодиётининг бошқа тармоқларида, умуман миллий иқтисодиётда норасмий бандлик кўламларини қисқартириш, кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш, таълим тизимининг самарадорлигини кескин ошириш мақсадида биринчи навбатда, малакали мутахассисларни тайёрлашни сон ва таркиб жиҳатдан қатъий равишда миллий иқтисодиётнинг реал эҳтиёжлари билан мослаштиришга, уйғунлаштиришга жиддий эътибор қаратиш жуда муҳим. Ҳозирги кунда корхона, ташкилот, муассасаларда малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, улардан буюртмалар олиш, таълим муассасасини тугатган битирувчини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш асосан ўқитувчилар зиммасига юклатилган. Кўп ҳолларда ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжини ўрганиш, битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш оддий расмийликдан нарига ўтмайди. Сабаби, корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, таълим муассасасини битирган мутахассисни, иш ўринлари танқислиги шароитида, ишга жойлаштириш жуда кўп куч ва вақт талаб қилади. Бўш иш ўринлари етишмай турганда, таълим муассасаларининг битирувчи талабани ишга жойлаштиришга бўлган уринишлари ва ҳаракатлари корхона ва ташкилотларнинг қатъий қаршилигига дуч келади. Аксарият ҳолларда мутахассис тайёрлаган таълим муассасасининг эмас, балки ишга қабул қиладиган томоннинг имконияти йўқлиги оқибатида ишга жойлаштириш муаммоси ечилмай қолади. Натижада таълим муассасаси, ўқитувчининг битирувчини ишга жойлаштириш бўйича барча ҳаракатлари зое кетади.

Муаммони ижобий ҳал этиш учун битирувчиларни ишга жойлаштириш, корхона ва ташкилотларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун масъул кафедра ўқитувчиларига айнан ана шу мураккаб вазифани бажариш билан боғлиқ бўлган ишлар учун 80-100 соат ҳажмида иш кунининг иккинчи ярми ҳисобидан ўқув юкмаси ажратиб берилиши лозим. Юзага келган

аҳволни ўзгартириш учун малакали кадрларга бўлган талабни шакллантиришда уларнинг (кадрларнинг) истеъмолчилари, яъни корхона ва ташкилотларнинг ҳам ролини ва масъулиятини кескин ошириш зарур.

Ҳозирги кунда кўпчилик хўжалик субъектлари мамлакатда бозор муносабатлари аллақачонлар қарор топганлигига қарамасдан, бозорда кескин рақабот курашида ғолиб чиқишнинг асосий ҳал қилувчи омили кадрлар салоҳияти, инсон капитали эканлигини чуқур ҳис қилмаяптилар. Уларда инсон капиталига, мутахассиснинг билим ва малакасига бефарқлик, эътиборсизлик, унинг нақадар муҳим ва аҳамиятли эканлигини охиригача тушуниб етмаслик ханузгача жуда кучли. Касбий таълим сифатининг пастлиги, диплом олиш шарафига муяссар бўлган, лекин назарий билим савияси ва амалий кўникмалар даражаси юқори бўлмаган мутахассисларнинг мавжудлиги ҳам хўжалик субъектларининг кадрларга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Касбий таълим сифатини тубдан ошириш мақсадида кириш тест имтихонларида учрайдиган негатив ҳолатларни, олий ёки ўрта махсус ўқув юртида ўқитиш жараёнидаги таниш-билишчилик, таъмагирлик ҳолатларини таг-томири билан йўқ қилиш, ҳақиқий билимни ўқишга киришнинг ва уни таълим муассасасини битиришнинг ягона мезонига айлантиришга эришиш лозим. Ушбу долзарб муаммони ҳал этиш йўллари кўп. Масалан, ҳар бир вилоят марказида махсус ускуналар билан жиҳозланган замонавий тест марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тест марказларида ҳозиргидек бир кунда эмас, балки 25-30 кун давомида абитуриентлар кириш имтихонлари топширишлари мумкин. Айни пайтда бундай тест марказларида тест топшириш жараёнлари устидан ижтимоий назоратни кучайтиришга, кириш имтихонлари юқори объективлигини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртларига қабул икки шаклда: бюджет ва контракт асосида амалга оширилади. Бюджет шаклида талабанинг ўқиши билан боғлиқ барча харажатларни давлат ўз зиммасига олади. Контракт асосида ўқитишда эса ўқиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг муайян қисми таълим олувчи ёки буюртмачи ҳисобидан амалга оширилади, қолган қисми эса давлат томонидан қопланади. Ўқитишнинг бу икки шаклидан ташқари, унинг учинчи шаклини ҳам жорий этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу шаклда

Ўқитиш билан боғлиқ барча харажатлар таълим олувчи ёки буюртмачи зиммасига юклатилиши ва ўқитиш тўла тижорат қонун-қоидалари асосида амалга оширилиши, яъни давлатга талабани ўқитиш бўйича ўзининг барча харажатларини қоплаб, яна маълум миқдорда фойда ҳам олиш учун имконият туғдирилиши лозим. Ўқишнинг ушбу шаклида ўқувчи барча кириш имтиҳонларидан озод қилиниши ва ўқув юртига эркин кириб, касбий таълим олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Лекин касбий таълим сифатининг пасайишига йўл қўймаслик учун олий ўқув юрти барча битирувчиларининг марказлашган ҳолда чиқиш тестлари топширишларини йўлга қўйиш ва унда тўла объективликка эришиш мақсадида чиқиш тестлари жараёнида битирувчилар билими устидан назорат қилишда буюртмачиларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш ҳамда ижтимоий назоратни кучайтириш механизмларини яратиб, ишга солиш лозим.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида норасмий бандликнинг кўламларини қисқартириш, тармоқда норасмий банд бўлганлар сонини кескин камайтириш ва шу асосда ушбу муҳим тармоқда меҳнат қонунчилигининг меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги ролини оширишга қаратилган таклифларимиздан яна бири – норасмий банд бўлган ёлланма ишчиларга амалий ёрдам тизимини яратиш ва уни амалда қўллашдан иборат.

Бизнинг тасаввуримизда норасмий бандликнинг салбий оқибатларидан азият чекаётган ёлланма ишчиларга амалий ёрдам кўрсатиш тизими бир неча таркибий қисмлардан таркиб топган бўлиши лозим.

Биринчиси, ёлланма ишчиларга норасмий бандликнинг салбий оқибатлари, уларга расмий банд бўлишнинг ижобий жиҳатларини тушунтириш бўйича катта тарғибот ишларини ва ташкилий чораларни амалга ошириш. Одатда норасмий банд бўлган ёлланма ишчилар меҳнат қонунчилигининг бузилиши корхона раҳбари, яъни иш берувчи, тадбиркор ташаббуси билан бўладими ёки унинг сабабчиси унинг ўзи бўладими, қабъий назар, давлат бюджетига солиқ тўлашдан тежалган маблағлардан ўзини манфаатдор деб ўйлайди. Дарҳаққиқат, солиқ тўламаслик эвазига тежалган маблағни тадбиркор саҳийлик қилиб ёлланма ишчи билан ўзаро баҳам кўрган тақдирдагина, ёлланма ишчи ҳам бюджетга қилинган ушбу хиёнатдан моддий манфаатдор бўлади. Лекин, кузатишлар шуни кўрсатдики,

тадбирокр бандликни расмийлаштиришдан тежаб қолинган солиқ тўловларининг асосий қисмини, кўп ҳолларда ҳаммасини ўзи ўзлаштиради. Демак, норасмий бандликдан ёлланма ишчи деярли ёки умуман моддий манфаатдор эмас. Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари ёлланма ишчилари ўртасида ўтқазилган анкета сўровлари натижаларига мувофиқ 50 нафар ишчи-ходимлардан фақат 4 нафари (8 фоизи) айнан давлатга солиқ тўламасликдан ўзини манфаатдор эканлигини маълум қилган. Қолган 92 фоиз ёлланма ишчилар норасмий бандликни бошқа сабаблар билан боғлашган (иш ҳаққини нақд пул шаклида олиш, корхона олдида ҳеч қандай жавобгарликнинг йўқлиги, иш вақтини ва иш жойини эркин танлаш имконияти мавжудлиги ва бошқалар).

Иккинчиси, ёлланма ишчиларнинг расмий бандлигини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. Бундай механизмнинг асосида ҳар бир ишчи-ходим корхонада норасмий банд бўлгандан кўра расмий банд бўлишга қизиқиш уйғотадиган, унга мойиллик туғдирадиган турли хил рағбатлар ётиши лозим. Ишчи-ходимлар ўртасида ўтқазилган социологик сўров натижалари ҳозирги кунда ёлланма ишчиларнинг банд бўлишга рағбатлантирадиган асосий омиллардан бири — иш ҳаққини нақд пул шаклида ўз вақтида олиши эканлигини кўрсатди. Юзага келган муаммони ҳал этиш мақсадида расмий банд бўлганлар учун иш ҳаққини айнан норасмий бандликдаги сингари, ўз вақтида ва нақд пул шаклида олиш имкониятини туғдириш керак. Гап хўжалик даромадларининг муайян бир қисмини банк муассасасига кирим сифатида топширмасдан, ўз ишчисига нақд пул шаклида иш ҳаққи тўлашга қонуний асосда рухсат бериш устида кетаяпти. Модомики, корхона раҳбари ҳозирги кунда пул муомаласи сиёсатига, меҳнат қонунчилигига ҳилоф равишда, иш ҳаққининг муайян қисмини нақд пул шаклида яширин тарзда норасмий бандликда бўлган ўз ишчи-ходимларига тўлашга имконият топаётган экан, шу нарсанинг ўзини қонуний асосда йўлга қўйиш жамият учун ҳам, ёлланма ишчилар учун, қолаверса, иш берувчи тадбиркорнинг ўзи учун ҳам фойдалидир.

Жамият бандликнинг ҳар қандай шаклидан, у расмий бўладими ёки норасмий бўладими, барибир, манфаатдор. Чунки, олдин таъкидлаганимиздек иқтисодиётда банд бўлганлар, бандлик шаклидан қатъий назар, мамлакатда ялпи маҳсулот яратиш, аҳоли

истеъмоли учун зарур бўлган моддий ҳамда маънавий ноз-неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, юртни иқтисодий қудратини юксалтиришда ўзининг муайян ҳиссасини қўшади. Жамият учун иқтисодиётда норасмий банд бўлганлар эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқаришда умуман иштирок этмай, турли криминал (ўғирлик, порахўрлик ва ҳоказолар) йўллар билан ялпи ички маҳсулотга шерик бўлганлар, яъни “ишламай тишлаганлар” хавфлидир. Норасмий бандликда иш ҳаққи ва бандликдан давлат бюджетига тўланмаган ҳамда иш берувчи ёки ёлланма ишчи томонидан ўзлаштирилган ва уларнинг шахсий даромадига айланган солиқнинг туб моҳиятини очишда, уни баҳолашда айрим мутахассислар масаланинг шу томонларини эътиборга олишга уринадилар. Даромадлари у ёки бу сабабларга кўра жуда паст бўлган, ноиложликдан давлатга солиқ тўлашдан бош тортаётган ёлланма ишчи ёки тадбиркорларнинг солиқни яширишга уриниш ва хулқ-атворини ижтимоий адолат юзасидан балки оқлаш ҳам мумкинлиги. Лекин амалда солиқ тўлашда хиёнатга йўл қўйган томонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда, унинг заминиди қандай мотив ётишидан қатъий назар, бундай субъектив хулосаларни асос қилиб олмаслигимиз лозим. Чунки биз ҳеч қачон қаерда ижтимоий адолатнинг охириги нуқтаси тугаб, жамият ҳаққиға хиёнат қилиш нуқтаси бошланганлигини аниқ белгилаб бера олмаймиз ва бунинг оқибатида ижтимоий адолат тамойилларини ўрнатишга қараганда кўпроқ уларнинг бузилишига сабабчи бўлишимиз ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Бундан ташқари, кам даромадли субъектларга нисбатан жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида турли хил имтиёзлар берилган. Ижтимоий адолат тамойиллари нуқтаи назаридан бу имтиёзларни қайтадан кўриб чиқиш ёки уларга тегишли ўзлаштиришлар киритиш мумкин. Лекин давлат бюджетига солиқ тўлашда содир бўладиган ҳар қандай чекланишни ижтимоий адолатга йўйиш мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, ёлланма ишчилар иккиламчи, баъзан учраб турадиган учламчи бандликни расмийлаштирмасликни афзал кўрадилар. Иккиламчи, учламчи бандлик қишлоқ хўжалигида норасмий бандлик кўламини кенгайтиришга, тармоқда норасмий бандлар сонини кўпайишига жиддий тасъир кўрсатиб турган асосий омиллардан бири. Бизнинг

фикримизга кўра, қўшимча бандликнинг барча турларини ҳар қандай иш ҳаққи солиқларидан тўла озод этиш керак. Агар ёлланма ишчи ўзининг асосий иш жойидаги бандлигини қонуний асосда расмийлаштирган бўлса ва амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ даромад солиғини тўлаётган бўлса, уни қўшимча бандликдан топган даромадларини солиқдан озод қилиш тармоқда расмий бандлар сонини кўпайтириш, норасмий бандликни расмий бандликка айлантириш муаммосини ечишда катта амалий самара бериши муқаррар.

Учинчиси, норасмий бандлик кўламларини қисқартириш мақсадида ҳеч қаерда ишламаётган меҳнатга лаёқатли шахсларнинг жамият олдидаги моддий жавобгарлигини ошириш. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир индивид ўзи ва оила аъзолари ҳаёт кечириши учун даромад манбаига эга бўлиши, ўз меҳнатидан ёки тадбиркорлик фаолиятидан топган даромади, ота-она ёки қариндош-уруғидан қолган мерос ёки бошқа қонуний манбалар ҳисобидан тирикчилик қилиши мумкин. Бизнинг назаримизда, меҳнатга лаёқатли, лекин ҳеч қаерда ишламаётган шахслар йилида бир марта ўзларининг яшаш манбалари ва даромадлари тўғрисида давлат солиқ органларига декларация тақдим этишлари керак. Ушбу тадбир кўплаб ишчи-ходимларни норасмий бандликдан расмий бандликка ўтишларини таъминлайди.

3.4. Қишлоқ хўжалигида норасмий бандликни қисқартириш йўллари

Норасмий бандлар таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумий табиати билан боғлиқ бўлган ишчи-ходимлар сон жиҳатидан жуда кўп бўлиб, улар тармоқда жалб этилган ишчи кучининг салмоқли улушини ташкил этади. Мавсум қизғин паллада маҳсулот етиштириш ва уни йиғиштириб олиш билан боғлиқ барча ишлар тўла ҳажмда ва кечиктирилмасдан ўз вақтида бажарилиши шарт. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бу муҳим талабларни бажармаслик маҳсулот ҳосилдорлигининг ва ер унумдорлигининг имконият даражасидан пасайиши билан баробар. Бундай йўқотишлар нафақат фермер хўжалиги, балки жамият учун ҳам ўринсиз бўлиб, уларга асло йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамият касб этади. Буни жуда яхши тушунган фермерлар иш қизғин паллаларда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам қўшимча ишчи кучини

жалб этиш чораларини излайдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мавсум пайтида, яъни фермерлар қўшимча ишчи кучига катта эҳтиёж сезганда, ўқувчи-ёшлар, рўзгор ишларида банд бўлган уй бекалари ва бошқа айрим тоифадаги шахслар дала ишларига фаол жалб этилади. Мавсум қизгин пайтда ишчи кучига пайдо бўлган қўшимча эҳтиёжларни ўз вақтида қондириш ва ишлаб чиқаришда юзага келган оғир, мураккаб вазиятни юмшатиш мақсадида фермер ёллаган ишчиларга меҳнати учун нақд пул шаклида иш ҳаққи тўлашдан ўзга чораси қолмайди. Ваҳоланки, фермер учун мавсумий ишга жалб этилганларга нақд пул шаклида иш ҳаққи топиб бериш катта машаққат бўлиши мумкин. Бундан ташқари, мавсумий ишга вақтинчалик жалб этилган ишчининг иш сифатини назорат қилиш, унга нисбатан юқори иш натижаларини корхона хўжалик фаолияти пировард натижалари билан боғлаш имкониятлари бениҳоя пасайиб кетади. Фермер барча масъулиятни ўз зиммасига олиб, бу қилинган сарф-харажатлар мўл ва баракали ҳосил ҳисобидан қопланади, деган умид билан таваккалига иш юритади. Лекин, афсуски, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиат инжиқликлари ва корхона фаолиятининг пировард натижаларига кучли ва ҳар томонлама таъсир кўрсатувчи бошқа хавф-хатарларнинг кўплиги сабабли бу таваккалчилик ҳамиша ҳам ўзини оқлайвермайди. Бундан ташқари, ҳосилни купайтириш ва хўжалик фаолияти самарсини максималлаштириш мақсадида барча юкни ва иқтисодий масъулиятни ўз зиммасига олган фермер қонун доирасидан чиқиб, норасмий меҳнат муносабатларининг бевосита иштирокчисига айланганлиги учун қонун устуворлиги шароитида маъмурий жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши ҳам мумкин.

Ишсиз, вақтини бекор, беҳуда ўтқазиб юрган, бироқ имконият пайдо бўлганда, вақтинча бўлса ҳам фермер хўжалигида лоақал мавсумий ишларни бажариб, ўз меҳнати эвазига ҳалол даромад топиш ва, шу билан бирга, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотни шакллантиришнинг иштирокчиларидан бирига айланиш шарафига муяссар бўлган иккинчи томон — бу норасмий банд бўлган ёлланма ишчилардир. Қишлоқ хўжалигида энг оғир вазият юзага келганда фермерларга ёрдамга келиб, унинг қўшимча ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондириш манбаи бўлган ёлланма ишчилар нафақат ўзлари, балки фермер хўжалиги, қолаверса, бутун жамият учун фойдали ишни бажарадилар. Бироқ, улар ҳам меҳнат

муносабатлари соҳасида қонун доирасидан чиқиб, ғайриқонуний норасмий бандликнинг иштирокчиларидан бирига айланадилар, қонун нуқтаи назаридан жамият олдида гуноҳкор бўладилар.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнининг ҳеч қандай узилишларсиз, бир маромда кечишидан, унга мавсум қизиган пайтларда катта ҳажмда ишчи кучи жалб этилишидан жамият ҳам манфаатдор. Биринчидан, мамлакат миллий иқтисодиёти юксалиб, ялли ички маҳсулот ҳажми ошади. Иккинчидан, фермер хўжаликлари фаолияти пировард натижалари яхшиланади, уларнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланиб, рақобатбардошлиги кучаяди. Учинчидан, аҳолининг муайян қисми вақтинча бўлсада, иш билан таъминланади, ўз меҳнати билан даромад топишга эришади. Лекин, жамият бандликнинг ушбу шаклидан ижобий натижалар билан бир қаторда, анча салбий самара ҳам кўради. Биринчидан, давлат бандлик ва иш ҳаққидан бюджетга ундириладиган солиқ тушумларидан маҳрум бўлади. Иккинчидан, у норасмий бандлик оқибатида меҳнат муносабатлари соҳасида юз бераётган қонунбузарликларга бефарқ бўлиши, очиқроқ айтганда “кўз юмиши”га тўғри келади. Бу эса замонавий, юқори даражада маданийлашган бозор иқтисодиётини барпо қилишга мўлжал олган мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш тамойилига ҳеч мос келмайди.

Юқорида баён этилган муаммони ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигига мавсумий ишларга жалб этилган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат фаолиятини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мавсумий ишда банд бўлганлар нақд пул шаклида олаётган иш ҳаққини фермер хўжалиги томонидан тайёрланган қайдномага қўл қўйиб, қонуний тарзда оладилар. Ушбу қайдноманинг бир нусхаси ёлланма ишчига солиқ ташкилотларига вақтинча ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлиб, қонуний асосда даромад олганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тақдим этилиши мумкин. Қайдноманинг иккинчи нусхаси эса фермер хўжалигида бирламчи ҳужжат сифатида сақланади ва унинг маълумотлари қонуний асосда хўжаликнинг барча статистика ҳамда бухгалтерия ҳисоботларига киритилади. Ҳар иккала томон ҳам мавсумий ишда банд бўлганлар учун ҳар қандай ижтимоий тўлов ва солиқлардан озод қилинади. Ушбу ёндашув ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган норасмий бандликни ҳар уччала томонга, яъни жамиятга ҳам, фермер

хўжалигига ҳам, ёлланма ишчиларга ҳам ҳеч қандай моддий зарар кўрмасдан расмий бандликка айлантириш учун катта ижобий натижа беради, мамлакатда расмий бандлар сони кескин кўпаяди, хўжалик субъектлари ва ёлланма ишчилар ўзаро меҳнат муносабатларини аста-секин қонун доирасида ташкил этишга ва амалга оширишга кўникмалар ҳосил қилиб бошлайдилар.

ХУЛОСА

Иқтисодий ислохотлар ва ўтиш даври қийинчиликлари, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кескин камайиши (1991-1997 йиллар) ва бошқа негатив жараёнлар меҳнат бозори ва аҳоли бандлигига кучли таъсир кўрсатди. Эркин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодий ва институционал муҳитни кескин ўзгартиришни, меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиёти талаб ва қоидаларига мувофиқ янги асосда шакллантиришни тақозо этди. Меҳнат бозорини маъмурий-буйруқбозлик воситалар ёрдамида режали бошқаришдан воз кечиш ҳамда унинг тартибга солишнинг бозор муносабатларига хос механизмларини қарор топтириш меҳнат ва бандлик соҳасидаги кўп чеклаш ва тақиқларга барҳам берилди, ишчи-ходимларга бандлик шакли ва турларини ҳамда даромад манбаларини танлашда, ўриндошлик, қўшимча бандлик, иш вақти ва давомийлиги ва бошқа муҳим масалаларда катта эркинликлар берилди. Меҳнат муносабатларини ислох этишга қаратилган ушбу чора-тадбирлар ўзининг амалий натижаларини берди, меҳнат бозори иштирокчиларининг фаоллиги ошди, ўтиш даври қийинчиликларининг мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ахволга салбий таъсири анча пасайди.

Иқтисодий ислохотлар туфайли меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлган ушбу ижобий жараёнларнинг, бошқа ҳар қандай жараён ва ҳодисаларда бўлгани сингари, салбий оқибатлари ҳам унча кам эмас. Меҳнат ва бандлик соҳасида тадбиркор ва ёлланма ишчиларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар меҳнат бозорида норасмий бандликнинг ривожланишига, аста-секин кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор субъектларининг ўтиш даври қийинчилик ва муаммоларини ечиш, янги иқтисодий муҳитга мослашиш воситаси бўлган норасмий бандлик ҳозирги кунга келиб ижтимоий-иқтисодий тараққиётга сезиларли салбий таъсир кўрсатаётган ва кўпчиликни ташвишга солаётган долзарб муаммо даражасига кўтарилди. Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, норасмий бандликнинг меҳнат бозоридаги улуши давлат статистика бошқармасининг маълумотларига кўра, салкам 40 фоизга етди. Фермер хўжаликларида амалга оширилган социологик сўров натижалари ҳам норасмий бандлик даражаси миллий иқтисодиётнинг

ушбу тармогида бугунги кунда салмоқли улушга эга эканлигини кўрсатди.

Норасмий бандликнинг келиб чиқиш ва тобора ривожланиш сабабларини фақат ўтиш даври қийинчиликлари билан изохлаш унинг моҳиятини очиш, туб сабабларини тушунтиришда йўл қўйилган жиддий хатолардан бири ҳисобланади. Норасмий бандлик фақат ўтиш даври ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлари оқибатида пайдо бўлганда эди, ўтиш даври қийинчиликлари ортида қолиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг равон йўлига чиқиб олгандан бошлаб, бандликнинг ушбу шакли ҳам аста-секин ўз-ўзидан қискариб, бархам топиб бориши лозим эди. Ўтиш даври қийинчиликларини бошидан умуман кечирмаган ёки ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар тоифасига мансуб бўлган Ғарб мамлакатларида норасмий бандлик умуман бўлмаслиги ва бу давлатлар учун ҳеч қандай муаммолар келтириб чиқармаслиги лозим эди. Ваҳоланки норасмий бандлик ривожланган мамлакатларда ҳам кенг тарқалган бўлиб, меҳнат муносабатларини тартибга солишда жиддий муаммолар туғдирмоқда.

Норасмий бандлик бозор муносабатларига асосланган ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг (у ўта ривожланганми, ривожланаётганми, кам ривожланганми, қатъий назар) доимий йўлдоши. Шу сабабли бозор муносабатлари ҳукмронлик қиладиган миллий иқтисодиётда уни тўла бартараф этиш имкони мавжуд эмас. Қолган барча омиллар норасмий бандлик паст ёки юқори даражада бўлишига таъсир кўрсата оладилар, ҳолос. Норасмий бандликнинг тобора кенгайиб бориш сабабларининг бош илдизи ҳам айнан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг мазмун моҳиятидан ва унга хос бўлган аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасидаги моддий табақаланишидан келиб чиқади ва келажакда бу тенденция янада кучайиб бораверади.

Норасмий бандлик муаммоларини ечишдаги қийинчиликлар авваламбор унинг кўламларини баҳолаш, норасмий банд бўлганлар соҳани аниқлаш муаммолари билан боғлиқ. Ўтиш даври қийинчиликлари шароитида ишсиздан кўра, норасмий бўлса ҳам иш билан банд бўлишининг афзал тамонларини ҳисобга олган давлат органлари бандликнинг ушбу шаклини меҳнат бозоридаги мураккаб вазиятни енгиллаштиришнинг йўлларида бири сифатида қабул қилдилар ва шу сабабли уни қаттиқ назорат остига олмадилар. Бундай лоқайдлик ҳам норасмий бандлик кўламларини баҳолашда ва

у тўғрисида ишончли маълумотлар тўплашда жиддий қийинчилик ва муаммолар туғдирди.

Норасмий бандлик ҳар иккала манфаатдор томонларнинг, яъни иш берувчи ҳамда ишга ёлланувчининг ўзаро махфий келишуви асосида ва бирон ҳужжатда из қолдирмаган ҳолда амалга оширилганлиги сабабли уни тўла ҳисобга олиш имкони мавжуд эмас. Шу сабабли норасмий бандлик кўламларини аниқлашда қандай мукамал усуллар қўлланилмасин, барибир улар норасмий бандликнинг реал кўламларини баҳолаш имконини бермайди ва унинг ҳақиқий сонидан катта кенгликда фарқ қилади. Норасмий бандлар сони ҳақидаги маълумотлар ҳамиша тахминий бўлади ва бу тахминларнинг ҳаққиқатдан жуда йироқ бўлиш эҳтимоли жуда катта. Қишлоқ хўжалигида норасмий бандликнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, унинг даражаси миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан нисбатан анча юқори. У фермер хўжалигида меҳнат қилаётган, лекин қонуний тарзда расмийлаштирилмаган ва шу сабабли хўжалиқдан оладиган иш ҳаққи ва бошқа даромадлари расман рўйхатдан ўтмаган ҳамда хўжаликка қонуний тарзда ишга қабул қилинган, лекин иш ҳаққини муайян бир қисмини рўйхатга киритмасдан нақд пул ёки натура шаклида оладиганлар, шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлганлар, иш ҳаққи олмайдиган деҳқон хўжаликлари киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг умумий даромадларида расмий фаолиятдан иш ҳаққи сифатида оладиган даромадлари тахминан 30-40 фоизини ташкил этади. Қолган даромадлар эса норасмий бандликдан, ижтимоий тўловлардан, хориждаги мигрантлардан юборилган пуллар ва бошқа манбалар ҳисобидан шаклланади. Бундай аҳвол қишлоқ хўжалигида меҳнат муносабатларини тартибга солишда, бу муҳим ишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий, маъмурий ва бошқа воситаларидан унумли фойдаланишда, умуман қишлоқларда мавжуд бўлган улкан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Келажакда қишлоқ хўжалигида норасмий бандликнинг кўламларини қисқартириш, тармоқда норасмий банд бўлганлар сонини кескин камайтириш ва шу асосда ушбу муҳим тармоқда меҳнат қонунчилигининг меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги ролини оширишнинг самарали механизм яратилмоғи

амалиётга жорий қилинмоғи лозим. Инсон цивилизациясининг ҳозирги босқичида меҳнат муносабатлари таркибида норасмий бандлик энг долзарб ва, айтиб ўтиш керак, энг оғир ижтимоий ҳаётда иқтисодий муаммолардан бири десак, муболаға бўлмайди. У билан мамлакатнинг иқтисодий юксалиши, фискал сиёсатни амалга ошириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражаси, корхона фаолиятининг самарадорлиги, ижтимоий адолат таъминловчиларининг қарор топиши ва бошқа бир қатор муҳим муаммоларнинг ечими узвий равишда боғлиқ. Шу сабабли, норасмий бандликни расмий бандликка айлантириш масалаларига муаммонинг ҳамма томонларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2008й.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. 1995й. 21 декабр.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 1996й. 29 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 2007й. 25 декабр
5. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. 1998й. 30 апрел.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, 1998й. 22- май.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, 2000й. 25-май.
8. Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлар тўплами. // 5 том Қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. – Т., 2005. –Б. 69-89, 106-122.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонуни, 2004й. 26 август.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонуни, 2004й. 26 август.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни, 29 сентябр, 2012й.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, 2012 йил 26 апрел.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: “Ўзбекистон” 1996.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари./— Т: Ўзбекистон, 2009.
17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 2009 йил 30 январ.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 2010 йил 28 январ.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: «Ўзбекистон», 2011.

20. Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. — Т.: Ўзбекистон, 2011.

21. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Зарафшон газетаси, 2012 йил, 21-январ.

22. Каримов И.А. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 2012 йил, 8 декабр.

23. Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузаси. «Туркистон» газетаси, 2013 йил, 19 январ.

24. Каримов И.А. «2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Зарафшон" газетаси. 2014 йил, 18 январь

25. Каримов И.А. «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.// Халқ сузи газетаси, 18 сентябр 2012й.

26. Каримов И.А. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. "Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир " Тошкент.: «Ўзбекистон», 2013 йил, 7 декабр.

27. "Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йўли" Давлат дастури. 2007й. 21 май.

28. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // Халқ сўзи газетаси, 2005й. 22 июн.

29.«Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 2006й. 17 апрел, ПҚ-325-сон қарори.

30.«Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача булган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни чора - тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори, 2007й. 21 май, ПК-640-сон қарори.

31. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент.: «Меҳнат», 2004.

32. Абдурахмонов Қ.Х. "Янгиланиш, тараққиёт, истиқбол" «Зарафшон» газетаси, 2014йил 14 феврал.

33.Арифжанов Ш. Ўзбекистонда кичик бизнесни микромолиялаш муаммолари ва уни такомиллаштириш йўллари.Тошкент.: 2003й.

34. Исмоилов Г. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили. //«Бозор, пул ва кредит»-Т.: 2007 йил. №7.

35.Зарипов К. Худудий меҳнат бозорини ривожлантириш омили. // «Бозор, пул ва кредит»-Т.: 2008. №4.

36. Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: Учебник.- М.:ИНФРА-М, 2008.-С.567.

37.Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан. – Т: 2000.

38.Мардонов Б. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти.//Иқтисод ва таълим. -Т.: 2011. №5.

39.Мардонов Б. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. // Иқтисодиёт ва таълим. Т.: 2011. №6.

40.Мардонов Б.Б. Иқтисодий ўсиш ва бандлик. // Иқтисод ва молия. Т.: 2015 й. №1.

41.Исхакова С.А. Анализ состояния использования сельских трудовых ресурсов в Самаркандской области // Иқтисод ва молия. Т.: 2015 й.

42.Мухаммедов М.М., Исхакова С.А. Мардонов Б.Б. Қишлоқларда аҳоли бандлиги: муаммо ва ечимлар. Монография. Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 14.0 б.т. 2014 й.

43.Мухаммедов М.М., Уринбаева Ю.П. Кичик тадбиркорлик ва қишлоқ аҳолиси бандлиги. Монография. Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 7.0 б.т. 2014 й.

44.Мухаммедов М.М., Асланова Д.Х., Исхакова С.А. Рынок труда Узбекистана: региональные проблемы безработицы и занятости. Самарқанд.:Изд-во «Зарафшан», 2008.

45.Мухаммедов М.М., Асланова Д.Х., Исхакова С.А. Практические рекомендации по обеспечению занятости молодежи в Узбекистане. Самарқанд.:Изд-во «Зарафшан», 2007.

46.Мухаммедов М.М., Максакова Л.П., Асланова Д.Х., Исхакова С.А. Молодежь на рынке труда. Самарқанд.: Изд-во «Зарафшан», 2008.

47.Мухаммедов М.М., Асланова Д.Х., Исхакова С.А. Молодежь: проблемы занятости и безработицы. «Зарафшан», 2008.

48.Мухаммедов М.М., Исхакова С.А. Занятость и трудовые доходы. «Зарафшан», 2009.

49. Мухаммедов М.М. К вопросу о повышении производительности труда в Республике Узбекистан. «Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш

йўллари ва воситалари» мавзусидаги илмий - амалий конференция материаллари». Самарқанд, 2002 йил.

50. Мухитдинов Х.С. Аҳоли турмуш даражасини моделлаштириш. Тошкент.: 2005.

51. Надомный труд в Узбекистане: возможности организации и опыт развития (Законодательство и практика). Учебно-методическое пособие. Ташкент.: 2008.

52. Пардаев М. Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Маърузалар матни. Самарқанд: СамИСИ, 2002.

53. Пардаев М. Қ., Исроилов Ж.И., Гаппаров АД. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Самарқанд, «Зарафшон» 2009.- 65 б.

54. Пардаев М.Қ. Корхонанинг меҳнат потенциали таҳлили. Самарқанд: СамКИ, СВБАА, 1997.

55. Рофе А.И. Рынок труда. Учебник для вузов. Москва.: МИК, 2003г.

56. Рощин С.Ю., Разумова Т.О, Экономика труда: экономическая теория труда. Учебное пособие. М: ИНФРА-М, 2000г.

57. Рынок труда. Учебник. Москва.: Экзамен, 2003г.

58. Саматов Г, Акромов Б. “Истиклол йилларида аграр тармоқда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижалари ва истикболлари”. Академик Яъё Гуломов номидаги Республика илмий семинарининг 37-йигилиши материаллари. – Т.: 2006. – Б. 34 .

59. Социальная экономика. Т.: Узбекистан. 2006.

60. Стратегия повышения благосостояния населения Узбекистана. Ташкент.: 2007.

61. Статистический ежегодник. Россия. М.:. 2010.

62. Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане в 2013г. Статистический сборник. Ташкент.: 2013г.

63. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. Статистический сборник Госкомстата РУз. Ташкент.: 2013г.

64. Статистический ежегодник Республики Ўзбекистан. Статистический сборник Госкомстата РУз. Ташкент.: 2013г.

65. Сельское хозяйство Узбекистана. Статистический ежегодник Госкомстата РУз. Ташкент.: 2013г.

66. Труд и занятость в Республике Узбекистан в 2013г. Статистический сборник. – Ташкент.: 2013г.

67. Темирова Ч. Ўзбекистон қишлоқлари ривожланишининг ижтимоий-маданий аспекти: ҳолати ва муаммолари. Диссертация автореферати. Тошкент.: 2011 й.

68. Трудовая миграция в Республике Узбекистан. Сборник научных статей. Ташкент.: 2008.

69. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. Т.: ГНИ «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi», асосида тузилди 2006. – 83 с.

70. Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития. Материалы Республиканской научно-практической конференции посвященной 15-летию Международной конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994г), Т.2009, с.22

71. Узбекистан в цифрах в 2013г. Статистический сборник Госкомстата РУз. Ташкент.: 2013г.

72. Умарова Д. Аҳоли бандлигининг демографик асослари. // «Бозор, пул ва кредит»-Т.: 2004 йил., №7-8, 82 бет.

73. Хусанов Р. Фермер хўжалиги // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Т.: «ЎЗМЭ Давлат илмий нашрети», 2005. 9-том. – Б. 221.

74. Хайдаров Х. Фермерчилик истикболлари. Иқтисод ва ҳисобот. 1993 й №4 –Б.28.

75. Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги. UNDP. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД).-Тошкент., 2010 йил.

76. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлар ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. Тошкент, Ўзбекистон, 2011 й, 45 б.

77. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола.-Т.: Фан ва технология, 2007.

78. Файзиев Э.С., Абдукаримов Б.А., Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш: назарий муаммолари ва ечимлари. // «Сервис»- Самарқанд: 2009. №4

79. Ҳайитов Ш. Қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлаш. // «Бозор, пул ва кредит»-Т.: 2004. №5.

80. Ҳайитов.А. Аҳоли даромадларининг шаклланиш хусусиятлари.// Ж. Иқтисод ва ҳисобат №9.

81.Юлдашева Қ. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва менежменти. Тошкент.2007й.

82.Ядгаров Я.С.История экономических учений: Учебник для вузов 3-е издание М.: ИНФРА-М,1999.

83.The World Bank: World Development indicators, 2013. Gross Domestic Product,2012

ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ:

<http://www.worldbank.com>, <http://www.Gov.uz>, <http://www.edu.uz>,
<http://www.press-service.uz>, <http://www.natlib.uz>,
<http://www.mineconomy.uz>, <http://www.stat.uz>, <http://www.minfin.uz>,
<http://www.stat.ru> <http://www.ecolife.ru.jornal.econ>

Мухаммедов М.М.

Норасмий бандлик: сабаблари, оқибатлари ва
қисқартириш йўллари

Монография

"IQTISODIYOT" – 2015.

*Муҳаррир
Мирҳидоятова Д.М.*

*Мусахҳиҳ
Омонуллаева Ш.Н.*

Лицензия А1 № 240 04.07.2013 й. Теришга берилди 25.12.2015. Босишга рухсат
этилди 30.12.2015. Қоғоз бичими 60x80 1/16. Times гарнитураси. Офсет босма.
Офсет қоғози. Шартли босма табағи 9,6. Ҳисоб нашр варағи 9,2.
Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нархда

"IQTISODIYOT" нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100003. Тошкент шаҳри Ўзбекистон шохкўчаси, 49-уй.

65.9(2) Мухаммедов М.М. Норасмий бандлик.
сабаблари, оқибатлари ва қискартириш
йўллари. Монография. –Т.: IQTISODIYOT,
-2015. – 155 б.

1. Мухаммедов М.М.

ISBN 978-9943-986-49-7

УЎК: 331.5:334
КБК: 65.9(2)

65, 9(2)
11910



9 789943 986497